

438  
439  
440

Ўттиз еттинчи йил чиқиши  
Ражаб-шаъбон-рамазон 1444ҳ  
Феврал-март-апрел 2023м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Al-Bayy





438  
439  
440

Ўттиз еттинчи  
йил чиқиши  
Ражаб-рамазон 1444ҳ  
Феврал-апрел 2023м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Ушбу сонда

- Ушбу сон ҳақида: ..... 3
- **Ал-Ваъй сўзи:** Дунё бугун глобал ўзгариш ёқасида турибди (Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик Аллоҳнинг ғолиб амридир инша Аллоҳ)..... 9
- Халқаро кураш қизғин тус олиб, ҳозирги халқаро тартибни ўзгартириш зарурати туғилган бир вазиятда дунёни ким бошқаради? Ислом ҳақ дин, Халифалик ягона ечимдир..... 23
- Аллоҳ Субҳанаҳунинг ваъдаси ва Росули ﷺнинг башоратига имон келтириш ..... 36
- Ҳизб ут-Таҳрир амири, улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштанинг Халифалик давлати қўлатилишининг 102 йиллик хотирасида сўзлаган нутқи ..... 47
- Ҳизб ут-Таҳрирнинг Халифалик давлати ағдарилиши хотирасида ўтказган халқаро тадбирлари..... 56
- Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик Росулulloҳ ﷺнинг башоратлари бўлиб, бугун унинг айни вақтидир... Ҳизб ут-Таҳрир эса унга даъват қилаётган ягона партиядир ..... 76
- Рамазон тақво ва уйғониш ойдир..... 86
- **Олам муслмонлари хабарлари**..... 91
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 99
- **Жаннат боғлари:** Муслмонлар ҳаёти Халифаликка маҳкам боғланган ..... 106
- Ташаккурнома ..... 113
- **Сўнги сўз:** Қарилик Ислом ва Ғарб ўртасида ..... 114
- БМТ бир кўзли дажжол... У Россияни Украинадаги «ҳарбий жиноятлари» учун айблади, Суриядаги жиноятлари ҳақида сукут сақлади.. 116



### **Ушбу сон ҳақида:**

Ушбу сон Халифалик қулатилганидан 102 йил ўтиб чиқарилар экан, ишонч ва умид билан айтамызки, биз йил сайин ўз мақсадимизга эришишга, яъни пайғамбарлик минҳожиди асосидаги рошид Халифаликни барпо этишга яқинлашиб бормоқдамиз... Бизга ва бутун мусулмонларга маълумки, зулматли кечалар ўтди ва такбир садолари янграйдиган ҳақиқий тонгнинг отиш фурсати келди... Барча белгилар унга ишора қилиб, тасдиқлаб турса-ю, нега тонг отмасин! Биз барчага: «бўладиган иш яқинда воқе бўлгувчидир», деб айтамыз... Ҳа, биз барчага айтамызки, ер юзи деярли бир йил аввал (Россия ва Украина ўртасида) уруш бошлаган адолатсиз, кофир капиталистик Ғарбнинг қабиҳликларидан тозаланиши керак. Улар бу уруш ҳақида: учинчи жаҳон уруши хабарчиси, дейишмоқда. Қаерда? Уларнинг ўз диёрларида... Кимнинг ўртасида? Россия ва Ғарб давлатлари ўртасида... Уни ким уюштирмоқда? Америка... Чунки у кураш майдони кенгайиб, Хитойни, Ҳиндистон ва унинг атрофидаги ҳудудларни қамраб олишини истайди... Нима мақсадда уюштирмоқда? Бутун дунёда – гарчи сочилган таналар ва вайроналар устида бўлса ҳам – ўз етакчилигини сақлаб қолиш мақсадида... Бу ҳазорат нақадар жирканчли. Уни йўқ қилиш ва инсониятни ундан қутқариш заруратга айланди.

Лекин бугунги кунда қулаб бораётган ушбу ҳазоратнинг ўрнини босадиган ва одамларни зулматдан нурга олиб чиқадиган бошқа мабда борми? Ҳа, бундай мабда бор ва у оламшумул сиёсий ақидага асосланган, одамлар ҳаётидаги барча муаммоларни ҳал этадиган ҳаёт низомига эга бўлган Ислом мабдасидир. Ҳа, бугун бундай мабда бор ва ундан бошқаси йўқ. Бугунги кунда манфаат, ҳукмронлик ва нуфуз таллашиб ўзаро курашаётган дунё давлатлари Исломнинг қайтишидан қўрқиб, унга қарши куч билан курашиш учун бирлашишган. Айни пайтда улар ўзларининг ёвуз мабдасидан бошқа мабдага эга эмас. Бу йиртқич давлатларнинг ҳеч бирида «моддий жиҳатдан кучли бўлган ғолибдир» деган шордан бошқа нарса йўқ. Бугунги кунда энг қўрқинчли нарса моддий кучнинг ҳаддан ошиши ва фикрий кучнинг абгорлигидир. Бу ўзаро курашаётган давлатларда ахлоқий, диний ёки инсоний назоратнинг йўқлигини ва агар бунинг олди олинмаса дунё ҳалокатга учраб, вайрон бўлишини англатади.

Фақат Ислом ҳақ дин ва тўғри мабдадир. Унинг ҳукмлари инсонни, унинг дини ва ирқидан қатъий назар, инсон сифатида тарбиялайди. У ер юзида мавжуддир, лекин бу ерда кимдир унинг пайдо бўлишини олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Албатта у Ғарбнинг айна ўзидир. Ғарб ёвузлик уруғини сепади, яхшилик ва унинг асил дарахти мева беришига йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Бироқ, Аллоҳнинг иродасига, Унинг ваъдаси амалга ошишига қандай қарши тура олсин! Умматнинг шариатни барпо этишига қандай тўсқинлик қила олсин!

Шундай қилиб, биз бугунги дунёнинг капиталистик Ғарб давлатлари билан бирга биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида бўлгани каби ҳалокат ва миллионлаб одамларнинг қирғин қилиниши сари кетаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Айна пайтда биз кўряпмизки, дунё динни давлатдан ажратиш ақидасини тарих ахлатхонасига улоқтирганидан кейин, «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Росулulloҳ» деган шаҳодат калимасига асосланган сиёсий ақида асосида Халифалик давлати сари ва ер юзини ҳақ билан обод қилиш сари кетмоқда. Ҳа, манфаатлар устида низолашишга асосланган, одамлар томонидан белгиланган нуқсонли низом кўмиб ташланганидан кейин, эҳтиёжлари ва ғаризаларини қондиришда одамларнинг ёлғиз Аллоҳга итоат этишларига ва Расулulloҳ ﷺга эргашишларига асосланган илоҳий низом билан ҳаётини тартибга солади.

Тарих қайталанмоқда ва у глобал ўзгаришни кутмоқда. Буюк давлатлар ушбу ўзгаришнинг ўз манфаатлари учун бўлиши ҳақида, шунингдек, унда мавқега эга бўлиш ҳақида жиддий ўйлашмоқда. Қарши томонда эса ушбу исталган ўзгариш даражасида фикрлаётган ёлғиз Ҳизб ут-Таҳрир турибди. У Аллоҳнинг ваъдасига тўлиқ ишонган ҳолда ушбу ўзгаришга ўзини тайёрламоқда. Унинг фаолияти бошидан охиригача Аллоҳнинг ҳидояти, қўллаб-қувватлови ва тавфиқига боғланган. Уни Аллоҳ собитқадам қилади ва маккорлар макридан ҳимоя қилади. У ишонадики, Аллоҳ бу маккорлардан кучли ва Ўз ишида Ғолибдир. Еру осмондаги бирор нарса Уни ожиз қолдира олмайди. Аллоҳнинг буйруғи коф ва нун ўртасида (Яъни Аллоҳ нимани бўл деса бўлади). Аллоҳнинг ғолиб қилиш ҳақидаги ваъдаси, Росулulloҳ ﷺнинг рошид Халифаликнинг барпо бўлиши ҳақидаги башоратлари ҳақдир. Эртанги кун кутган киши учун яқиндир.

Ал-Ваъй журналининг ушбу махсус сондаги мақолалари қуйидаги қисмларга бўлинган:

**Биринчи қисм: «Дунёни ким ва қайси халқаро тартиб билан бошқаради»** сарлавҳаси остидаги мақолада ҳозирда халқаро майдондаги фаол давлатлар ўртасида кураш қизғин паллага чиққани ҳақидаги мавзу тақдим этилади. Унда пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик дунёни қайта бошқаришга муносиб ягона давлат эканлиги баён қилинади. Чунки Халифалик дунёни инқирозлардан олиб чиқа оладиган кенг қамровли илоҳий низомга эга. Айни пайтда ўзаро низолашаётган бошқа давлатлар ҳозирги дунё тартибидан бошқа янги ҳазорий лойиҳага эга эмас. Ҳозирги дунё тартибининг муваффақиятсизлиги, абгорлиги, доимий инқирозлар ва урушларни келтириб чиқариши, шунингдек, одамлар ва дунё ишларини тўғри ҳал қила олмаслиги ўз исботини топди. Унда яна баён қилинишича, кутилаётган ўзгариш Аллоҳнинг ваъдасига ва Росулulloҳ ﷺнинг Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик ҳақидаги башоратларига мос келади. Рошид Халифалик давлати охир замонда дунёни бошқаради ва у оламшумул, қолаверса, дунёдаги биринчи давлат бўлади.

**Иккинчи қисм:** Унда Ҳизб ут-Таҳрир, шунингдек, унинг ваъда қилинган рошид Халифаликни барпо этиш вазифасини ўз зиммасига олган ҳизб эканлиги ҳақида гап боради. Бу қисмдаги мақолалар Ҳизб ут-Таҳрирнинг йиллик тадбирларини ўз ичига олади. Зеро, Ҳизб ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ўзи фаолият олиб бораётган турли юртларда шундай тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бу тадбирлар рошид Халифаликни барпо этиш лойиҳаси муҳим лойиҳа эканлигининг ёрқин намунасидир... Ҳизб амири, атоқли олим Ато ибн Халил Абу Рошта ҳафизаҳуллоҳнинг шу муносабат билан қилган нутқи ушбу қисмнинг энг яхши муқаддимаси бўлди. У ўз нутқи билан Ҳизбнинг ишларига ҳамда шаръий ўзгариш инша Аллоҳ амалга ошишига бўлган ишончини тиклади. Ато ибн Халил Абу Рошта ҳафизаҳуллоҳ ўз нутқида қувват эгаларига мурожаат йўллади. Чунки динни барпо этиб, Уммат қалбига шифо бағишлашга ёлғиз улар қодирдир. Ундан сўнг Ҳизб ут-Таҳрирнинг турли соҳалардаги фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар, шунингдек, рошид Халифаликка чақирувчи ягона ҳизб Ҳизб ут-Таҳрир эканлиги баён қилинган мақола берилди.

Сўнг «Армияларга нидо йўллаб, такбирлар айтинг» сарлавҳаси остидаги шеър билан ушбу қисмга якун ясалди.

**Учинчи қисм:** Бу қисмдаги мақолалар бугунги кунда муслмонларни ушбу даъват билан бирга бўлишга чақиришдан кўра шарафлироқ даъват йўқлиги жиҳатидан аввалги икки қисмдаги мақолаларни тўлдирди. Биринчи мақолада уламолар динни барпо этишда зиммаларидаги Аллоҳнинг ҳаққини бажаришга чақирилади. Зеро, бунга улардан кўра ким муносиброқ?! Иккинчи мақолада қувват эгалари динни барпо этишда зиммаларидаги Аллоҳнинг ҳаққини адо этишга чақирилади. Чунки буни амалга оширишга улардан бошқаси қодир эмас. Учинчи мақолада муслмон ёшлар динни барпо этишда ўзгариш қуроли ва Умматнинг кучли билагини бўлишга чақирилади. Чунки улар келгуси Халифаликнинг давлат арбобларидир. Тўртинчи мақолада эса, барча муслмонлар Парвардигорларига бўлган итоатини тубан ишларга эмас, балки юксак ишларга йўналтиришга чақирилади. Ҳизб ут-Таҳрирнинг бу динни қоим қилишга чақиришидан кўра олийроқ ва муҳимроқ даъват йўқ.

**Тўртинчи қисм:** Бу қисмдаги мақолаларда Ғарбнинг Исломга қарши тўхтовсиз макр-ҳийла қилишга уриниши ҳақида гап боради. Ғарб Исломга қарши икки йўналишда иш олиб боради. Аллоҳ унинг ишини қийинлаштиради, уни зиён ва ҳалокатга етакласин. Биринчи йўналиш: динни асосидан ўзгартиришга ва уни бошқа динлар билан аралаштириб юборишга уриниш. Бу борада: **«БМТ динларни бирлаштирувчи янги глобал динга чақирмоқда», «Суннатни тан олмаслик динни тан олмасликдир»** ва **«Иброҳимий динига чақириш... динни нотўғри талқин қилиш ва чалғитишдир»** сарлавҳаси остидаги учта мақола берилади. Иккинчи йўналиш: у Ғарбнинг баъзи қуроллари ва сиёсий малайларини, шунингдек, Ислом бошқаруви сари кетаётган умумий исломий тенденцияга зарба беришда улардан фойдаланаётганини ўз ичига олади. Шунингдек, бу қисмда Эрдоган ва унинг динни барпо этиш учун олиб борилаётган фаолиятни обрўсизлантириш методологияси ҳақида мақола берилади. Ушбу мақола номи бундай: «Прагматизм ёки эрдоганизм? (Реализмни муқаддас санаш, тушунчаларни беқарорлаштириш ва амалий мақсадларга эришиш учун макр-ҳийлаларни оқлашга чақириш)». Кейин, **«Босқинчи яҳудийлар**

**вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш»** сарлавҳаси остида берилган мақолада Кўрфаздаги ярим ҳукмдорлар томонидан яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришга тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида гап боради. Мусулмонларнинг малай ҳукмдорлари раҳбарлигида Ислом лойиҳасига қарши макр-ҳийла қилишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ҳақидаги **«Пасткашлар замонида оммавий ахборот воситалари»** сарлавҳали мақола билан ушбу қисмга яқун ясалади.

**Бешинчи қисм:** Бу қисмдаги учта мақола ушбу сондаги мақолаларнинг хулосаси ўрнида берилади. Унда берилган мақолаларнинг бирида Ғарбнинг ўз мабдаси билан жарликка қандай қулаб бораётгани ва бу бошқалардан олдин ўзининг тадқиқотчи ва муфаккирлари томонидан тан олинаётгани рақамлар билан аниқ қилиб кўрсатиб берилади. Яна бир мақолада Американинг Рим асрида экани ва уни Рошид Халифалик Аллоҳнинг ёрдами ила йўқ қилиши баён қилинади. Кейин бу қисм якунида **«Нажот йўли иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш орқали Аллоҳ нозил қилган шариат асосидаги бошқарувни қайта тиклашдир»** сарлавҳаси остидаги ушбу соннинг хулосаси ҳисобланган мақола берилади.

Шундан сўнг, Рамазон ойи муносабати билан **«Рамазон тақво ва уйғониш ойдир»** сарлавҳали мақола берилади. Кейин эса, **«Дунё мусулмонлари хабарлари»**, **«Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритиш: ибодат ҳамда халифа қилиш»** сарлавҳаси билан **«Қуръон Карим суҳбатида»** ва **«Мусулмонлар ҳаёти Халифаликка маҳкам боғланган»** сарлавҳаси билан **«Жаннат боғлари»** каби журналнинг доимий боблари берилади. Ундан кейин **«Қарилик Ислом ва Ғарб ўртасида»** сарлавҳаси билан **«Сўнги сўз»** ҳамда журналнинг охирида **«БМТ бир кўзли дажжолдир... У Россияни Украинадаги уруш жиноятларида айблади, Сурияда уни бу жиноятда айбламади»** сарлавҳали мақола берилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу махсус соннинг мақолаларида қуйидагилар таъкидланган:

– **Дунё манфаатдор йирик давлатларни банд қилиб қўйган оламшумул ўзгариш остонасида турибди. Дунёни бошқаришга яроқли ягона глобал низом Халифалик давлати низомидир.**

– Ҳизб-ут-Таҳрир рошид Халифаликка чақирувчи ягона эзгулик даъватчисидир. У даъватига ёрдам кўрсатилишига энг муносиб ягона ҳизбдир.

– Муслмонлар (уларнинг орасидаги уламолар, қувват эгалари ва ёшлар) ушбу ўзгариш жараёнининг марказида бўлишга чақирилмоғи даркор. Чунки уларнинг дини Парвардигорларига бўлган итоатини тубан ишларга эмас, балки юксак ишларга йўналтиришга чақиради.

– Ғарб ушбу динга ва унинг Халифаликни барпо қилиш йўлидаги буюк лойиҳасига қарши макр-ҳийла қилишни ва унга қарши урушини тўхтатмайди. Чунки у ўлими муслмонлар қўли билан бўлишини билади.

– Ғарб биладик, унинг қуёши сўниб бормоқда, йўлбошчиси бўлган Американи Аллоҳ Ўз ҳузуридан азоб юбориш билан ёки бизнинг қўлларимиз билан мағлубиятга учратади ва Ислом қуёши яна қайта нур сочади.

– Сўнгги дуоимиз, оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин. □



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## **ДУНЁ БУГУН ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШ ЁҚАСИДА ТУРИБДИ (ПАЙҒАМБАРЛИК МИНҲОЖИ АСОСИДАГИ РОШИД ХАЛИФАЛИК АЛЛОҲНИНГ ҒОЛИБ АМРИДИР ИНША АЛЛОҲ)**

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларида, яъни бундан қирқ ярим йил муқаддам Совет иттифоқининг парчаланиши ўша пайтдаги ҳукмрон халқаро тартибнинг парчаланишини ҳамда энг кучли давлат бўлмиш Америка ўзининг манфаати учун бўладиган янги халқаро тартибни ўрнатиш ҳақида ўйлай бошлаганини англатар эди. Ўша пайдан бошлаб Америка янги халқаро тартиб ўрнатишга жиддий ҳаракат қила бошлади ва Исломни социализмга муқобил душман сифатида қабул қилди. У Исломни яқинлашиб келаётган хатар деб билиб, уни халқаро ҳаёт саҳнига мабда, ҳазорат ҳамда Халифалик давлати бўлмиш кенг қамровли давлатда татбиқ этишга лойиқ шариат сифатида қайтишини олдини олиш шарт, деб ҳисоблади. Зеро, бу давлатнинг исми тилга олинган пайтда бутун Ғарб раҳбарлари ва диндорларининг қалби титраб, ақлдан озадилар... Америка Ислом ва унинг Халифалик лойиҳасига қарши курашни Хитой ва Россияга қарши курашдан ҳамда халқаро майдонда ўзлари учун салмоқли вазнга эга бўлиш мақсадида бирлашишга ҳаракат қилаётган Европа давлатларига қарши курашдан афзал кўрди. Шунинг учун Америка ўзининг Исломга қарши курашини терроризмга қарши кураш ниқоби остида эълон қилди. Бироқ, бу курашида муваффақиятсизликка учраб, ҳазорат соҳасидаги омадсизлиги янада ортди. Ҳатто у ҳарбий урушида ҳам ғалабага эриша олмади. Масалан, аввал Афғонистондан, сўнг Ироқ ва Суриядан чиқиб кетиши унинг муваффақиятсизлиги кўринишларидан бошқа нарса эмас ва буни ўзи ҳам тан олди.

Ҳа, Американинг мусулмон юртларидан чиқиб кетиши ихтиёрий эмас мажбурий бўлди. Чунки мусулмонларга қарши уруш билан банд бўлиб қолганидан Хитойнинг фойдаланаётганини кўрди. Ҳақиқатда Хитой бундан фойдаланиб, барча даражадаги халқаро курашда Американинг жиддий рақобатчиси бўлишига, шу нарсага

яқинлашишига оз қолган эди. Россия ҳам, гарчи бир ўзи Америкага рақиб давлат бўла олмаса-да, аммо Хитой билан биргаликда АҚШ учун стратегик хавфга айланди. Америка кичик Буш ҳукмронлигининг биринчи муддатининг охири ва иккинчи муддатининг бошида Исломга қарши урушида муваффақиятсизликка учраганини билди. Шунда экстремизм ва терроризмнинг кучайишида айбни зулмга, яъни ҳукмдорлар зиммасига юклар, уларни минтақада терроризмнинг пайдо бўлишига сабабчи қилиб кўрсатди. Бироқ шунга қарамай, унинг Исломга қарши курашида ҳеч нарса ўзгармади.

Обама келгач, у дунёни «бир қутблилик билан бошқариш» ғоясидан воз кечганини айтар экан, бу билан Американинг Исломга қарши курашдаги муваффақиятсизлигини эълон қилди. Обама мусулмонлар билан муносабатни яхшиламоқчи бўлиб, президентлигининг биринчи ойларида Мисрда борди ва унинг Азҳардан туриб қилган «хутба»си АҚШ билан исломий олам ўртасидаги алоқаларни яхшилашга, яъни кичик Буш даврида кўп жиҳатдан бузилган муносабатларни тўзатишга қаратилди. Жумладан у: «Менинг Ислом дунёси олдидаги вазирам америкаликлар сизнинг душманингиз эмаслигини тушунтиришдир», деди. Бироқ мусулмонлар ҳукмдорларга ва уларнинг ғарб давлатларидаги хўжайинларига қарши қўзғолон қилиш билан кутилмаганда Обамани ҳам, дунёни ҳам эсанкиратиб қўйдилар...

Қудратга Трамп келгач эса, Ислом ва мусулмонларга нисбатан очиқ душманликни эълон қилиб, Исломга дин сифатида ҳужум қилди ва уни АҚШга нисбатан нафрат ва душманчиликда айблади. У, шунингдек, мусулмонларнинг Қўшма Штатларга киришларига тақиқ қўйилишини талаб қилди. Очиқ кураш зарарли эканини баҳона қилиб, Афғонистон, Ироқ ва Суриядан АҚШ қўшинларини олиб чиқиб кетмоқчи эканини билдирди. Аммо буни амалга ошира олмади. Байден келиб, чиқиб кетишга мажбур бўлганида эса, буни хорлик деб атади. Америкалик расмийлар ҳам у ердаги урушларининг муваффақиятсизликка учрагани ҳақида гапиришди.

Байден келиши билан биз Американинг дунёни бошқаришда монополияга асосланган янги халқаро тартибни (бир қутблилик тизимини) яъни рақобатчиси бўлмаган биринчи давлат яратиш режасини амалга ошира бошлаганига гувоҳ бўлдик. Америка

Ўзгаришлар ўзининг тартибига мувофиқ келиши учун бир фронтни ёпиб, бошқа бир фронт очаётганини, баъзи давлатларни қамалга олаётганини, баъзи давлатлар билан иттифоқ тузаётганини кўрдик. Дарҳақиқат, Байден муслмон юртларидан бевосита чиқиб кетгандан сўнг Россия ва Украина урушига олов қалади ва бундан ўзининг халқаро саҳнадаги икки рақиби бўлмиш Европа Иттифоқи билан Россияни заифлаштириб, ҳолдан тойдиришни ва буни урушга ўзи бевосита аралашмаган ҳолда бажаришни мақсад қилди. Бундан бошқа яна бир режаси борлиги, яъни Хитойни ҳам заифлаштириб, ҳолдан тойдиришни ва уни ўз минтақаси билан овора қилиб қўйишни ва буни ҳам ўзи тўғридан-тўғри аралашмаган ҳолда қилишни режалаштиргани маълум бўлди. Америка ўзидан бошқа бутун дунё давлатларининг ҳолдан тойишини истаяпти ва буни «янги Маршал лойиҳаси» орқали амалга ошириш билан янги дунё етакчилигини қўлга олмоқчи. Бу ерда, заифлаштириш схемасининг бир қисми сифатида давлатларни бўлиб ташлаш ва ораларида урушлар келтириб чиқариш сиёсатини ҳам олиб бораётган кўринади. Россия билан Хитойни бўлиб ташлаш, Европа давлатларини парчалаш ҳамда муслмонлар орасида миллатчилик, мазҳабпарастлик ва тоифачилик низоларини келтириб чиқариб, Халифаликни барпо этишларига йўл қўймаслик ҳам айна сиёсат доирасига киради. Ҳозирда халқаро сиёсат ва халқаро курашда айнан мана шу нарса ҳукмрон ва бу Халқаро майдондаги фаол давлатларни ташвишга солмоқда. Кўриниб турибдики, бу можаронинг натижалари кўплаб авлодлар учун Ер шаридаги халқаро сиёсий курашнинг келажагини белгилаб беради.

Демак, бугунги кунда дунё глобал ўзгаришлар ёқасида турган экан, бундан Ислом ва муслмонларнинг улуши қандай? Шу ўринда, биз сўзимизни бошида бошлаган мавзуга қайтмоқчимиз. Мавзу шуки, Совет Иттифоқи парчалангандан кейин Америка ўзига душман сифатида бекорга Исломни танламади. Аксинча, у Исломни яхши танигани учун уни ўзига душман, деб билди. Яъни Ислом бу кенг қамровли давлат бўлмиш Халифаликда татбиқ этилишга лойиқ система, ҳазорат ва тирик бошқарув шарияти эканини англади. Бундан ташқари, у муслмонларнинг эҳ-қушларини йиғиб олаётганларини ҳамда ғарбнинг фикрий ва сиёсий уруши сабабли йўлиққан фалажлик ва кўрлик ҳолатидан

қутулишга киришаётганларини, илгари яшашган исломий ҳаётни қайта бошлашга уринаётганларини ҳам билади. «Араб баҳори», деб аталган қўзғолонлар эса мана шу йўналишнинг акс-садосидан бошқа нарса эмас. Америка халқаро майдонда ўзига рақиб сифатида намоён бўлаётган ва уларга эътибор қаратиши лозим бўлган глобал кучлар сабабли Исломга қарши курашини тўхтатиб туришга мажбур бўлса-да, бироқ, бу курашда энг муҳим рақиб ҳамон Ислом бўлиб турибди. Чунки бошқаси эга бўлолмаган нарсага Ислом эга, яъни у амалда рақобатсиз яроқли системадир. Бир-бири билан рақобатлашаётган дунё кучларининг ҳар бири дунёдаги барча инқироз ва балоларни келтириб чиқараётган капиталистик система тушунчаларини қабул қилишган бўлиб, янги халқаро тартиб ҳам мана шу система тушунчалари асосида бўлишини хошлашади. Уларнинг бугунги кундаги бор-йўқ курашлари мавқе ва манфаат учун бўляпти, холос. Бошқача ибора билан айтганда, улар қидираётган ўзгариш қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, у ҳақиқий ўзгаришни ёки туб ечимларни олиб кела олмайди.

Ёлғиз Исломгина ҳақ. Ҳақиқатга ҳам, ечимга ҳам, нажотга ҳам фақат Ислом эга. Ушбу курашдаги Исломнинг қудрат манбаи ҳам мана шу. Зеро, Ислом билан эришиладиган нажот муслмонлар учун ҳам, ғайримусулмонлар учун ҳам нажот олиб келади. Ҳар қандай мабда ғалаба қозониши учун унинг мафкуравий кучи, сўнг моддий кучи бўлиши керак. Ҳозирда ғарб ва халқаро саҳнадаги фаол давлатларда моддий куч бор, бироқ соғлом яроқли мафкуравий куч йўқ. Уларнинг муқобили ўлароқ, Исломда соғлом яроқли мафкуравий куч бор. Бироқ, ҳозирда Ислом моддий қудратга ҳамда уни ҳимоя билан таъминлайдиган Исломий Халифалик давлатига эга эмас. Аммо Аллоҳ Субҳанаҳу муслмонларга У зотнинг амр-фармонлари асосида ҳаёт кечиришни ҳамда Халифаликни барпо этиш, шариатни татбиқ қилиш, юртларни фатҳ қилиб, одамларни Исломга олиб кириш орқали Аллоҳнинг ҳаққини адо этишни ҳамда Росулulloҳ ﷺ ва саҳобалар қандай бўлган бўлсалар, ўшандай бўлишни ва ораларида яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир гуруҳ бўлишини буюрди.

﴿وَالْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

**«Орангизда яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир гуруҳ бўлсин»**

[Оли Имрон 104]

Аллоҳ Таоло шуларнинг барчасига буюриш баробарида Аллоҳга ёрдам берганларга нусрат-ёрдам беришни ҳам ваъда қилди ва нусрат беришни фақат Ўзига хослади.

Ушбу ояти каримада айтилган уммат-гуруҳ масаласига тўхталадиган бўлсак, дарҳақиқат, Ҳизб ут-Таҳрир Аллоҳнинг мана шу амрига бўйсунган ҳолда қоим бўлди. У Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари асосида юриб, ул зот Ислом давлатини барпо этиш учун амалга оширган ишлар билан шуғулланди ҳамда у киши босиб ўтган босқичларини босиб ўтди. Шу ўринда айтиш мумкинки, Ҳизб фикратга тааллуқли шаръий аҳкомлари билан тариқатга тааллуқли шаръий аҳкомларни табанний қилишда ва шаръий тариқат бўйича қадам ташлаб, Росулulloҳ ﷺнинг тариқатларидан заррача четга чиқмасдан сабру матонат билан йўлнинг охирига етишда муваффақиятга эришди. Ҳизб фикрий ва сиёсий кураш билан шуғулланиб, Уммат манфаатларини қабул қилди ҳамда мустамлакачи кофир ғарб режаларини фош этди. Буларнинг барчасида Росулulloҳ ﷺнинг амалларидан ўрнак олиб, Ислом дунёсида исломий бошқарув ҳақида жамоатчилик фикрини пайдо қилишга муваффақ бўлди. Ҳатто Халифалик бутун Умматнинг орзу-умидига айланди ва энди Ҳизб Халифаликка чақирувчи ҳизб сифатида танилди. Исломнинг ҳаёт сахнига қайтиши бунинг олдини олиш учун макр қилиб, тузоқлар қўйиб, репрессия қилаётган кофир ғарбни хавотирга соладиган ва ҳаловатини бузадиган бўлди. Ҳизб ҳозирлаган ишлардан яна бири шу бўлдики, у Аллоҳнинг ваъдаси билан барпо бўлажак Ислом давлатида татбиқ қилиниши учун тайёр дастур лойиҳасини тақдим этди ва унда давлат аппарати ва ваколатларини муфассал баён қилди. Шунингдек, Ҳизб тайёрлаган ишлардан бири жуда кўп Ҳизб аъзоларини етиштириб чиқаргани бўлди. Ҳизб ўз аъзолари билан биргаликда даъватнинг давлат барпо бўлишидан олдин учрайдиган барча оғир юкларини кўтарди ва кўтаришда давом этмоқда. Бошқалар қадам қўйишдан чекинган, қўрқоқлик қилган ва дунё ҳаётини афзал кўрган бир пайтда, Ҳизб аъзолари олдинга шахдам қадам ташладилар, даъватга шўнғиб, унинг барча юкларини кўтардилар. Шафқатсиз ва адолатсиз дунёда улар Ҳизб

ва шахсиялар сифатида етишиб чиқиб, ёлғончига чиқарган кимсаларга ҳам, уларнинг озорларига ҳам сабр қилдилар... Бу йўлда шундай оғир қаршиликларга учрадиларки, бу уларни даъватни кўтариб чиқувчиларга ва Аллоҳ Таолонинг изни ила яқинлашиб келаётган Ислом давлатининг раҳбарларига айлантирди. Айтиш мумкинки, Ҳизб ут-Таҳрирнинг Росулulloҳ ﷺ тариқатидан юрганнинг ўзи унинг аъзоларини Халифалик давлатининг аъзолари бўлишга батамом лойиқ йигитларга айлантирди. Қалбга хотиржамлик берадиган нарсалардан яна бири шуки, биз Ҳизбнинг ўз ҳизбий ишларини идора қилиш учун табанний қилган қўлланмалари худди давлат барпо бўлгандан кейинги бошқарувни идора қилиш учун қиладиган шаръий табанний нарсалар билан деярли бир хил эканига гувоҳ бўламиз. Масалан, Ҳизбда амирлик мансабининг бўлиши ҳамда халифанинг мансабига унинг мос келиши... Ҳизб амири идорасининг бўлиши ҳамда унинг Ислом давлатидаги тафвиз вазирларига мос келиши... Идорий ишларда Ҳизб амиридан олинадиган ва унга бериладиган ишлар билан шуғулланувчи амир ёрдамчиларининг бўлиши ҳамда бунинг танфиз вазирларига мувофиқ келиши... Ҳизб вилоятлари ва у ерлардаги даъват фаолиятини юритаётган мўътамадларнинг бўлиши ҳамда бунинг Ислом давлатининг вилоятларига, у ердаги бошқарувга ва волийларга мос келиши... Ҳизбнинг маҳаллий жиҳозлари ва нақиблари бўлиши ва бунинг Ислом давлатидаги омиллик ва омилларга мос келиши... ва ҳоказо.

Энди нусратга келсак, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло нусрат беришни фақат Ўзи учун хослаб, Ўз қўли остига олди ва пайғамбарлари билан мўмин бандаларига ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар ҳозир бўлиб турадиган қиёмат кунда ҳам нусрат-ёрдам беришни ваъда қилди. Бунга Аллоҳ Таолонинг қуйидаги ва бошқа оятлари далил:

﴿وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

**«Мўминларга нусрат бериш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»**

[Рум 47]

﴿وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ﴾

**«Аслида нусрат фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур»**

[Оли Имрон 126]

﴿هُوَ الَّذِي آتَاكَ بِنَصْرِهِ وَبِالْمُؤْمِنِينَ﴾

**«У сизни Ўз ёрдами ва мўминлар билан қувватлантирган зотдир»** [Анфол 62]

﴿حَتَّىٰ إِذَا اسْتَيْسَسَ الرُّسُلُ وَظَنُّوا أَنَّهُمْ قَدْ كُذِّبُوا جَاءَهُمْ نَصْرُنَا فَنَبِّئِي مَنْ تَشَاءُ وَلَا يُرَدُّ بَأْسَنَا عَنِ الْقَوْمِ الْمُجْرِمِينَ﴾

**«Ҳар қачон пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи қилиндик, пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз-нусратимиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. (Аммо) жиноятчи бўлган қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилмас!»** [Юсуф 110]

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَادُ﴾

**«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (қиёматда) ҳам нусрат-ёрдам берурмиз»** [Ғофир 51]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

**«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур»** [Мухаммад 7]

Биз нусрат ёлғиз Аллоҳ томонидан келади деб иймон келтирганмиз. Бу эса шуни англатадики, Аллоҳ Субҳанаҳу нусратнинг сабабларини ҳам тайёрлаб, халқаро вазиятни нусрат ишининг амалга ошиши учун мослаб қўяди ҳамда Ўзига ёрдам беришлари учун мўминлардан иборат куч-қудрат аҳли қалбини очиб беради. Буни биз Росулulloҳ ﷺ билан содир бўлганини ва Қуръони Каримда ҳам зикр қилинганини кўрдик. Ибн Ҳишом ўзининг «Сийрат»ида ҳаж мавсумида Мадинадан келган гуруҳ ҳақида бундай дейди: «Ибн Исҳоқ айтади: Аллоҳ Азза ва Жалла ўз динини ғолиб қилишни, пайғамбарини кучли-қудратли қилишни ва унга бўлган ваъдасини рўёбга чиқаришни хоҳлаганида, Росулulloҳ ﷺ бир гуруҳ ансорлар билан юзлашган мавсумда чиқиб, ҳар мавсумда қилганларидек, араб қабилаларига ўзларига нусрат беришни таклиф қилдилар. У зот Ақабада Аллоҳ яхшиликни истаган хазражликлардан бир гуруҳига дуч келдилар». Шунингдек, Мадинада Мусъаб ибн Умайр билан ҳам шундай бўлди. Ўшанда

бир куннинг ўзидаги иккита мажлис ва икки хил вақтда ўз қавмларининг саййиди бўлган икки киши, яъни Усайд ибн Ҳузайр رضي الله عنه ва Саъд ибн Муоз رضي الله عنه Мусъабнинг даъватини қабул қиладилар. Бу иш алоҳида, махсус саъй-ҳаракатни ҳам, бир қанча учрашувларни ҳам талаб қилмаган. Мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها қилган ривоят ҳам шу маънода: ўшанда Буос кун (Буос жанги) Аллоҳнинг Росулига қилган ҳадяси бўлди. Чунки бу жанг Мадинадаги ўзгаришни истамайдиган кекса фахрийларни йўқ қилиб, ишонтириш осон бўладиган ёшларни олиб келди. Усайд ибн Ҳузайр ҳам ўшалардан бири эди. Ҳузайр жангда ҳалок бўлгач, ўрнига ўғли Усайд қабила раҳбари бўлди... Дарҳақиқат, Қуръони Каримнинг кўплаб оятларида мўминларга нусрат беришда бўладиган раббоний аралашув ҳақида айтилади. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مِنْ دِيَارِهِمْ لِأَوَّلِ الْحَشْرِ مَا ظَنَنْتُمْ أَنْ يَخْرُجُوا وَظَلَمْتُمْ أَنَّكُمْ مَنِعْتُهُمْ خُصُوتَهُمْ مِنَ اللَّهِ فَأَنْتَهُمُ اللَّهُ مَنْ حَيْثُ لَمْ يَحْتَسِبُوا وَقَدَفَ فِي قُلُوبِهِمُ الرَّعْبَ يُخْرِبُونَ بُيُوتَهُمْ بِأَيْدِيهِمْ وَأَيْدِي الْمُؤْمِنِينَ فَاعْتَبِرُوا يَا أُولِيَ الْأَبْصَارِ﴾

**«У аҳли китоблардан (яҳудийлардан) кофир бўлган кимсаларни биринчи тўплашдаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир. (Эй мўминлар), сизлар уларнинг чиқиб кетишларини ўйлаган ҳам эмас эдингиз. Улар ҳам ўзларининг қўрғон-қалъаларини Аллоҳ(нинг азобидан) тўсгувчи деб ўйлаган эдилар. Бас, Аллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига қўрқинч солди. Улар уйларини ўз қўллари ва мўминларнинг қўллари билан бузурлар. Бас, эй ақл эгалари, (уларнинг аҳволдан) ибрат олингиз!»** [Ҳашр 2]

Росулуллоҳ ﷺнинг ҳижрати воқелари ҳам ушбу раббоний аралашувга далолат қилар эди. Биз бу билан шуни таъкидламоқчимизки, Аллоҳ Азза ва Жалла бизга Росулуллоҳ ﷺнинг тариқатлари бўйича ҳаракат қилишни буюрди ҳамда агар Унинг амрларига итоат қилиш билан ва ҳар қанча зулм-босимлар бўлишига қарамай, ундан асло четга чиқмаслик билан Аллоҳга ёрдам берсак, бизга нусрат-ёрдам беришга Ўзи кафил бўлди. Зеро, нусрат сабабларини У зотнинг Ўзи бизга муҳайё қилиб беради. Биз эса Аллоҳ Субҳанаҳудан Ўз истаги асосида нусрат беришига интизормиз. Эҳтимол, Американинг давлатлар ўртасида урушлар



келтириб чиқаришни режалаштириши – зеро, бу урушларнинг биринчиси Украина-Россия уруши бўлди – Ислом давлати барпо бўлиши учун бир тайёргарлик бўлса, ажаб эмас. Чунки нусрат калити ёлғиз Аллоҳнинг қўлида, Американинг ёки ким бўлишидан қатъий назар бошқасининг қўлида эмас. Бизнинг вазифамиз эса қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Парвардигоримиз талаб қилган буйруқларни амалга ошириш ва шу билан бирга, Аллоҳ Таоло биз учун Халифалик давлатини қандай барпо этиб беришини кутиб туришдан иборат... Ҳали улар: у кун қачон бўлур? – деб сўрайдилар. Шоядки яқин бўлса, деб айтинг!

Уммат бугунги кунда заррача ўзгармас мустаҳкам ҳақиқатлар олдида турибди. Бу ҳақиқатлар Умматнинг ақидасидан қувват олгани учун Уммат ҳам ўз куч-қувватини шу ҳақиқатлардан олади. Ушбу ҳақиқатларга мисоллар:

– Уммат Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик барпо этилиши ва бу дин қайта ҳукмрон бўлиши ваъда қилинган Умматдир. Демак, Халифалик Аллоҳ Азза ва Жалланинг ваъдаси ва Росули ﷺнинг башорати экан. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

**«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир»** [Нур 55]

Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилганлар:

﴿إِنَّ اللَّهَ زَوْى لِي الْأَرْضِ فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا وَإِنَّ أُمَّتِي سَيَبْلُغُ مُلْكُهَا مَا زُوَى لِي مِنْهَا وَأُعْطِيَتُ الْكَنْزَيْنِ الْأَحْمَرَ وَالْأَبْيَضَ﴾

**«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим**

мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради». (Имом Аҳмад ривояти).

– Нусрат Аллоҳ Азза ва Жалла ҳузуридан келади ҳамда У зот мўмин бандаларига, ҳатто улар заиф озчилик бўлса ҳам, албатта нусрат беради, куфр ва кофирларни эса, ҳатто улар барча куч ва зўравонлик сабабларига эга бўлишса ҳам, албатта мағлуб қилади. Буни Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи тасдиқлаб турибди:

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ ٱلْأَشْهُدُ﴾

**«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз»** [Ғофир 51]

Яна ушбу каломи ҳам кўрсатиб турибди:

﴿وَنُرِيدُ أَنْ نَمُنَّ عَلَى ٱلَّذِينَ ٱسْتَضَعَفُوا فِي ٱلْأَرْضِ وَنَجْعَلَهُمْ أَيْمَةً وَنَجْعَلَهُمُ ٱلْوَارِثِينَ ﴿٥٦﴾ وَنَمَكِّنَ لَهُمْ فِي ٱلْأَرْضِ وَنُرِي فِرْعَوْنَ وَهَامَانَ وَجُنُودَهُمَا مِنْهُم مَّا كَانُوا يَحْذَرُونَ﴾

**«Биз у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хор-бечораликдан чиқариб), барчага пешво зотларга айлантиришни ва уларни (Фиръавн мулкининг) ворислари қилишни истаймиз. Яна уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва (унинг вазири) Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига (Бану Исроил) томонидан ўзлари қўрқувчи бўлган нарсани (яъни мулку-давлатлари қўлларидан кетиб, ҳукму-салтанат Бану Исроил қавмининг қўлига ўтишини) кўрсатиб қўйишни (истаймиз)»** [Қасос 5-6]

Биз нусрат сабабларини ушлаб, Роббимиз амрига амал қилиб келяпмиз ҳамда нусратнинг шариатда белгиланган шартлари асосида Ислом Умматига ёр бўлишига аминмиз.

– Аллоҳ Азза ва Жалла мўмин бандаларини ҳимоя қилиб, уларнинг душманларини хор қилади. Ҳидоят, ёрдам ва нусрат учун Аллоҳнинг ўзи етарлидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ ٱللَّهَ يُدْفِعُ عَنِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ ﴿٥٧﴾ ۞ أُو۟ذِنَ لِلَّذِينَ يُقْتُلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا۟ وَإِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِم لَقَدِيرٌ﴾

**«Албатта Аллоҳ иймон келтирган зотларни мудофаа қилур. Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас. Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари**

**сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир»** [Ҳаж 38-39]

– Бу тоғут золим давлатлар, ҳар қанча кучли ва зўравон бўлмасин, Аллоҳнинг наздида ўргимчак тўридан ҳам нимжондир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَثَلُ الَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ أَوْلِيَاءَ كَمَثَلِ الْعَنْكَبُوتِ اتَّخَذَتْ بَيْتًا وَإِنَّ أَوْهَنَ الْبُيُوتِ لَبَيْتُ الْعَنْكَبُوتِ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳдан ўзга «дўстлар»ни ушлаган кимсаларнинг мисоли худди (ўзи учун) уй қуриб олиб, (ўша уйдан паноҳ истаган) ўргимчакка ўхшайди. Албатта уларнинг энг нимжони ўргимчак уясидир. Агар улар билсалар эди, (ўргимчак уяси каби ожиз бутлардан паноҳ истамаган бўлур эдилар)»** [Анкабут 41]

Яҳудийлар қураётган уй-жойлар, инша Аллоҳ муслмонлар учун бўлади. Яҳудийлардан кейин у ерларда муслмонлар яшайдилар. Биз қўлга киритадиган уларнинг қурол-яроғ ва заводларини ҳам Аллоҳнинг йўлида ишлатамиз. Зеро, Унинг Ўзи

﴿وَأَوْرَثْنَاكُمْ أَرْضَهُمْ وَدِيَارَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ وَأَرْضًا لَمْ تَطَّوْهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرًا﴾

**«Ва сизларни уларнинг ерларига, ҳовли-жойларига, молу мулкларига ва (ҳали) сизларнинг оёқларингиз етмаган ерларга ворис қилди. Аллоҳ ҳар нарсага қодир бўлган зотдир»** [Аҳзоб 27]

деган. Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломига ҳам диққат қилайлик:

﴿هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مِنْ دِيَارِهِمْ لِأَوَّلِ الْحَشْرِ مَا ظَنَنْتُمْ أَن يَخْرُجُوا وَظَنُّوا أَنَّهُمْ مَانِعَتُهُمْ حُصُونُهُمْ مِنَ اللَّهِ فَأَتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ حَيْثُ لَمْ يَحْتَسِبُوا وَقَذَفَ فِي قُلُوبِهِمُ الرُّعْبَ يُخْرِبُونَ بُيُوتَهُمْ بِأَيْدِيهِمْ وَأَيْدِي الْمُؤْمِنِينَ فَاعْتَبِرُوا يَا أُولِيَ الْأَبْصَارِ﴾

**«У аҳли китоблардан (яҳудийлардан) кофир бўлган кимсаларни биринчи тўплашдаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир. (Эй мўминлар), сизлар уларнинг чиқиб кетишларини ўйлаган ҳам эмас эдингиз. Улар ҳам ўзларининг қўрғон-қалъаларини Аллоҳ(нинг азобидан) тўсгувчи деб ўйлаган эдилар. Бас, Аллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига қўрқинч солди. Улар уйларини ўз қўллари ва мўминларнинг қўллари билан бузурлар. Бас, эй ақл эгалари, (уларнинг аҳволидан) ибрат олингиз!»** [Ҳашр 2]

Абу Ҳурайра Хаббоб ибн Арат رضي الله عنهдан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ чопонини ёстиқ қилиб, суюниб ўтирганларида биз У зотга шикоят қилиб, «Биз учун ёрдам сўрамайсизми? Биз учун дуо қилмайсизми?», дедик. Бунга жавобан Росулulloҳ ﷺ айтдилар:

«قَدْ كَانَ مِنْ قَبْلِكُمْ، يُؤْخَذُ الرَّجُلُ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيُجْعَلُ فِيهَا، فَيَجَاءُ بِالْمِنْشَارِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُجْعَلُ نَصْفَيْنِ، وَمُشَطُّ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ حِمِّهِ وَعَظْمِهِ، فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ. وَاللَّهِ لَيَبْتَمَنَّ هَذَا الْأَمْرَ، حَتَّى يَسِيرَ الرَّكَّابُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتِ، لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ وَاللَّذْبَ عَلَى غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»

«Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга туширилиб, арра билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан сўяги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан қайтаролмас эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошяпсизлар».

– Ўзгартиришга оид шаръий аҳкомларга амал қилиш ва Халифаликни барпо этиш йўлида фаолият олиб бориш каби Ҳизб ут-Таҳрир қилаётган ишлар тарих яратиш ва ёзишда салмоқли ролга эга. Биз оддий муслмонларда ҳам, уламоларда ҳам, жамоаларда ҳам Ислом албатта нусрат қучади, деган туйғу жўш ураётганини, бугунги улкан мусибатларидан қутқаришни илтижо қилиб, Роббиларига дуо қилаётганларини кўряпмиз. Гарчи, бу туйғуга улардан талаб қилинган шаръий фаолият етишмаётган эса-да, бироқ шунинг ўзи ҳам Ҳизбнинг даъватига хизмат қиладиган жамоатчилик фикри сифатида кўрилади. Чунки Аллоҳнинг нусрати ва ёруғ кунлари келса, улар бунини дуоларимиз ижобат бўлди, энди биз Аллоҳнинг берган нусратини ҳимоя қилиб, ҳаққини ўташимиз керак, деб ҳисоблайдилар, яъни Ҳизб аъзоларининг фаолиятини ўз фаолиятлари деб биладилар.

– Уммат ўзининг исломий масалаларига дахл қилинса, зудлик билан унинг ҳимояси учун тўпланмоқда. Биз Умматнинг Росулulloҳ ﷺнинг таҳқирланишига қарши қандай йиғилганини, шунингдек, яҳудийлар билан бўлган сулҳни рад этиш учун ҳам қандай тўпланганини кўрдик. Бу нарсани ҳатто футбол масаласида

ҳам гувоҳ бўлдик. Шундай экан, Аллоҳнинг ҳукми ер юзида қоим бўлган пайтда Умматнинг қандай муносабат билдиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Биз мусулмонларнинг ўз Исломига амал қилишлари қанчалик кучлилигини, келажак мана шу динники эканини, унинг юракларда тирик динлигини ифодаловчи мулоҳаза-изоҳларни кўп эшитяпмиз. Бунинг акси ўлароқ, Ғарбнинг бугунги кунда банкротга кирганлигини яққол кўриб турибмиз. Сўнгги пайтларда Ғарб гомосексуализм ва оиланинг парчаланишидан иборат мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар томонидан рад этилган нарсаларга чақиришдан бошқа вариант топгани йўқ. У манфаатлар кураши йўлида ҳатто ўз юртларида ва ўз халқларига қарши қирғинбарот урушлар оловини ёқмоқда.

Биз қалбларимиз хотиржам ҳолатда шуни айтамызки, рошид Халифалик янги ҳазорий лойиҳа бўлади. Зеро, бу лойиҳа Росулulloҳ ﷺнинг

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِوَةِ»

**«Кейин Пайғамбарлик минҳожидеги Халифалик бўлади»** дея қилган башоратларининг тасдиқи сифатида ўз мақсади сари сабот билан қадам ташламоқда. Бу масалада шаръий ва воқелик нуқтаи назаридан чиқарилган хулоса Халифаликнинг – Аллоҳнинг изни ила – эшик қоқаётганини кўрсатиб турибди. Инша Аллоҳ, кофирларнинг юртлари, ерлари ва моллари Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилганларидек, мусулмонларнинг ўз душманларига қарши қудратга тўладиган ўлжасига айланади:

«إِذَا هَلَكَ قَيْصَرٌ فَلَا قَيْصَرَ بَعْدَهُ، وَإِذَا هَلَكَ كِسْرَىٰ فَلَا كِسْرَىٰ بَعْدَهُ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَتُنْفَقَنَّ كُنُوزُهُمَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

**«Агар Қайсар ҳалок бўлса, ундан кейин бошқа бир Қайсар чиқмайди. Кисро ҳалок бўлса, ундан кейин бошқа бир Кисро чиқмайди. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, сизлар албатта бу иккисининг бойликларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайсизлар».** (Муттафақун алайҳи).

### **Эй мусулмонлар!**

Ҳар биримиз Исломий Халифалик давлатини барпо этиш даъватига хизмат қилишда қўлидан келган энг афзал ишларни қилсин. Бу нарсдан ҳаёт ишларида амалга ошириши зарур бўлган ишлардан ташқари бўлган бошқа ишлар чалғитиб қўймасин...

Инша Аллоҳ Исломий Халифалик давлати барпо бўлишига оз қолди. Бу анча жиддий иш бўлиб, қилинадиган ҳаракат ҳам жиддий бўлиши керак.

### **Эй мусулмонлар!**

Халифалик давлати инша Аллоҳ тез орада барпо бўлади ва биз унинг барпо бўлишидан кейинги ишларга ўзимизни тайёрламоғимиз даркор. Аллоҳдан Халифалик барпо бўлишидан олдин ҳам, барпо бўлганда ҳам, барпо бўлгандан кейин ҳам бизни ушбу давлатга лойиқ ва унинг аҳлидан қилишини сўраймиз.

﴿وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿٥٠﴾ بِنَصْرِ اللَّهِ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ﴾

**«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишисига нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир»** [Рум 3-5]

Аллоҳим, бизни ростгўйлардан қилиб, очиқ-ойдин нусратингни ато эт ва бизларни жаннати наимда Росулulloҳ ﷺ билан бирга қил. □

**ХАЛҚАРО КУРАШ ҚИЗҒИН ТУС ОЛИБ, ҲОЗИРГИ ХАЛҚАРО  
ТАРТИБНИ ЎЗГАРТИРИШ ЗАРУРАТИ ТУҒИЛГАН БИР ВАЗИЯТДА  
ДУНЁНИ КИМ БОШҚАРАДИ?**

**ИСЛОМ ҲАҚ ДИН, ХАЛИФАЛИК ЯГОНА ЕЧИМДИР...**

**Набил Абдулкарим**

«Янги халқаро тартиб» мавзуси бугунги кунда энг мунозарали масалалардан биридир. «Бир қутбли тартиб»нинг давомчиси бўладиган «Янги халқаро тартиб» мавзусига бир қатор сиёсий муфаккирлар тўхталиб ўтган. Россия-Украина уруши бошланишидан олдин дунё тартиби кризисига доир халқаро сиёсий вазиятга баҳо бериш кўп қиррали ва мунозарали эди. Аммо урушдан кейин халқаро сиёсий вазиятга баҳо беришда ҳозирги дунё тартибида унинг йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган заиф нуқталар борлигига эътибор қаратила бошлади. Дунё тартибида заиф нуқталарнинг борлиги бугун юзага келган муаммоларгагина боғлиқ эмас, балки у пайдо бўлганидан бери заифдир. Лекин заиф нуқталар дунё тартибининг асосий пойдеворларидан бири бўлгани учун бугунги кунда уларни яшириш мумкин эмас ва улар туфайли унинг йўқ бўлиб кетиши муқаррарлиги кундан кунга тасдиқланмоқда. Бугунги кунда: Дунёни ким бошқаради? – деган савол энг муҳим савол бўлса керак. Бу кўплаб таъсирли кучлар, муфаккирлар, тадқиқотчи ва сиёсий таҳлилчилар томонидан яширин муҳокама столларида кўриб чиқиладиган баҳс мавзуси бўлиши керак.

Келгуси даврда халқаро тартибнинг қандай бўлиши тўғрисида ҳамда ҳозирги кунда тезлашиб бораётган ва яқин келажакда юз бериши кутилаётган ўзгаришлар манзарасида бир қутбли тартибни давом эттириш имкониятлари ҳақида мунозаралар бошланди. Шунга кўра, барча тадқиқотларда ушбу бир қутбли халқаро тартиб ўрнини босадиган халқаро тартиблар бўйича бир қатор таклифлар олға сурилди. Жавоблар учта тартиб атрофида жамланди: Биринчи: Икки қутбли тартиб. Иккинчи: Кўп қутбли тартиб. Учинчи: Қутбсиз тартиб. Бироқ, мусулмонларнинг сон жиҳатидан дунёда иккинчи ўринни эгаллаётгани ва раббоний мабдага эга бўлганликлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашган кишиларни топмадик. Шунинг учун биз бу саволга илгари ҳеч ким мурожаат қилмаган нуқтаи назардан келиб чиқиб, объектив тарзда жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Халқаро тартиб тушунчаси Европанинг ўттиз йиллик урушларига яқун ясаган ва суверен миллий давлатлардан ташкил топган замонавий Европа қитъасининг туғилишини белгилаган келишувлар фонида пайдо бўлди. Суверенитет принципи ушбу келишувнинг энг муҳим ютуғи эди. Чунки Европадаги ҳар бир давлатнинг ўз ҳудудида суверенитетга эга бўлиш, мустақил қарор қабул қилиш, географик ҳудудида суверенитетни амалга ошириш ва ўз ишларига бошқаларнинг аралашшига фақат ўзининг рухсати билангина йўл бериш ҳуқуқи тан олинди. Биринчи жаҳон уруши Усманий Халифаликнинг, шунингдек, Австрия-Венгрия ва Россия империяларининг қулашига сабаб бўлди. Натижада, Европада кўп сонли миллий давлатлар пайдо бўлди. Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари катта иқтисодий ва ҳарбий қувватга эга бўлди. Россияда большевиклар инқилоби муваффақиятга эришиб, Совет Иттифоқи географик жиҳатдан табиий иқтисодий бойликлар билан майдонга чиқди. Шарқий Осиёда Япония кучли саноат ва иқтисодий базага, ҳужумкор ҳарбий қувватга асосланган буюк куч сифатида пайдо бўлди... Буларнинг барчаси кўп қутбли тартибнинг пайдо бўлишига олиб келди. Давлатлар ўртасидаги кучли рақобат 1939 йилдан 1945 йилгача давом этган иккинчи жаҳон урушининг бошланишига олиб келди. Кейин биполярлик (икки қутблилик) тушунчаси пайдо бўлди. Бошқа кучлар майдондан йўқолиши билан Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқи янги дунё тартибига ҳукмронлик қилувчи куч сифатида майдонга чиқди. Шундай қилиб, ушбу янги дунё тартиби асосида дунё икки лагерга: Қўшма Штатлар бошчилигидаги капиталистик лагер ва Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагерга бўлиб бошқарилди. Кейин, Берлин блокадаси (1948-1949), Корея уруши (1950-1953), Вьетнам уруши (1956-1975) ва Кариб инқироzi каби бир қанча халқаро кризисларга гувоҳ бўлган совуқ уруш бошланди. Ўша пайтда дунё инсониятни йўқ қиладиган, ердаги ҳаётни номаълум томонга суриб юборадиган учинчи жаҳон ядро уруши ва Совет Иттифоқининг (1979-1989) йилларда Афғонистонга бостириб кириши ёқасида эканини ҳис қилди... Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири ва тўқсонинчи йиллар бошларида Совет Иттифоқи президенти Михаил Горбачёв 1991 йилда Совет Иттифоқининг қулаганини эълон қилиб, халқаро майдондаги етакчилиқни АҚШга қолдирди. Шундай қилиб, Америка дунёдаги ягона қудратли давлатга айланди.



1991 йилда иккинчи Кўрфаз уруши тугаганидан кейин Америка Қўшма Штатлари президенти (1989-1993) катта Жорж Буш янги дунё тартибини эълон қилиб, бундай деди: «Биз ноёб ва ғайриоддий даврда турибмиз. Форс кўрфази кризиси ҳамкорликда тарихий силжиш (ўзгариш) сари ҳаракат қилиш ва янги дунё тартибини ўрнатиш бўйича кўзлаган мақсадимизни амалга ошириш учун камдан-кам учрайдиган имкониятни берди. Янги дунё тартиби терроризм таҳдидидан озод бўлган янги даврга асос солиши мумкин». (Конгресснинг қўшма сессияси 1995/11).

Шундай қилиб, «бир қутбли дунё тартиби» деган атама пайдо бўлди. Бу тартиб дунё ҳукмронлиги учун рақобатлаша оладиган бошқа рақобатчи қолмагач 1995 йилда бошланди. Шу тариқа Америка Қўшма Штатлари халқаро саҳнада ҳеч бир эътирозсиз ягона буюк куч сифатида дунё тахтини эгаллади. Қўшма Штатлар очикдан-очик дунёга ўз ҳукмронлигини ўрната бошлади. Бир вақтнинг ўзида халқаро майдонда унга рақобатчи бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай кучнинг пайдо бўлишига қарши турди ва унга тўсқинлик қилди. Збигнев Бжезинский ўзининг «Катта шахмат тахтаси» китобида: «Қўшма Штатларнинг улкан иқтисодий қуввати уни дунёда биринчи давлатга айлантди», дейди.

Дартмут университетининг сиёсий фанлар профессори Уильям Уолфорт бундай дейди: «Бир қутбли тизим рақобат йўқлиги туфайли тинчликка олиб келади. Бироқ, бошқа давлатлар томонидан ушбу қутбга тенглашишга уринишлар бўлади. Бу қутб билан алоқа ўрнатиш барча соҳаларда жуда қимматга тушади. Бир қутбли тизим воқеа-ҳодисаларни жиловлаб, ўз назоратига олади. Қўшма Штатлар шундай имконият ва қудратга эгаки, бу унинг ҳозирги иқтисодий, ҳарбий, техник ва геосиёсий куч сифатидаги ўрнини сақлаб қолишини кафолатлайди». («Бир қутбли дунё» китоби).

Сиёсий таҳлилчи (АҚШ сенатори) Генри Жексон: «Қўшма Штатлар ҳеч ким унга қарши чиқа олмайдиган буюк кучга айланди», дейди. У яна қўшимча қилди: «Кўп қутблилик учун қўйиладиган асосий талаблар кейинги авлодда, тахминан, 2010 йилдан 2022 йилгача бўлган давр оралиғида пайдо бўлиши кутилмоқда. Бу давр Қўшма Штатларнинг куч ва имкониятларида паритет (тенглик)нинг пайдо бўлиши ўрнида кўрилган. Кейин

## **дунё биринчи жаҳон урушигача бўлган даврдаги каби бўлиб қолади».**

Энг нуфузли сиёсий таҳлилчи, халқаро муносабатлар соҳаси эксперти ва 2008 йилда нашр этилган «Пост-Америка дунёси» китоби муаллифи Фарид Закариё ўз китобида учта ўзгариш ҳақида ёзади. Биринчи ўзгариш: Ғарб дунёсининг пайдо бўлиши. Иккинчи ўзгариш: Бир қутбли Американинг майдонга чиқиши. Учинчи ўзгариш: Қолганларнинг юксалиши.

Бироқ, Қўшма Штатлар ожиз бўлиб қолмади ва ўз қисмати нима бўлса бўлишини кутмади. Аксинча, у бир қутблиликни сақлаб қолишга ҳаракат қилди ва ҳамон ҳаракат қилмоқда. Ҳеч ким унга ета олмаслиги учун у ҳаммани заифлаштиришга ва уларни ички масалалар билан банд қилиб қўйишга ҳаракат қилди. Биз бу ҳақда бироз тўхталиб ўтамиз.

Қўшма Штатлар ўз мавқеини сақлаб қолишга хизмат қилади деб ўйлаётган ишларга келсак, у ўзининг эгаллаб турган марказини эгаллаб олишлари мумкин бўлган давлатларга ё четлатиш керак деб қарайди ёки ўзига ҳамкор қилиш керак деб. Шу аснода, ўз қаршисида – имкониятлари турли даражада бўлса-да – у билан рақобатлаша оладиган бир нечта давлатлар борлигини кўрди. Улар: (Ғарчи ҳозирда ўз давлати бўлмаса-да) альтернатив мабда сифатида Ислом, Британия, Европа Иттифоқи, Россия ва Хитой.

– Исломга келсак, у ўзининг кучли мероси, ақидаси, тарихи ва дунёни бошқаришга яроқли мабдаси билан Америка учун энг катта хавф саналади. Шунинг учун у Ислом олами мамлакатларида фикрлар урушини бошлаш учун у ерга ўзининг ҳарбий ва фикрий кучлари билан йўл олди. Собиқ президент Барак Обама ўзининг «Умид жасорати» китобида: **«Америка Яқин Шарқда қуролли курашни ва бир пайтнинг ўзида фикрлар урушини олиб бормоқда»**, деб ёзади.

Ғоялар кураши ва инфратузилмани вайрон қилишда янги ёндашувлар юзага келди. Бу асосан «Араб баҳори» дея номланган қўзғолонлар даврида бўлди. Бу билан сиёсий мақсадда берилган ифлос пуллар ва бошқа воситалар орқали қўзғолонлар йўналиши бошқа томонга бурилиб, исломий кучлар роли муваффақиятсизликка учратилди. Шундай қилиб, бу уруш прокси урушга айланди. Бугунги кунда ушбу мамлакатлар аҳолиси орасидаги Ғарб малайлари айти шу соҳага эътиборини қаратган Америка тадқиқот институтлари ҳисоботлари орқали уларга

буюрилган барча нарсаларни профессионал тарзда амалга оширишмоқда. Американинг бундай институтлари орасида RAND корпорацияси ҳам бор. RAND корпорациясининг 2002 йилдаги ҳисоботларида мусулмонлар фундаменталист, анъанавий, замонавий ва илмонийларга бўлинган. Унинг 2004 йилдаги ҳисоботлари мўтадил мусулмонлар тармоғини шакллантириш билан боғлиқ бўлган бўлса, 2007 йилдагиси қарама-қаршилик бўйича тайёрланди.

RAND корпорацияси ва ундан бошқа Ғарбдаги тадқиқот марказлари кечаю кундуз фикрлар уруши режаларини ишлаб чиқиш устида ишламоқда. Уларнинг режаси бўйича ишлаётганларни маблағ билан таъминламоқда ва уларга юқори ваколатларни бермоқда. Уруш давом этар экан, улар ўзларига малайларни жалб қилишда маълум ғалабага эришдик, деб ишонишмоқда. Бироқ бу уруш Американинг ўлимини яқинлаштириб, сиёсий жиҳатдан такаббурлигини синдирди, иқтисодий жиҳатдан ғазнасини бўшатди.

– Британия: У халқаро ўйинни пухта ўзлаштирган энг муҳим ғаразли ўйинчи ҳисобланади. Шунингдек, у рақобатлашиш имконига эга бўлиб қолса, буни уддалай оладиган тажрибага ва нуфузга эгадир. Шунинг учун АҚШ уни Яқин Шарқдан мажбуран чиқариб юборишга, нуфузини йўқ қилишга ва унга имкон берадиган бирон нарсани қолдирмасликка ҳаракат қилди. Айниқса, Саудия Арабистони унинг таъсир доирасидан чиқиб кетганидан, шунингдек, Кўрфаздаги аксар давлатларнинг Америкадан қўрқуви кучайиб, улар уни рози қилишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолганидан кейин, иқтисодий ва энергетика соҳасидаги заифлик Британияни ички муаммолар гирдобига киритиб қўйди.

– Европа Иттифоқи: Агар у сиёсий бирлашиш жараёнини якунига етказган бўлганида, халқаро тизимда етакчилик қилиш учун рақобатлашишга имкон берадиган баъзи имкониятларга эга бўлган бўлар эди. Аммо Америка бундан огоҳ эди. Шу боис, у бунинг олдини олиш учун кўп ишлар қилди. Улардан энг охиргиси Россия-Украина уруши бўлиб, Қўшма Штатлар ундан кўп фойда олади. Жумладан: Россия томонини заифлаштиради, Европани ҳарбий ва молиявий жиҳатдан тинкасини қуритади, эҳтиёж йўқлиги туфайли Европа раҳбарлари учун ўнчалик жозибали бўлмай қолган НАТОнинг қучоғига давлатларни тортиш орқали Европа ичкарасида

катта кризисни пайдо қилади. Бошқа томондан, Россиянинг Германия билан тўғридан-тўғри газ алмашинуви бўйича келишувига тўсқинлик қилиб, Европани таъминлайдиган энергиянинг асаб толаларига эгалик қилади. Энди воситачи Туркия орқали газнинг Европага ўтказилишини назорат қилиши мумкин.

– Хитой: ўз вужудига эга бўлган (катта) давлатлар учун эҳтимолли рақобатчилар рўйхатида Хитой биринчи ўринда туради. Чунки у Американинг биринчи рақибига айланди. Хитой иқтисоди сезиларли даражада ўсди. Йиғиб-терувчи давлат ишлаб чиқарувчи, янгиликлар яратувчи давлатга айланди, баъзи соҳаларда устунликка эришди. Булар билан бир қаторда ҳарбий қуввати ҳам ўсди. Хитой армиясининг имкониятлари барча соҳаларда ривожланди. Яқинда Хитой армияси кўринмас қирувчи учоқларнинг бешинчи авлодини кўрсатди (синовдан ўтказди). Пекин 16та ракета ва бомба олиб юришга қодир бўлган учинчи авлод Wing Loong қитъалараро дронларини намойиш этди. (Ал-Жазира, 2022 йил 11 ноябр). Бу ерда «Бир камар ва бир йўл» лойиҳаси ҳам бор бўлиб, бу лойиҳа Хитой учун сув йўллари борасида Американинг назоратидан чиқишига йўл очди. Шунингдек, бу лойиҳа баъзи мамлакатларда Хитойнинг иқтисодий ва сиёсий нуфузини кучайтирди. Бироқ, бу ерда Хитойнинг ҳал қилинмаган ва ҳатто ечими ҳам бўлмаган муаммолари сақланиб қолмоқда. Жумладан: Хитой кўтариб чиқиб, ёядиган ва у орқали халқаро тахтга хўжайинлик қила оладиган мабда соҳиби эмас. Унинг иқтисодий қудрати уни иқтисодий ҳамкорга айлантиради, бироқ, мутлақо ёлғиз ўзи ҳукмронлик қилишига йўл очмайди. Чунки иқтисодий қудрат икки қутблилиқ босқичи учун ёки иқтисодий ҳамкор бўлиш учун яроқли.

Америка ғалаба қозондим ёки ҳеч бўлмаганда рақобатчиларни дунё етакчилиги учун ўзи билан рақобатлашишга ҳаракат қилишдан узоқлаштирдим, деб ўйлади. Бироқ, у икки эҳтимолнинг иккинчисини эътиборсиз қолдирди. Уларнинг биринчиси рақобатчиларнинг етакчилик марказига чиқишларига йўл қўймаслик бўлса, иккинчиси, уларнинг даражасига Американинг тушиб қолишидир. Қўшма Штатлар уларнинг даражасига тушиб қолишдан қочишга уринаётган бўлса-да, биз бунинг содир бўлаётганини кўрмоқдамиз. Чунки ҳозирги дунё тартиби ўзига мансуб бўлган ҳар бир давлатни у ёки бу тарзда заифлаштирмоқда. Бу эса, ҳозирги дунё тартибига мансуб

бўлмаган давлатларга, айниқса, улар дунё тартибини бошқараётган давлатнинг мабдасига зид бўлган мабдага эга бўлишса, яхши имкониятларни беради. Бугунги кунда Ислом мабдасидан бошқа бундай хусусиятга эга бўлган мабда мавжуд эмас. Биз буни кейинроқ тушунтириб ўтамиз. Бу ўринда ҳозирги дунё тартиби ўзининг сўнгги босқичида эканлигига оид баъзи далилларни санаб ўтамиз. Ҳозирги дунё тартибига, уни бошқараётган давлатлар ўрганиб қолган одатга кўра, тузатишлар киритиш фойда бермайди. Агар уни бугунги дунёдан бутунлай олиб ташлайдиган альтернатива пайдо бўлмаса, улар унга яна қайта тузатишлар киритишга ҳаракат қилишади.

Ҳақиқий қулашнинг илк белгилари 2008 йилда, дунё капитализм шафқатсизлиги сабабларидан бири бўлган глобал молиявий кризисдан, ипотека кризисидан сергак тортган кунда кўрина бошлади. Ушбу кризис дунё тартибини ўзининг асл башарасини, айниқса, мутлақ иқтисодий эркинлик тамоилини фош қилишга мажбур қилди. Иқтисодий эркинликнинг муҳим шартларидан бири сиёсатчиларнинг иқтисодни бошқаришларига йўл бермаслик эди. Дунё тартибининг парчаланиб бораётганини кўрсатувчи бир қанча белгилар мавжуд. Биз буни қуйида келтирилган бир неча соҳаларда кўриб чиқамиз:

### **Иқтисодий соҳа ва ундаги энг кўзга кўринган белгилар:**

Иқтисодиётга баҳо беришда унинг кризис ҳолатида эканлигини аниқлаш учун доимо кўплаб кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Улардан энг муҳимлари:

– 2008 йилдаги моиявий-иқтисодий кризис бошланганидан бери ақлли пуллар мисли кўрилмаган суръатда пасайиб кетди.

– FDIC (Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси) экспертлари таъбири билан айтганда, ифлос облигациялар бўйича катта дефолт кутилмоқда.

– Жиддий кризиснинг дастлабки кўрсаткичи сифатида исталмаган ёрдамлар кўрсатилди.

– Банк облигациялари билан боғлиқ бир қанча муаммолар уларнинг даҳшатли тарзда кўпайиб бораётганини ва йирик банкларнинг аксарияти хавfli зонада эканлигини кўрсатди.

– Фоиз ставкаси 60 йил ичида кузатилмаган тез суръатлар билан кескин ошиб бормоқда. Бу ғазначилик облигацияларига ва кўплаб секторларга таъсир қилади.

– Чакана савдо секторининг қарзлари энг юқори даражага етди.

– Чакана савдо дўконлари ёпилишининг тарихдаги энг ёмон кўриниши юз берди.

– Дунёнинг энг йирик иқтисодий қисмлари савдо уруши ҳолатига кирди.

– Ишсизлик энг юқори даражага кўтарилди.

– Давлат бюджетларининг тақчиллиги ёки пасайиши ва инфляциянинг юқори даражаси кузатилди.

Буларнинг барчаси буюк таназулга олиб келади. Чунки глобал молия тизими бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, айна шу лаҳзаларда аввалги иқтисодий кризислар пайтидагидан кўра анча заифлашиб қолди. Афсуски, биз вақтини аниқ айта олмайдиган пайтга келиб бу пуфак ёрилса, ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди. АҚШ конгресси вакиллар палатасининг республикачи аъзоси Рон Пол бундай дейди: **«Иқтисодий уруш хорижий сармоядорларни АҚШ қарзини сотиб олишдан тийилишга ундайди. Бу эса долларнинг глобал захира валютаси сифатидаги мавқеини тугатиши мумкин ва катта иқтисодий кризисга олиб келади».**

### **Ҳарбий соҳада:**

Халқаро Стратегик Тадқиқотлар Институти (IISS) эълон қилган 2022 йилги ҳарбий баланс ҳисоботида кўра, глобал инфляция тўлқини ва коронавирус пандемиясининг таъсирига қарамай, халқаро ҳарбий харажатларнинг ўсиш суръатлари 2021 йил давомида 2022 йилдагига солиштирганда 1.8 %да давом этган.

Баъзи давлатлар ҳарбий харажатларни оширишга мажбур бўлишди. Бунинг натижасида мавжуд иқтисодий курашлар билан ҳарбий харажатлар ўртасидаги муносабатлар шу даражада чигаллашиб кетдики, уларнинг таъсир даражасини аниқлаш қийин бўлиб қолди. Яъни бир тарафдан юқори инфляциянинг давом этиши давлатларнинг ҳарбий харажатларига босим бўлаётган бўлса, яна бир тарафдан ҳарбий харажатларни оширишни тақозо қиладиган омиллар юзага келди. Масалан: Европанинг Россия-Украина урушидан қўрқиши..., газ ва нефть ишлаб чиқармайдиган давлатлар биқинига ханжар бўлиб тақалаётган энергияни қўлга киритиш учун кураш... ҳамда халқаро тартибга етакчилик қилиш ёки унга таъсир ўтказиш учун рақобатнинг кучайиши каби. Бу ерда АҚШ мудофаа вазири Ллойд Остиннинг дипломатик ва иқтисодий воситаларни ўз ичига олган «интеграциялашган тўхтатиб қолувчи»

концепция ҳақидаги гапларини ҳам мисол қилиш мумкин. У, шунингдек, Хитойнинг юксалишига қарши курашиш ва уни тўхтатиб қолиш учун кенг қамровли иттифоқлар сиёсатини олиб бориш ҳамда Яқин Шарқ ва Осиёдаги кескинликларнинг кучаяётгани тўғрисида ҳам гапириб ўтди. Зеро, уларнинг ҳисоботларида айтилишича, ҳозирда давлатлар хавфсизлигига таҳдид соладиган илғор қуроолларга эга бўлган, террорчи деб таърифланган турли хил қуроолли тўдалар ва ташкилотлар томонидан таҳдидлар кучаяр экан, ҳали ҳам курашлар давом этмоқда. Шулардан келиб чиқиб айта оламизки, географик жиҳатдан пайдо бўлаётган ташқи муаммолар, иттифоқчилик муносабатларидаги муҳим ишлар ҳамда ички барқарорликни ҳимоя қилиш, булар ҳарбий харажатларни энг юқори даражага олиб чиқмоқда. Буларнинг барчаси, келажақда қонуний ҳимоячининг йўқлиги сабабли кўп қутблиликка ҳаракат қилиш ва қонли ҳудудларнинг кенгайиши каби нарсаларга сабаб бўлади.

**Халқаро қонун соҳасида (Капиталистик тузумнинг тузилиши):**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан тортиб энг кичик халқаро муассасаларгача бўлган халқаро тизимни Америка монополия қилиб олган. Ушбу органлар қарорлари Америкадан бошқа давлатлар учун мажбурий ҳисобланади ва бу органлар унинг қўлидаги қуроолга айланган. Бу ишларнинг барчаси билан Америка ўзи қабул қилган фактларга ва ўзи асосланган принципларга қарши иш қилмоқда. Бунинг оқибатида давлатлар ўртасида тенглик йўқолиб, халқаро хавфсизлик ва тинчлик бузилмоқда. Ироқ ва Афғонистон босиб олинишидан бошлаб, бугунги Россия-Украина урушигача бўлган барча воқеалар бунинг ёрқин мисolidир. АҚШнинг гуманитар ва ижтимоий соҳадаги бир жинслиларнинг турмуш қуришига рухсат беришга ва ягона битта дин пайдо қилишга ундайдиган жирканчли роли ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Буларнинг барчаси давлатларни, агар имконият бўлса, янги халқаро ташкилот тузиш ҳақида ўйлашга ундамоқда.

Капиталистик тузумнинг келажаги жамиятда ҳукм сураётган маънавий таназзул даражаси билан ҳам боғлиқ. Капитализм ўз воситалари, тузуми ва режалари билан шу пайтгача ўрнатган нарса уни тубсизлик ва муқаррар қулаш сари тортмоқда. Юқорида айтиб ўтилганлар ва бошқалардан кўряпмизки, кризислар капиталистик тузумни емирмоқда. Бу ҳолат ўнг қанот партияларни ҳокимият тепасига олиб келишга ундайди. (Араб оламида ҳам миллатчилик,

ирқчилик ва мазҳабпарастлик чақириқлари кучайиши мумкин). Майдонни ҳатто биринчи жаҳон урушидан олдинги ҳолатга қайтариши ҳам мумкин. Лекин бу нарса майдонни 1618-1648 йилларда Европада рўй берган ўттиз йиллик диний уруш ҳолатига тобора тортмоқда.

Уқорида айтилганларнинг барчаси, шубҳасиз, дунё тартиби ўзгараётганидан далолат беради. Дунё тартибининг қулаши ёки заифлашиши буюк давлатларнинг яқун топишига олиб келишини ҳамда баъзилар тасаввур қилганидек, муваффақиятсиз заиф давлатларга айланишини англатмайди. Балки, уларни боғлаб турган ришта узилишини англатади. Айни шу ҳолат дунёни кўп қутблилик ёки қутбсизлик сари ҳаракат қилишга мажбур қилади. Шундай қилиб, майдон рақобат учун шу қадар тенг бўлиб қоладики, унда янги пайдо бўлган ёки эски ҳар қандай куч, агар имконият бўлса, рақобатлашишга ҳақли бўлади. Давос форуми (Бутунжаҳон иқтисодий форум) раҳбари сифатида танилган немис тадбиркори Клаус Шваб шу йилдан олдинги йилда Швецарияда бўлиб ўтган иқтисодий форум якунида бундай деган эди: **«Дунёда жиддий, жадал ва туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳукуматлар жадал ҳаракатланувчи йирик балиққа айланиш учун корпорациялар билан ҳамкорлик қилишлари керак».** Сўнг бундай қўшимча қилган эди: **«Мен бундан 50 йил олдин саноат инқилоби ҳақида китоб ёзганман. Ўшанда бу инқилобни 23 технология деб атаганимда унинг ғоясини тасаввур қилган эдим. Ўша пайтда технологияларнинг аксарияти илмий фантастика эди. Лекин улар ҳақиқатга айланди. Биз чуқурроқ, кенгроқ ва кенг-қамровли глобал диалогларни яратишда виртуал дунё метавирусидан қандай фойдаланиш мумкинлигига гувоҳ бўлдик».** (Бироз қисқартма билан, Франс 24, 2022 йил 5 май).

Агар муаммолар ечимини шариатга эмас, балки худди бугунги кундагидек, ақлга топширилса, бу ерда катта муаммо борлигини англатади. Зеро, аҳвол шу ҳолатда қолиб кетадиган бўлса, капиталистлар мана шу ҳолатда давом этиб, биз яна юз йил капитализм зулматида қолиб кетамиз.

Аммо туб ечим капитализмнинг ер юзидан бошқа мабда томонидан олиб ташланмоғидир. Ўз ҳазорати билан башариятни бугунги азоб-уқубатлардан қутқарадиган Ислом мабдасидан бошқа ҳеч қандай мабда мавжуд эмас. Ислом бунинг учун ягона номзоддир. У капитализмга мансуб эмас ва у дунёни бошқаришга



қодир. Лекин Ислом уни давлат кўринишида, марказлашиш нуқтаси сифатида пайдо бўлишига имкон берувчиларга муҳтож.

Агар дунёда иқтисодий таназзул, жаҳон уруши, йирик пандемия ёки булардан бошқа нарсалар юз берса, бу бизни ҳақиқий иқтисодга, халқаро гегемонликнинг йўқлигига ва капитализмнинг парчаланишига таянишимиз керак бўлган босқичга олиб келади. Шунда капитализм дунёга ҳукмронлик қилувчи мабдадан дунёдаги давлатлар уни кўтариб юрадиган мабдага айланади. Иккинчи жаҳон урушидан бери дунёни бир-бирига боғлаб турган иқтисодий ришта ва ўша даврда ўрнатилган халқаро қонуннинг ришталари бўшаб, шартномаси парчаланди. Шундай қилиб, тарқоқ ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги рақобат ҳақиқатга айланади. Бу қутбсизликнинг қайтишига олиб келиб, ҳар кимнинг ўз мавжудлигини исботлаш имкониятини қонуний ҳуқуққа айлантиради. Ушбу қулаш ва шартноманинг парчаланиши ортидан инқирозни яшириб, унинг пайдо бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилаётган барча давлатларда ижтимоий кризис юз беради. Бу ерда биз кўряпмизки, Ислом жуда қисқа вақт ичида пайдо бўлиб, энг юқори чўққига кўтарилади. Бу кўплаб сабабларга боғлиқ. Уларнинг энг муҳимлари:

– Ислом ҳазорати (Ислом мабдаси)нинг манбаси раббонийдир. У инсоннинг учта алоқасини, яъни Роббиси билан, ўз нафси билан ва бошқа инсонлар билан бўлган алоқаларини тартибга солади. Инсон моҳиятан вақт ўтиши билан ўзгармайдиган бўлганлиги сабабли, бу тузум ҳар қандай замон ва макон учун яроқлидир. Ислом 1300 йилдан кўпроқ вақт давомида дунё тахтида ўтирган ва бунга тарих гувоҳлик беради. Шунинг учун Ислом ҳар қандай замон ва макон учун яроқлидир. Унинг усул ва фуруъ масалалардаги аҳкомлари ҳар қандай ривожланиш, ўсиш ва турланишга мос келади. У ҳар қандай янги нарсаларни майда деталлари ва тафсилотларигача кузатиб боради ва улар учун ўзига хос ечимга эга.

– Ислом ақидасидан балқиб чиққан жиҳод ҳукмининг ўхшаши бутун башариятда мавжуд эмас. Мусулмонлар дин ва унинг азизлиги учун қурбон беришга энг қодир кишилардир. Бу эса уларнинг бутун дунёга етакчилик қилишларига олиб келади. Бу нафақат менинг сўзларим, балки фатҳларда, салафларнинг узоғу яқиндаги барча гувоҳи бўлган қаҳрамонлиги ва фидоийликларида гавдаланган. Бу ҳақда шу кунлардаги холис кишилар ҳам ёзган ва биз бунга гувоҳмиз.

– Барча мусулмонлар Исломий Халифалик давлати байроғи остида Ислом динининг қайтишини интиқлик билан кутмоқда. Ислом юртлари табиий равишда қуруқлик, денгиз ва ҳаво йўлларининг кўп қисмини назорат қилади. Бу эса уларнинг бошқаларни назорат қилишларига йўл очади.

– Мусулмонлар юртлари жуда катта дунё бойликларига, айниқса, том маънода ҳукмронлик қилишнинг энг кучли қуроли бўлган энергия ресурсларига эга. Уларга тегишли бўлган бошқа хом ашёлар ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Бу эса мусулмонлар ерларининг ривожланиш, сармоя ва фаровонликка тўла майдон бўлишига ёрдам беради.

– Ислом мабдасининг дунёга келган чоғдаёқ қудратли ҳукмрон давлат сифатида намоён бўлишга қодир, ўз фикри ва вужудига эга, у билан бошқа давлатлар минг марта ўлчаб муомала қиладиган дунёдаги ягона мабда эканлиги. Бунга бошқа кўплаб сабаблар ҳам бор.

Юқорида айтганимиздек, Ислом уни ғолиблиги учун ҳаракат қилувчиларга муҳтож. Исломнинг ғолиблиги инсон иштирок этмайдиган фақат илоҳий кўринишда бўлмайди. Аксинча, у жамоат ёки ҳизб билан бирга фаолият қилишга, воқеликни ўзгартириш ишида Росулulloҳ ﷺнинг тариқатларига эргашишга ва сабабларни ушлашга боғлиқ. Уммат берилган имкониятдан фойдаланишга тайёр бўлиш учун ғайрат ва сергаклик билан меҳнат қилиши керак. Аллоҳнинг Китоби ва Росулulloҳ ﷺнинг суннатларини маҳкам ушлаган ҳолда, бунинг учун сидқидилдан меҳнат қилган ва воқеликни ўзгартириш ишини аниқ тасаввур қилган ҳар бир киши берилган бундай имкониятдан фойдаланади. Бугунги кунда, агар Уммат келгуси босқич талабларини англаб етиб, берилган имкониятдан фойдаланиш учун тайёргарлик кўрмаса, бу имкониятни бой беришга олиб келади. Бу билан капитализмнинг яна ўз қилмишларини такрорлашига ва яна юз йил Умматнинг устидан ҳукмронлик бўлишига йўл берилган бўлади.

Лекин, Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ўзларининг воқелигини англаб етган ва Росулulloҳ ﷺнинг изидан эргашган эр кишилар бор. Улар ақлия ва нафсияларини Ислом асосида шакллантириб, исломий шахсияга айландилар ва даъватни ёйиш учун уюшма ташкил қилдилар. Кейин, таянч нуқтасига олиб борадиган таъсир ўтказиш босқичига ўтдилар. Улар сиёсий курашни турли услублар билан амалга ошириб, Уммат билан ҳукмдорлар ўртасидаги

алоқага зарба бердилар. Мустамлакачиларнинг режаларини фош қилиб, Ислом ҳақида умумий онгни, кейин эса Исломни талаб қилувчи жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳаракат қилдилар. Кейин жамиятдаги энг кучли гуруҳдан ва армиянинг ижройи органларидаги қувват аҳлидан нусрат талаб қилишга юзландилар. Улар қандайдир бир давлатни эмас, балки пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш йўлида юрар эканлар, Умматдан ҳеч нарса талаб қилмадилар, балки барча талаб Ҳизб йигитларига юкланди.

Ҳа, бу ўзининг олдинги ва ҳозирги етакчилари билан Ҳизб ут-Таҳрирдир. Улар Росулulloҳ ﷺнинг башоратларини рўёбга чиқариш, шунингдек, давлат барпо бўлган тақдирда унинг давомий сақланиб қолиши учун керакли бўлган барча нарсаларни тайёрлаш устида кунни тунга улаб ишламоқдалар. Фақатгина Аллоҳнинг нусрат беришига таяниб қолмасдан сабабларни мусаббатотларга боғламоқдалар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ فَجَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَأَنْتَقَمْنَا مِنَ الَّذِينَ أَجْرُمْ ۗ وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

**«Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборганмиз. Бас улар (қавмларига) аниқ-равшан ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг Биз жиноят қилган кимсалардан интиқом олганмиз ва иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»** [Рум 47]

Биз Ислом Умматининг барча фарзандларини, якка шахс ва жамоатларни, шунингдек, нусрат беришга қодир бўлган ҳар бир кишини ушбу буюк Ҳизб билан бирга юришга, пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик давлати кишилари (арбоблари)дан бўлишга чақирамиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يُرِيدُونَ لِيُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَقْوَاهِمَ وَاللَّهُ مِتِّمٌ نُّورِهِ ۗ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ ﴿٦٦﴾ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ ۗ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

**«Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни Исломни) оғизлари (яъни беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар истамасалар-да, Ўз нуруни (яъни динини) тўла (яъни ҳар тарафга) ёйгувчидир. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир»** [Соф 8-9] □

## АЛЛОҲ СУБҲАНАҲУНИНГ ВАЪДАСИ ВА РОСУЛИ ﷺНИНГ БАШОРАТИГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

Каром Форис

Бугунги кунда муслмонлар душманларимиз томонидан қутурган ҳужум, қаттиқ макр ҳамда динимиз ва борлигимизга нисбатан чуқур нафратнинг қурбони бўлмоқдалар. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ الْآيَاتِ إِن كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ﴾

**«Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик»** [Оли Имрон 118]

Мана шундай мусибат ва қисматлар қаршисида Аллоҳ Талонинг нусратига нисбатан муслмонларда умид уйғотмоқ, У зотнинг ўз дўстларига албатта ёрдам бериши, душманларидан ўч олиши тўғрисидаги ваъдасига нисбатан ишонч пайдо қилмоқ лозим. Муслмонларга, шунингдек, иймон билан боғлиқ ўтмишдаги ибратли-намунали ишларни, кўплаб қаршиликларга дуч келинганини, аммо кейин гўзал оқибат ёр бўлганини ҳам эслатмоқ даркор. Келинглар, ҳақиқий мўминлар ва Аллоҳнинг содиқ аскарларига синов ва имтиҳонлардан кейин имконият берилиши ҳамда нусрат, ғалаба ва зафар ёр бўлиши ҳақидаги Аллоҳнинг ваъдаси ва Росулунинг хушхабарини эслайлик. Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

﴿لَتَنْتَفِضَنَّ عَرَى الْإِسْلَامِ عُرْوَةَ عُرْوَةٍ، فَكَلَّمَا انْتَفَضَتْ عُرْوَةٌ تَشَبَّهَتِ النَّاسُ بِأَلْيِ تَلِيهَا، وَأَوْهَنَّ نَفْضًا الْحُكْمَ وَأَخْرَجَهُنَّ الصَّلَاةَ﴾

**«Исломнинг арқонлари бирма-бир узилиб бораверади. Қачон бир арқон узилса, одамлар ундан кейинги арқонга ёпишиб олишади. Биринчи узиладиган арқон ҳукм бўлса, охиригиси намоздир».**

Бугун биз айрим даъватчилар ва ғарб сақофатидан таъсирланган кишиларни ғарб маданиятидан таъсирланган ҳолда, шунингдек, ғарб демократияси ва унинг динни умумий ҳаётдан ажратадиган ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини маҳкам ушлаган ҳолда Ислом аҳлининг муваффақиятсизлиги ҳақида гапираётганини

кўрамиз. Кофир ва унинг малайлари ИШИД модели ва унинг сохта давлатини яратиб, шу орқали Ислом ва унинг даъватчиларини хунук қилиб кўрсатишга ҳаракат қилгандан кейин вазият янада ёмонлашди. Зеро, у бу ишни мана ислом ўзига қарши чиққан кишини кофирга чиқариб, қул қилади, одамларнинг ҳуқуқларини поймол қилиб, уларга қўрқув ва даҳшат солади, деб кўрсатиш учун қилди. «Шундай қилиб, кофир ва унинг малайлари ўзлари бошқарувга олиб келган ушбу ИШИД модели ва бошқа исломий ҳизб ва ҳаракатлардан иборат моделлари билан Исломнинг сиёсий тузумини ағдардик, деб ўйлашяпти». Улар, шунингдек, Ғарб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни ўз ичига олган сиёсий бошқарув тузумига эга, деб айтишяпти. Ўзлари мусулмонларга бузуқ моделни бериб, ортидан – ҳозир Исломни бошқарув ва ҳаётга қайтаришимизнинг вақти келмади, биз Маҳдий келишини кутишимиз керак, Аллоҳ юборган нарса билан ҳукм юритиш хом хаёлликдир, ўзгариш ва ислоҳотдан умид йўқ, мусулмонларнинг аҳволи борган сари ёмонлашмоқда ва бу қиёмат аломатларидан бири, аҳвол қиёматгача шундай давом этаверади, дейишяпти.

Бизнинг бу каби кимсаларга айтар сўзимиз шуки, сизлар келажак Исломники эканлиги, мушриклар ёмон кўрсаларда, Аллоҳ Таоло бу динни барча динлар устидан ғолиб қилиши тўғрисидаги У зотнинг ваъдаси ва Росулulloҳ ﷺнинг башоратидан бутунлай ғафлатда экансизлар. Ҳолбуки, биз Ғарб муфаккирлари, руҳонийлари, раввинлари ва роҳиблари келажак Исломники, деган сўзларни айтиб, шу ҳақда ёзишаётганини ва ҳатто уларнинг айримлари Исломни қабул қилаётганини кўрмоқдамиз. Биз бу нарсани Исломни қабул қилган яҳудий аёлда ҳам кўрдик. Дарҳақиқат, диктор ундан Фаластиндаги яҳудийлар аҳволи ҳақида сўраганида у худди Набий ﷺнинг башоратларини билгандек, бундай дея диққатга сазовор жавоб қилди: «Яҳудийларга Фаластинда жой йўқ, мен Салоҳиддин Айюбийнинг қайтиб келаётганини кўраётгандекман...».

Шунинг учун ҳам биз бу башоратлар ҳақида гапиришимиз ва уларни мусулмонлар орасида ёйишимиз зарур. Чунки бу нарса мусулмонлар қалбидаги ноумидликни йўқотиб, умидни пайдо қилади. Бу ҳақда аввало Аллоҳ Азза ва Жалланинг қуйидаги каломи билан бошлаймиз:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ ۗ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

**«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир»** [Тавба 33]

деган каломидан бошлаймиз. Зеро бу оят худди шу шаклда икки марта, бири Тавба сурасида, иккинчиси Саф сурасида келганини, Фатҳ сурасидаги эса худди шу маънода, аммо янги шаклда такрорланганини ва бунга Аллоҳнинг гувоҳлиги ҳам қўшилганини шоҳиди бўламиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا﴾

**«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан, у (дин)ни барча (дин)ларга ғолиб-устун қилиш учун юборган зотдир. Аллоҳнинг Ўзи (ушбу ваъдасининг рўёбга чиқишига) етарли гувоҳдир»** [Фатҳ 28]

Бу Аллоҳ Таолонинг ҳақ дин бўлмиш Исломнинг барча динлар устидан ғолиб бўлиши ҳақидаги ваъдасидир. Зеро, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. У ҳаргиз ўз ваъдасига хилоф қилмайди...

Бизга яхши маълумки, Ғарб ва куфр аҳли насронийлик динига номигагина ишонишади. Ҳатто улар барча нарсани ҳалол қилган ҳамда шахсий эркинликлар, бузуқлик, гомосексуализм, атеизм ва бошқа ғайриинсоний тубан нарсаларга рухсат берган бадбўй капитализм ва сохта демократияни ўзларига дин қилиб олишган. Шунинг учун улар Ислом динига пўтүр етказишга ҳамда унинг тараққиёти ва тарқалишига тўсқинлик қилишга уринишади. Биз эса уларга Аллоҳ Таолонинг Саф сурасидаги ушбу каломини эслатмоқчимиз:

﴿يُرِيدُونَ لِيُظْفِقُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُتِمُّ نُورِهِ ۖ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

**«Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни Исломни) оғизлари (яъни беҳуда гап-сўзлари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар истамасалар-да, Ўз нуруни (яъни динини) тўла (яъни ҳар тарафга) ёйгувчидир»** [Соф 8]

Тавба сурасидаги ушбу каломини ҳам эслатмоқчимиз:

﴿يُرِيدُونَ أَنْ لِيُظْفِقُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّا أَنْ يُتِمَّ نُورَهُ ۖ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

**«Улар Аллоҳнинг нури (Ислом)ни оғизлари (яъни беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса гарчи (кофирлар) хоҳламасалар-да, фақат Ўз нуруни тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди»** [Тавба 32]

Ушбу қуръоний ифода анавиларни масхара қилмоқда. Яъни уларнинг Ислом нурина ўчиришга бўлган уринишларини ўз сояси билан қуёш нурина тўсишга уринаётган кимсанинг ҳаракатига ўхшатмоқда. Шундай экан, бу Аллоҳ Таолонинг ушбу динга берган ваъдаси эмасми ва биз бунга ишонишимиз керак эмасми?

Аллоҳ Таолонинг ушбу каломида яна бир қуръоний башорат келган:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ﴾

**«Албатта кофир бўлган кимсалар мол дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар»** [Анфол 36]

Субҳаналлоҳ! Ушбу оят гўё биз билан ва бизнинг замонамизда яшаётгандек. Бугунги кун кечаги кунга нақадар ўхшайди! Масалан, бугунги гуруҳлар худди Росулulloҳ ﷺга қарши тўпланган гуруҳлар каби, бизга қарши ва бизни Исломни татбиқ этиш, ушбу диннинг шаъни ва улўғлигини қайта барпо этишдан тўсиш учун тўпланишди. Улар молларини терроризмга қарши кураш баҳонасида малайлар ва хоин ҳокимлар учун сарфлашмоқда. Бироқ, Аллоҳ Таолонинг бизга

﴿فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ﴾

**(Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар),** дея берган ваъдаси ила, уларнинг умидлари ва тахминлари пуч бўлиб чиқиб, барбод бўлади, инша Аллоҳ:

**Эй мусулмонлар!**

Биз иймон келтиришимиз лозим бўлган нарса, бу Аллоҳ ва Росули бизга аниқ ишонч билан хабар берган нусрат ва ғолибликка аниқ ишонишдир. Зеро Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

**«Биз пайғамбарларимизга ва мўминларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар ҳозир бўладиган Кунда ҳам албатта нусрат берамиз»**

[Ғофир 51]

Яна бундай деди:

﴿وَلَقَدْ سَبَقَتْ كَلِمَتُنَا لِعِبَادِنَا الْمُرْسَلِينَ﴾

**«Аниқки, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақидаги сўзимиз ўтган-соби́т бўлгандир»** [Вассофат 171]

Яна бундай деган:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

**«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг аҳволини хавфу-хатарлардан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирор нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир»** [Нур 55]

Қуръони каримда Аллоҳнинг ваъдасига тааллуқли яна бир қанча башоратлар бор.

Шунинг учун мусулмон юртларда кофирлар пайдо қилган демократияни татбиқ қилиш орқали эмас, балки Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиш орқали ер юзида халифа қилиш ва динни ғолиб қилиш ҳақидаги Аллоҳнинг ваъдасига ишонмоғимиз лозим. Бунга қўшимча, Набий ﷺнинг ушбу дин ҳақида берган башоратларига ҳам ишонишимиз керак. Зеро, у зот ўз Роббисига бўлган ишончлари сабабли доимо Аллоҳнинг нусратига, ёрдамсиз ташлаб қўймаслигига ва воз кечмаслигига чуқур ишонар эди. Айрим саҳобалар кофирларнинг куч қудрати олдида ўзларининг сони озлиги ва заифликларини кўриб, ҳафсалалари пир бўлар ва умидсизликка тушардилар. Набий ﷺ эса энг қийин вазиятларда уларга келажак Исломники эканини эслатар эди. Бир куни Хаббоб ибн Арат у зотнинг олдига келиб, Маккада ўзи ва мусулмонлар йўлиққан фалокат ҳақида шикоят қилиб, Росулүллоҳ ﷺга: Бизга дуо қилиб, Аллоҳдан ёрдам сўрамайсизми? – деди. Шунда Росулүллоҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:



«وَاللّٰهِ لَيُبَيِّنَنَّ هٰذَا الْاَمْرَ، حَتّٰى يَسِيرَ الرَّاٰكِبُ مِنْ صَنْعَاءِ اِلٰى حَضْرَمَوْتٍ، لَا يَخَافُ اِلَّا اللّٰهَ وَالذَّنْبَ عَلٰى غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُوْنَ»

«Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошиляпсизлар». Росулulloҳ ﷺ бу сўзларни Маккада энг қийин аҳволда турган пайтларида, яъни қурайшликлар у зотни таъқиб қилиб, Аллоҳга бўлган даъватидан тўсаётган кунда айтган эди. Ҳақиқатда ҳам Росулulloҳ ﷺ учун бу иш тамомига етди, чунки у Аллоҳнинг ваъдаси эди. Шундай экан, биз ҳам Аллоҳ Таолонинг ваъдасига қаттиқ ишониб, тушкунликка тушмаслигимиз ва ортимиздаги мусулмонларни умидсизликка туширмаслигимиз керак.

Дарҳақиқат, Набий ﷺнинг бу дин ҳақидаги башоратлари қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган:

«إِنَّ اللّٰهَ زَوٰى لِي الْاَرْضَ فَرَايْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ مَلِكًا أُمَّتِي سَيَبْلُغُ مَا زُوِي لِي مِنْهَا»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди. Шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради». Яъни Аллоҳ Таоло ер юзини Росулulloҳ ﷺга тўплаб кўрсатди, шунда у зот бутун ер юзини ўз кўзлари билан кўрдилар. Шунинг учун яқинда бу иш яъни Ислом Уммат учун у зот кўрганидек ҳолатга келади... Бу бизга айтилган башорат бўлиб, биз яқинда унинг шарқи-ю Ғарбига эгалик қиламиз. Буни Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги сўзлари ҳам таъкидламоқда:

«لَيَبْلُغَنَّ هٰذَا الْاَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالتَّهَارُ، وَلَا يَتْرُكُ اللّٰهُ بَيْتَ مَدْرٍ وَلَا وَبْرٍ اِلَّا اَدْخَلَهُ اللّٰهُ هٰذَا الدِّيْنَ بِعَزِّ عَزِيْزٍ اَوْ بِدَلِّ دَلِيْلٍ، عَزًّا يُعْزُّ اللّٰهُ دِيْنَ الْاِسْلَامِ، وَذُلًّا يَذِلُّ بِه الْكُفْرُ»

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизлики, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қилади. Хорлики, у билан Аллоҳ кўфрни хор қилади». Бунинг маъноси шуки, яқинда бу дин ернинг Шарқи-ю Ғарбига етиб бориб, у ерларда татбиқ этилади. Ҳатто ер юзида на тошдан қурилган уйлар ва на

сахролардаги чодирлар қолмасдан барчасига Ислом кириб боради.

Росулulloҳ ﷺ бизга айтган ушбу башоратларнинг айримлари бугунги кунда рўёбга чиқди, айримлари ҳали рўёбга чиқмади. Айни башоратлардан қуйида келтириб ўтамиз:

– Росулulloҳ ﷺ Абу Бакр رضي الله عنه билан ҳижрат қилар экан, йўлда Суроқа ибн Молик отда уларга етиб олди. Зеро, Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр رضي الله عنه таъқиб қилинаётган ва жуда оғир аҳволда эдилар. Суроқа уларга яқин келгач отининг олдинги икки оёғи тиззасигача қумга ботиб кетди. Мана шундай қийин аҳволда Росулulloҳ ﷺ Суроқага: **«Эй Суроқа, бир кун келиб Кисронинг билагузукларини тақишинга нима дейсан»** дедилар. Росулulloҳ ﷺ бу сўзларни Бадр жангидан ғолиб бўлиб чиққанидан кейин ёки Макка фатҳидан кейин айтмадилар. Балки бу сўзларни Макка кофирлари у зотни пистирмада пойлаётган, ўлдиришни хоҳлаётган ва у зотни олиб келган кишига мукофот тайин қилган бир кунда айтган эди. Аллоҳ Таоло бу ҳақда бундай деган:

﴿وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيُبْتُوكَ أَوْ يَفْتُلُوكَ أَوْ يُخْرِجُوكَ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَكْرِينَ﴾

**«(Эй Муҳаммад), кофирлар сизни ҳибс қилиш ё ўлдириш, ёки (Маккадан) чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эсланг! Улар макр қилурлар, Аллоҳ ҳам «макр» қилур, Аллоҳ «маккор»роқдир»** [Анфол 30]

Суроқага келсак, ўша пайтда бу нарса на унинг ҳаёлига келган ва на бу ҳақда ўйлаган. Лекин бу башорат Росулulloҳнинг ҳаётлик чоғида эмас, балки халифа Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه даврида, яъни Росулulloҳнинг Суроқага берган ваъдасидан ўн тўрт йил ўтиб рўёбга чиқди.

– Аҳзоб-гурухлар Мадинани қамал қилиб, унга қарши тўпланганларида ўн минг кишидан кўп бўлишган. Муслмонлар эса санок ва тайёргарликда улардан анча оз эди. Мана шундай зулматли кеча ва совуқ шамолда муслмонлар Мадина атрофига хандақ қазий бошладилар. Хандақ қазийётганларида ердан катта тош чиқиб қолиб, ишлари тўхтаб қолди. Шунда **«Росулulloҳ ﷺ ўша тошни синдириш учун хандаққа тушдилар ва битта зарба бериб «Аллоҳу акбар, менга Шомнинг калитлари берилди, Аллоҳга қасамки, албатта мен унинг қизил қасрларини**

кўряпман», дедилар. Иккинчи зарбада «Аллоҳу акбар, менга Форс калитлари берилди, Аллоҳга қасамки, албатта мен Мадоиннинг оқ қасрларини кўряпман», дедилар. Учинчи зарбада «Аллоҳу акбар, менга Яман калитлари берилди, Аллоҳга қасамки, мен шу онда шу жойда туриб Санъо эшиklarини кўряпман», дедилар. Ҳолбуки, ўшанда аҳвол жуда оғир, қалблар бўғизга тиқилган ва мўминлар Аллоҳ ҳақида гумонга борган пайт эди. Чунки улар имтиҳон қилинган ва қаттиқ ларзага тушган эдилар. Лекин Аллоҳ Таоло кўфр келтирганларнинг ғазабини улар кутмаган шамол ва фаришталар билан қайтарди. Шунда гуруҳлар ноумид ва мағлуб бўлган ҳолларида чекиндилар... Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺнинг Ислом Яманга етиб бориши ҳақидаги башоратлари ҳаётлик чоғларида рўёбга чиқди. Шом ва Мадоин эса у зотнинг вафотидан кейин фатҳ қилинди.

– Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنه айтади: Биз Росулulloҳ ﷺнинг атрофида ўтириб, нозил бўлган ваҳийни ёзаётган эдик, у зотдан қайси шаҳар биринчи фатҳ бўлади, Константинополми ёки Римми, деб сўрашди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: «Ираклининг шаҳри биринчи фатҳ қилинади» деди. Ираклининг шаҳри Константинополдир. Росулulloҳнинг бу башоратлари султон Муҳаммад Фотиҳ даврига келиб рўёбга чиқди. Росулulloҳ ﷺ бу ҳақда:

«لُفْتُتَحَنَّ الْقُسْطَنْطِينِيَّةُ فَلَنِعْمَ الْأَمِيرُ أَمِيرُهَا وَلَنِعْمَ الْجَيْشُ ذَلِكَ الْجَيْشُ»

«Константинопол албатта фатҳ қилинади. Уни фатҳ қилган амир қандай ҳам яхши амир ва ўша қўшин қандай ҳам яхши қўшин», деганлар. Ўша пайтда Константинопол халқаро сиёсатда худди бугунги Америкадек муҳим рол ўйнаган. Демакки, Аллоҳнинг изни ила, яқинда Америка ҳам мағлуб бўлиб, хорланади. Дарҳақиқат, Муҳаммад Фотиҳ Константинополни фатҳ қилгач, ўз қўшинлари билан Набий ﷺнинг мазкур башоратини рўёбга чиқариш учун Римни ҳам фатҳ қилгани йўлга чиққан эди. Лекин у йўлда вафот этди ва Римни фатҳ этиш орзусини бизга қолдирди. Биз ушбу орзуни Халифаликни қайта барпо этиш билан рўёбга чиқарамиз инша Аллоҳ. Зеро, Римни фатҳ қилишни истаймиз ва бунга ишонамиз.

Ҳақиқий эр кишиларнинг Набий ﷺ башоратига нисбатан тутган позицияси мана шундай бўлган, бугунги кундаги эркаксимон ҳукмдорлар позицияси каби бўлмаган. Бугунги кун ҳукмдорлари Ҳорунар Рашиднинг шаҳри Бағдодни ва Афғонистонни босқинчига

топширишди, ундан олдин эса Фаластинни маймун ва тўнғизлар наслдан бўлмиш яҳудийларга топширишган.

– Имом Аҳмад ўз муснадида ривоят қилишича Набий ﷺ айтади:

«تَكُونُ النَّبُوءَةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جَبْرِيَّةٌ، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جَبْرِيَّةٌ. ثُمَّ سَكَتَ»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». Ушбу ҳадисда Росуллуллоҳ ﷺ бизга бошқарувда босиб ўтиладиган босқич-даврларни баён қилмоқда. Дарҳақиқат пайғамбарлик охириги пайғамбар бўлмиш Муҳаммад ﷺ вафоти билан якунланди. Сўнгра Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик даври ва ундан кейинги золим подшоҳлар даври ҳам тугади. Биз ҳозир золим-зўравон подшоҳлар даврида яшаймиз. Ушбу ҳадисда айтилган башоратлардан фақат битта, яъни зўравон подшоҳлар даври тугаши билан бўладиган

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جَبْرِيَّةٌ»

«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади» деган башорат рўёбга чиқиши қолди, холос. Бу эса яқинда Аллоҳнинг изни ила ушбу Уммат фарзандларидан бўлган ва уни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилаётган ва вақтларини шу ишга сарфлаётган холис кишилар қўли билан рўёбга чиқади. Улар насронийлик маркази бўлмиш Римни фатҳ қилиш ва Исломни Европага фатҳ ва ғалаба билан қайтариш орқали Набий ﷺнинг

башоратини рўёбга чиқарадиган халифага байъат қилиб, шундай улуғ шарафга ва Пайғамбарлик башоратига эришадиган кишилардир. Аллоҳдан бизни ушбу Халифаликнинг қўшинларидан ва гувоҳларидан қилишини сўраймиз. Зеро Аллоҳ Таоло ўз Китобида

﴿إِنَّ الْأَرْضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۗ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ﴾

**«Бу ер шак-шубҳасиз Аллоҳникидир. Уни ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натиха эса тақводорларникидир»** [Аъроф 128]

деди. Бу Аллоҳ Таолонинг ваъдаси ва Набий ﷺнинг башорати эмасми ва биз унга ишонишимиз керак эмасми?

### **Эй мусулмонлар!**

Бу башоратларга иймон келтириш вожиб бўлгани каби улар қалбдан жой олиши ҳам лозим. Акс ҳолда, нега улар бизга хабар қилинди? Шубҳасиз, улар бизга аввало мутлақ ишонган ҳолда, қолаверса, унинг учун ҳаракат қилишга тайёр бўлишимиз учун хабари берилди. Зотан, Аллоҳнинг хитоби ва ваъдаси ҳамда Набий ﷺнинг башорати биз мўминларга бўлган хитобдир. Агар биз ушбу ваъдага ишонмасак ё уни хом хаёл ёки туш десак ёки фарб тушунчаларидан ва унинг ялтироқ маданиятидан таъсирланган айрим даъватчилар ва уларга ўхшаганлар даъво қилаётгандек Маҳдийни кутсак, на уни рўёбга чиқарамиз ва на унинг йўлида ҳаракат қиламиз. Шундай экан, мана шу улуғ мақсад учун ва

﴿ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبُوءَةِ﴾

**«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади»** деган башоратни рўёбга чиқариш учун астойдил ва жиддий ҳаракат қилишимиз керак. Акс ҳолда, Аллоҳ Таоло уни рўёбга чиқариш учун фаришталарни бизга юбормайди.

Ҳа, Ислом кенг ёйилиш ва ғолиб бўлишга номзод диндир. Чунки у яқинда қайтиб келиб, одамларнинг кўпчилиги ишонч ҳосил қиладиган ягона динга айлади. Капитализм, демократия, коммунизм, миллатчилик, насронийлик, бутпарастлик ва ҳоказоларга ўрин қолмайди, балки фақат жиҳод ва иймон замони бошланади. Зеро Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ۖ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ۖ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرْ لَهُ ۗ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا﴾

**«(Эй Муҳаммад), қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалабаси келса. Ва одамлар тўп-тўп бўлишиб, Аллоҳнинг дини (Исломи)га кираётганларини кўрсангиз, дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай ширклардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир»** [Наср 1-3]

Бугун ҳаёт воқелигида Исломи бошқарув тузуми сифатида йўқ бўлса-да, мусулмонларнинг заиф бўлишларига қарамай, биз Ғарб юртларида Исломи қабул қилаётганларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётганини кўряпмиз. Шунингдек, бирор бир мусулмоннинг Исломдан қайтганини эшитмаяпмиз, фақат жуда ҳам нодир ҳолатларда бўлиши мумкин. Шунинг учун Исломи дини энг тез тарқалаётган диндир. Ўзингиз тасаввур қилаверинг, мусулмонлар заиф ва уларга ғамхўрлик қиладиган давлатнинг йўқлиги пайтда уларнинг ҳолати шундай бўлса, Исломининг улўворлигини, жиҳодлардаги ўзларининг қаҳрамонликлари ва фатҳларини кўрган пайтларида аҳволлари қандай бўлади?!

Аллоҳим, Исломига нусрат бер ва мусулмонларни ҳабибимиз Мустафо ﷺ башорат берган Халифалик давлати билан азиз қил. Аллоҳим бизни унинг қўшинлари ва гувоҳларидан қил. Аллоҳумма омин. Валҳамдулиллаҳи роббил аламин... □

## **ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР АМИРИ, УЛУҒ ОЛИМ АТО ИБН ХАЛИЛ АБУ РОШТАНИНГ ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ҚУЛАТИЛИШИНING 102 ЙИЛЛИК ХОТИРАСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

Аллоҳга ҳамд бўлсин. Росулulloҳга, у зотнинг оиласи ва саҳобаларига ҳамда у зотни дўст тутганларга салоту саломлар ёғилсин ва баъд.

Бутун Исломиё Умматга, хусусан рошид Халифаликни қайта тиклаш даъватини кўтариб чиқаётганларга

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Худди мана шундай кунларда, ҳижрий 1342 йил 28 ражаб, милодий 1924 йил 3 мартда, яъни ҳижрий ҳисоб билан 102 йил олдин мустамлакачи кофирлар ўша пайтдаги Британия бошчилигида ҳамда араблар ва турклар орасидаги хоинлар ёрдамида Халифалик давлатини тугатишга муваффақ бўлишди. Мустафо Камол Истанбулда Халифаликни бекор қилиб, халифани уй қамоғига олди ва уни ўша кун саҳар вақтида мамлакатдан чиқариб юбориб очиқ куфр жиноятини амалга оширди. Ҳа, мана шундай бўлди. Халифалик тугатилиши билан мусулмонлар юртларида мана шу аламли мусибатлар юз берди... Умматнинг бу очиқ-ошкор куфр жиноятини қилган кимсага қарши – Росул ﷺнинг Убода ибн Сомит رضي الله عنهдан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисида келганидек – қилич кўтариб, жанг қилиши вожиб эди. Ўша ҳадисда қуйидагилар келган:

«وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ»

**«Иш (яъни бошқарув)ни унинг эгаларидан талашмаслигимиз ҳақида (байъат бердик). Фақат бир очиқ-ошкор куфрни кўрсангиз, сизларда у тўғрида бир аниқ ҳужжат бўлса, уларга қарши чиқсангиз бўлади (дедилар Пайғамбаримиз)».** Лекин Уммат бу жиноятчи ва унинг ёрдамчиларини бўрондек ларзага солиб, ағдариб, ер билан яксон қилиб ташлайдиган ишни қилмади. Аксинча, билдирилган қарши муносабат бу даражага кўтарилмади, жуда ҳам заиф бўлди!

Шу сабабли Уммат тарихи зулматга чўмди. Бир пайтлар Халифалик бу Умматнинг ҳақ ва адолат билан бошқарган давлати эди, ҳозирда эса унинг давлати эллиқдан ортиқ майда давлатчаларга парчалаб ташланди. Бу давлатлар ҳокимларининг ўзаро адоватлари ўта қаттиқ. Шу даражадаки, ҳатто Сурия ва Туркияда шу ойнинг ўртасида юз берган шиддатли зилзила ҳам бу

ҳокимлар ўртасидаги бўлинишни йўқ қилолмади, уларни қайтадан битта давлатга бирлаштиролмади. Аксинча, улар зилзиладан олдин қандай парчаланган ҳолда бўлсалар, ундан кейин ҳам шу ҳолда қолавердилар, панд-насиҳат олмадилар!

﴿أَوَلَا يَرَوْنَ أَنَّهُمْ يُفْتَنُونَ فِي كُلِّ عَامٍ مَّرَّةً أَوْ مَرَّتَيْنِ ثُمَّ لَا يَتُوبُونَ وَلَا هُمْ يَذَّكَّرُونَ﴾

**«Кўрмайдилармики, улар ҳар йили бир-икки марта балога-фитналарга йўлиқмоқдалар. Шундан кейин ҳам на тавба қилурлар ва на панд-насиҳат олурлар»** [Тавба 126]

Шу билан бирга, бу зилзила Ислом муслмонлар оммаси қалбида чуқур ўрнашганини ҳам очиқ кўрсатиб берди. Чунки улар – ўз биродарларини вайроналар остидан қутқазар эканлар – такбир айтардилар. Хусусан бир гўдакни қутқазганларида шундай бўлди, уни онаси вайрона остида туғиб, вафот этган эди... Ёки вайрона босиб қолган кишини олайлик. Унинг қўлидан тасбеҳни қўймаганлиги кўриниб турар, у билан Аллоҳни поклаб тасбеҳ айтарди... Ёки қулаган бино остидан бир аёлни чиқариб олишга уринар эканлар, у ўзини чиқариб олишдан олдин сочи очилиб қолмаслиги учун бошини ўрашга рўмол сўради... Ёки вайроналар остидан чиқариб олиш учун баланд овоз билан чақиришган ана у кишини олайлик. У намоз вақти ўтиб кетмаслиги учун таҳорат олиб, намоз ўқиб олгани ўзига аввало сув беришларини сўради... Яна бир кишини эса вайрона остидан қутқазишга уринар эканлар, уни Қуръон тиловат қилаётган ҳолида топдилар, у Бақара сурасидан оятларни тиловат қилар эди... Ёки ана у ёш қизни олайлик, уни чиқариб олишга уринар эканлар, у ўша куннинг намозини ўқий олмаганидан маҳзунлигини билдирар эди... Ушбу ҳолатларнинг барчасида Аллоҳу Акбар садолари янграрди... Муслмонлар ана ўшалардир. Аллоҳ зилзила чоғида вафот этган ҳар бир муслмонни раҳмат қилсин, улар Аллоҳнинг изни ила охираш шайхидлари жумласидан бўлсалар ажаб эмас. Аллоҳ жароҳатланганларга касалликдан асар ҳам қолдирмайдиган шифо берсин. Аллоҳ нажот топган ҳар бир муслмонга ёрдам берсин. Аллоҳ уларга Аллоҳ Субҳанаҳу тоатида ва Росули ﷺ тоатида ўтказишадиган покиза ҳаётни тақдир қилсин.

Булар муслмонлардир, анавилар эса муслмон юртларидаги ҳокимлардир. Улар ўртасида машриқ ва мағриб узунлиги қадар жарлик бор. Бу улкан жарлик юз икки йил давомида, яъни Халифалик тугатилиши сабабли рўй берган улкан мусибатдан бўён



пайдо бўлди! Шундан кейин мустамлакачи кофирлар Халифалик йўқлигидан фойдаланиб, муслмонлар бошига бошқа турли хил аламли мусибатларни ҳам солишди. Масалан, улар Росулulloҳ ﷺнинг Исро ва Меърож ери бўлмиш Муборак заминда яҳудийларга давлат қуриб беришди ва уни сақлаб қолиш воситалари билан таъминлашди. Бу воситаларнинг энг биринчиси шу давлат хавфсизлигини уни чор атрофдан қўраб турган малай ҳокимлар воситасида ҳимоя қилиш бўлди. Бу ҳокимлар ҳар бир урушда яҳудийлар қаршисида мағлуб бўладиган бўлишди. Шу даражадаки, ҳатто улар яҳудий давлатига Аллоҳ яҳудийларни:

﴿وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ اللَّيْلَةُ وَالْمَسْكَنَةُ﴾

**«Ва уларга хор-зорлик ва бечораҳоллик битиб қўйилди»**

[Оли Имрон 112]

деб сифатлаган суратдан бошқасини берадиган бўлишди. Ҳокимлар бу билангина чекланишмади, балки улар яҳудий вужудини йўқ қилиш бўлган асосий масалани музокаралар масаласига айлантириш учун бор кучларини сарфлашди. Улар яҳудий вужуди 1967 йилда босиб олган ерларнинг бир қисмидан бўлса ҳам ортга чекинара, деган илинжда шундай қилишди!

Қолаверса, яҳудий давлати Фаластинда энг жирканч жиноятларни амалга оширди ва ҳамон амалга ошириб келмоқда. 2023 йил 26 январдаги Жанин қирғини, балки хунрезлиги буни яққол кўрсатиб турибди. Яҳудий вужуди армияси тиш-тирноғигача қуролланган катта куч билан Жанин чодирлар лагерига бостириб кириб, у ерда даҳшатли қирғинни амалга оширди. Бу қирғин чоғида тўққиз фаластинлик шаҳид бўлди. Яҳудий армияси бу қирғин чоғида қотиллик, ярадорлар устига деворларни қўлатиш, бульдозерлар билан янчиб ташлаш каби ўта жирканч жиноятларга қўл уришга журъат қилди. Шундан кейин ўз жиноятини Наблусга босқинчилик қилиши билан давом эттирди, Ақаба Жабр лагерига бостириб кириб, у ерда ҳам қирғин қилди ва жароҳатлади, натижада бир қанча фаластинликлар шаҳид бўлди ва яраланди... Шунча хунрезликлар юз берар экан, уларга ёрдам бериш учун муслмон юртларидаги ҳокимларнинг бир туки ҳам қимирламади. Аксинча, уларнинг «энг зўр йўл» тутгани ўзининг жиноятчи билан жиноят қўрбонлари ўртасида воситачилик қилишга тайёр эканини эълон қилган кимса бўлди. Уларни Аллоҳ ҳалок қилсин! Қандай адашмоқдалар-а! Улар яҳудий вужуди билан алоқаларни

нормаллаштиришга оид жинояткорона битимни тузишга шошилаётган экан, бундан ортиқ яна қандай жиноятга қўл уришлари мумкин ахир. Миср ҳокимлари бундай хорлик юришига етакчиликни бошлаб берганидан кейин Фаластин озодлик ташкилоти, Иордания, Араб Амирликлари, Баҳрайн, Марокаш ҳокимларининг барчаси уларга эргашди... Мана Судан ҳам бу жиноятда уларга қўшилди. Судан раҳбари Бурҳон 2023 йил 2 февралда Хартумда яҳудий ташқи ишлар вазири Эли Коэнни алоқаларни нормаллаштириш масаласини муҳокама қилиш учун қабул қилди!! Уларнинг ҳеч бири ўзларини чулғаб олаётган хорликка парво қилмаяпти.

﴿سَيَصِيبُ الَّذِينَ أَجْرَمُوا صَغَارٌ عِنْدَ اللَّهِ وَعَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا كَانُوا يَمْكُرُونَ﴾

**«Яқинда бундай жинояткорларга қилиб ўтган ҳийланайранглари сабабли Аллоҳ ҳузурида хорлик ва қаттиқ азоб етажакдир»** [Анъом 124]

Ҳайрон қоладиган нарса шуки, яҳудий вужуди амалга оширадиган ҳар қандай эскалация-кескинлик ёки ҳар қандай жиноят юз бериши билан бу вужуд раҳбарлари – ўша куни ёки эртасига – араб ҳокимларининг зиёфати ёки зиёратида бўлишади. Масалан, Нетаньяҳу Жаниндаги жиноят арафасида Иордания режими қасрида меҳмон бўлди!... Жаниндаги жиноят чоғида Фаластин маъмурияти яҳудийлар билан хавфсизлик чораларини келишиб олганлиги келиб чиқяпти, бунининг ўзи ҳам тан олди. Чунки у ўша жиноятдан кейин хавфсизлик келишувини тўхтатишини иддао қилди, демак ўртада келишув бўлган! Лекин бундан ҳам кўра ҳайратланарли, бундан ҳам ғалати иш шуки, қачон Фаластин қаҳрамонларидан бири ўз юрти ва аҳли-оиласини ҳимоя қилиб, анави қирғиндан кейин Қуддус амалиётида етти нафар яҳудийни ўлдирса, мусулмон юртларидаги ҳокимлар дарров бунини қоралашга тушмоқдалар! Масалан, Туркия, Араб Амирликлари, Иордания ва Миср ташқи ишлар вазирлиги матбуот баёноتلари чиқариб, Қуддус амалиётини қоралади!

Бу ҳокимлар фақат Фаластингагина орtdан ханжар уриб қолмай, Ислом ерлари бўлмиш бошқа покиза ерларни ҳам душман қўлига топширишди. Масалан, Кашмирни ҳинд мушриклари ўз давлатига қўшиб олди. Покистон ҳокимлари эса мум тишлагандек жим, сукут сақлашмоқда... Роҳинга мусулмонлари Мьянма (Бирма)да сўйилмоқда, Бангладеш ҳокимлари эса гўё ухлаб қолгандек бунини

кўришмаяпти... Шарқий Тўркистонда ҳам Хитой ваҳшиёна қирғинларни амалга ошириб келмоқда. Муслмон юртларидаги мавжуд давлатларда эса қабристон сукунати ҳукмрон. Сўзлаган тақдирда ҳам, бу қирғинлар Хитойнинг ички масаласи, дейилмоқда!

﴿كَبُرَتْ كَلِمَةً تَخْرُجُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ إِنْ يَقُولُونَ إِلَّا كَذِبًا﴾

**«Уларнинг оғизларидан чиққан сўз оғир сўзdir. Улар фақат ёлғон сўзлайдилар»** [Каҳф 5]

Мустамлакачи кофирлар Уммат бошига бундай хорликларни солиш билан чекланибгина қолмай, унинг ақидасига ҳам тил теккизиб, ҳаддиларидан ошишди. Масалан, 2023 йил 21 январда Стокгольмда Туркия элчихонаси олдида экстремист Палудан Мусҳафи Шарифнинг бир нусхасини ёқди. У бу қилмишни швед маъмурлари рухсати ва ҳимояси билан амалга оширди... Шундан кейин уларнинг Мусҳафни ёқиш жиноятлари 2023 йил 27 январ жума куни Гаага ва Копенгагенда бир-бирига уланиб кетди... Шундан кейин Азҳар қаршимизда кўриниш берди, муқаддас диний қадриятлар билан бундай ўйнашишларни қоралаб, уларга қарши туришни талаб қиладиган қаттиқ оҳангдаги баёнот билан чиқди. Ваҳоланки, Азҳар уламолари Мусҳафни ёқишга қарши бериладиган жавоб қуруқ сўзлар билан қоралаб қўйиш орқали бўлмаслигини, балки Аллоҳнинг Китоби ва Динига ёрдам бериш учун армияларнинг ҳаракатга келиши вожиблигини яхши биладилар. Бунга ҳеч шубҳа йўқ. Чунки Мусҳафни ёқиш Исломиий Уммат ва унинг ақидасига қарши уруш эълон қилишдир. Демак, бунга қарши рад жавоби уларни ҳалок қилиш орқали уларнинг ортларидаги кимсаларни қўрқитиб қўядиган уруш билан бўлади.

﴿فَإِمَّا تَنْفَقْنَهُمْ فِي الْحَرْبِ فَشَرِّدْ بِهِمْ مَن حَلَفَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَدْكُرُونَ﴾

**«Бас, агар уларни жангда топсангиз, уларни ҳалок қилиш билан ортларидаги кимсаларни қўрқитиб қўйинг! Шояд эслатма олсалар»** [Анфол 57]

**Эй муслмонлар!** Муслмонларга қарши тажовузга қуруқ, фойдасиз, баландпарвоз гап-сўзлар билан эмас, балки қилич билан, душманнинг ўтакасини ёрадиган, унга шайтоннинг васвасаларини унуттирадиган зарбалар билан жавоб берилади... Халифалик мавжуд даврларда муслмонлар шундай ҳолатда бўлганлар. Улар бошдан кечирган даврлардаги ҳодисалар

жараёни шуни сўзлаб турибди. Бу исбот талаб қилмас бир ҳақиқат бўлиб, уни кўзи ва басирати-онги бор киши инкор қилмайди... Зеро, бунга муслмонлар тарихида қатор мисоллар мавжуд бўлиб, уларни Ибн Касирнинг «Бидоя ва Ниҳоя», Балазурийнинг «Футуҳул булдон», Ибн Халдуннинг «Тарих», Заҳабийнинг «Ислом тарихи» китоблари ва бошқа манбалар нақл қилган. Улардан баъзиларини сизларга келтириб ўтаман:

«... Шундан кейин ҳижратнинг 87 йили кирди... ва унда Қутайба ибн Муслим Пайкандга ғазот қилди, у Бухоро аъмолаларидан биридир... Кун яримламай туриб Аллоҳ улар устидан ғалабани туширди... Улардан бир кўзлик аъмо кимса муслмонларга қарши гижгижлар эди, у асир олинди, шунда у: мен ўзимни қутқазиш учун хитой ипагидан тикилган беш мингта кийим бераман, уларнинг қиймати минг-минг туради, деган эди, амирлар Қутайбага ундан қабул қилишга ишорасини бердилар. Шунда Қутайба: Йўқ, Аллоҳга қасамки, сен сабабли бирон муслмонни иккинчи марта асло қўрқувга солмайман, деди-да, уни қатл қилишни буюрди, шундан сўнг бўйнига қилич урилди».

«Сўнгра ҳижратнинг 90 йили кирди... унда Синд ҳокими Доҳир бир қанча муслималар кетаётган бир кемага ҳужум қилиб, уларни асир олди. Шунда халифа ўзининг волийсига чопар юбориб, ана шу золимдан қасос олишни буюрди. Шундан кейин Муҳаммад ибн Қосим қўшинга қўмондонлик қилиб, ўша муслималарни қутқазди, у зўравон ҳокимдан қасос олди ва Синд мамлакатини фатҳ қилди».

«Сўнгра ҳижратнинг 223 йили кирди, рум қироли муслмонлар юртига чиқиб, Зибтара аҳолиси бошига қирғин ва асирлик мусибатларини солди... Бир аёл: эй Муҳтасим, деб фарёд урди, бу фарёд халифа Мўътасимга етиб бориши биланоқ халифа лаббай синглим, деб жавоб берди ва қўшин тортиб бориб, ўша аёл учун интиқом олди... У: румларнинг энг катта шаҳри қайси шаҳар? – деб сўраган эди, Анқара яқинидаги Амурия, деб жавоб берилди. Шундан кейин уни фатҳ қилди».

«Сўнгра ҳижратнинг 582 йили кирди... унда Кирк ҳокими Арнат хоинлик қилиб, Мисрдан келган ҳожиларнинг катта карвони йўлини тўсиб, ўлдирди ва асир олди. Шундан сўнг Султон Салоҳиддин унга қарши урушга тайёрланди, шаҳарлардан аскарларни чақирди ва унинг устидан зафар қучса уни қатл қилишни назр қилди. Аллоҳ унга унинг устидан ҳижрий 583 йил

рабиуссоний ойининг яримида Ҳиттин жангида ғалаба берди ва шундан кейин Салоҳиддин уни ғаддорлиги ва йўл тўсарлигига жазо бўлиши учун ўз қўли билан қатл қилди. Сўнгра ҳижрий 583 йил, 27 ражабда Ақсо озод этилди».

«... Ҳижрий 1307, милодий 1890 йилда Росулulloҳ ﷺ га бўхтон қилган пьеса муаллифи уни Париж театрларидан бирида намойиш қилмоқчи бўлди. Халифа Абдулҳамид буни билгач Франциянинг Истанбулдаги элчисини чақирди ва уни қасддан ҳарбий либосда қабул қилиб, унга: агар пьеса намойиш қилинадиган бўлса Усмоний Давлат Франция билан уруш ҳолати каби алоқаларни узишини эълон қилажаги билан таҳдид қилди, унга қаттиқ оҳангда хитоб қилиб: «Мен мусулмонлар халифасиман... агар ана шу саҳна томошасини тўхтатмасанглар, дунёни бошларингга ағдараман» деди. Натижада, Франция бу талабни қабул қилди ва ана шу пьеса томошасини намойиш қилишни ман қилди».

Мустамлакачи кофирлар ўша даврларда Ислом ва мусулмонларга бўлган ҳар қандай ҳурматсизлик тилларни кесилиши ва оёқларни синдирилиши билан қарши олинишини жуда яхши билишарди... Бугун эса Қуръони Каримга, Росул ﷺ га ва мусулмон юртларига тажовуз қилинмоқда ва бу тажовузга ҳеч қандай жавоб зарбаси йўқ! Бунинг сабаби эса фақат битта, у ҳам бўлса Умматни душманлар шарридан сақлайдиган имомнинг, рошид халифанинг йўқлигидир. Саҳиҳлигига иттифоқ қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда қуйидаги сўзлар келган:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ، يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ، وَيُتَّقَى بِهِ»

**«Имом қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва ҳимояланилади».**

Сўзим якунида, эй куч-қудрат эгалари, ҳимоячилар, сизга яна бир бор мурожаат қиламан: сизлар, фақат сизлар Умматни унинг душманлари ва динингиз душманларидан халос қилиб, унинг кўксига шифобахш малҳамни қўя оласиз. Фақат сизлар мусулмонлар ўз юртларида тушиб қолган бу хору зорлик кишанларини синдириб ташлай оласиз... Шундай экан, бўйнингиздаги вожибни адо этишга қўзғалинг, Аллоҳ сизларга баракот ато этсин. Рошид Халифаликни тиклаш учун бизга-Ҳизб ут-Таҳрирга нусрат беришга қўзғалинг. Зеро, воқе кўрсатиб турибдики, рошид Халифалик ғалабанинг ягона йўли бўлибгина қолмай, балки у энг аввало, бир буюк фарз ҳамдир. Шунинг учун

кимки Халифаликни тиклашга ва байъат олишга ҳақли бўлган халифани вужудга келтиришга қодир бўла туриб, бунга ҳаракат қилмаса, у улкан гуноҳга ботади ва гўё жоҳилият ўлимини топади. Бу эса ушбу гуноҳнинг қанчалик қаттиқ гуноҳ эканлигидан далолат беради. Зеро, Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

﴿وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ، مَاتَ مَيْتَةً جَاهِلِيَّةً﴾

**«Кимки, бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлибди».**

Бунинг нақадар муҳимлигини кўрсатувчи иккинчи далил шуки, муслмонлар Росулulloҳ ﷺ ни дафнга тайёрлаб, дафн қилиш фарзини адо этишга киришишдан олдин халифага байъат беришга киришдилар. Бунинг барчасига сабаб Халифаликнинг нақадар аҳамиятли эканлигидир... Учинчи далил шуки, Умар رضي الله عنه ўзи вафот этадиган кунда, жаннат башорати берилган олти саҳобадан бирини халифа этиб сайлаш учун атиги уч кун муҳлат берди, холос ва шу муддат орасида халифани сайлашга келиша олинмаса, қарши чиқувчини ўлдиришни буюрди. Бу саҳобаларнинг кўз ўнгида бўлди, улардан биронтасининг бунга қарши чиққанлиги нақл қилинган эмас. Демак, бу саҳобалар томонидан қилинган ижмо бўлди. Бизнинг устимиздан эса бундай «уч кунлардан жуда кўпи» ўтиб кетди! Шундай қилиб демак, Халифаликни тиклаш буюк бир ишдир.

Эй Аллоҳнинг аскарлари! Биз шуни яхши биламизки, бизга Халифаликни тиклаб бериш учун самодан малоикалар ҳеч қачон тушмайди, балки Аллоҳ малоикаларни – агар Халифаликни тиклашга жиддий ҳаракат қиладиган бўлсак – бизга ёрдам учун туширади. Зеро, Халифалик Аллоҳнинг Китобидаги ҳаққи-рост ваъдадир:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ﴾

**«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ваъда қилди»** [Нур 55]

Бу – Росулulloҳ ﷺ ҳадисларда айтилган мана бу зўравон подшоҳликдан кейин бўладиган азизлик ҳақидаги хушхабардир. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«**ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ التُّبُوَّةِ. ثُمَّ سَكَتَ.**»

**«Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». Бу ҳадисни имом Аҳмад чиқарган...**

Биз шуни ҳам яхши биламизки, Ислом душманлари Халифаликнинг янгидан тикланишини амри маҳол санашади, улар ўзларининг ўтмишдаги ҳаммаслақларининг истехзо билан:

﴿عَرَّ هَؤُلَاءِ دِينَهُمْ﴾

**«Уларни (яъни муслмонларни) динлари мағрур қилиб юборди (яъни, озгина одам билан шундай катта қўшинга қарши жанг қилмоқчи бўляптилар)»** [Анфол 49]

деб айтган сўзларини тинимсиз такрорлашмоқда. Лекин бу сўзлар айтувчиларининг бошига бало бўлди ва Аллоҳ Ўз динини ғолиб қилди ва унинг аҳлига нусрат берди. Бугун ҳам бу истехзоли сўзлар уларнинг ўз бошларига фалокат бўлғусидир. Зотан, Азиз, Ҳаким Аллоҳ ушбу

﴿إِنَّ اللَّهَ بَلِّغَ أَمْرِهِۦٓ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا﴾

**«Албатта Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига етгувчидир. (Унинг хоҳишига қарши тургувчи кимса йўқдир). Дарҳақиқат Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир (яъни, ҳаётда рўй берадиган ҳар бир яхши-ёмон воқеа-ҳодиса ёлғиз Аллоҳ хоҳлаган-белгилаган вақт ва ўлчовда рўй беради)»** [Талоқ 3]

деган қавли қалблари ва вужудларини асло тарк этмай жиддий ҳаракат қилаётган муҳлис бандалари билан биргадир. Аллоҳнинг бу бандалари кун сайин мана шу «миқдор-ўлчов»га Аллоҳнинг изни ила яқинлашиб бормоқдалар.

﴿وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هُوَ قَلَّ عَسَىٰ أَنْ يَكُونَ قَرِيبًا﴾

**«Ҳали улар: «У (кун) қачон бўлур?» деб (сўрайдилар). «Шоядки яқин бўлса», деб айтинг!»** [Исро 51]

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Биродарингиз Ато ибн Халил Абу Рошта

28 ражаб 1444ҳ

Ҳизб ут-Таҳрир амири

19 феврал 2023м □

**ҲИЗБ УТ-ТАҲРИРНИНГ ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ АҒДАРИЛИШИ  
ХОТИРАСИДА ЎТКАЗГАН ХАЛҚАРО ТАДБИРЛАРИ  
1444ҳ – 2023м**

Ҳизб ут-Таҳрир Халифалик давлати ағдарилишининг 102 йиллик хотирасини тирилтириш учун ҳижрий 1444 йил ражаб ойи, милодий 2023 йилда ўз амири (Аллоҳ қадамларини собит қилсин ва у кишининг қўли билан муслмонларга имконият берсин) улуғ олим Ато ибн Халил Абу Рошта (Абу Ёсин)нинг мутасаддилиги остида бутун дунё бўйлаб, Ҳизб фаолият қиладиган деярли барча минтақаларда қатор оммавий тадбирлар ўтказди.

Ҳар доимгидек, Ал-Ваъй журнали ушбу аламли фожиа хотирасини тирилтириш учун Ҳизб ут-Таҳрирнинг бутун дунёда ўтказган фаолиятларининг асосийларини ўз ичига олган ҳисобот билан ўзининг муҳтарам ўқувчиларини таништиради. Шу орқали журналимиз ўз ўқувчиларининг ва барча муслмонларнинг, хусусан Уммат қўшинларининг ғайрат ва шижоатини қўзғаб, барчаларини Аллоҳ Таолонинг ваъдаси ва Росули ﷺнинг башоратлари бўлмиш Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун Ҳизб билан биргаликда ҳаракат қилишга ундайди.

**Ҳизб ут-Таҳрирнинг олам бўйлаб ўтказган фаолиятларидан:**

- **Ҳизб ут-Таҳрир – муборак Фаластин замини:**

**Нашралар:**

Ҳижрий 1444 йил 4 ражаб, милодий 2023 йил 26 январ пайшанба куни чоп этилган **«Яҳудийларнинг Жаниндаги жиноятларида у билан нормаллашаётган, тил бириктираётган ва қўрқоқлик қилаётган ҳукмдорларнинг ҳиссаси катта бўлиб, бу жиноятнинг қайта такрорланиши гуноҳи ҳам уларнинг бўйнига»** номли матбуот баёноти.

– Ҳижрий 1444 йил 26 ражаб, милодий 2023 йил 17 феврал жума куни Ҷазо секторидаги масжидларда тарқатилган **«Халифалик қулатилиши хотирасида... Фаластинни Халифалик озод қилади, Уммат ва унинг қўшинлари ғайратини Халифаликни барпо қилиш сари қўзғанг»** номли нашра.

**Мақолалар:**

– Ҳижрий 1444 йил 12 ражаб, милодий 2023 йил 3 феврал кунги **«Фаластин шаръий ўзгартириш тариқати билан иккиламчи ечимлар ўртасида»** номли мақола.



### Видеороликлар:

– Ҳижрий 1444 йил 2 ражаб, милодий 2023 йил 24 январ куни қилинган «**Гуноҳ қилиш учун назр қилинмайди, силаи раҳмни узиш учун қасам ичилмайди**» номли масжиддаги маъруза.



– Ҳижрий 1444 йил 2 ражаб, милодий 2023 йил 24 январ кунги **«Давлатлар ва ажнабий ташкилотлардан ёрдам талаб қилиш Умматимиз тинкасини янада қуритади»** номли масжиддаги дарс.

– Ҳижрий 1444 йил 2 ражаб, милодий 2023 йил 24 январ куни қилинган **«Аҳмоқ амирлар»** номли масжиддаги маъруза.

– Ҳижрий 1444 йил 4 ражаб, милодий 2023 йил 26 январ куни ўтказилган **«Яҳудий вужудининг Ғарбий Қирғоқни аннекция қилиши... Сон-саноқсиз ён беришлар»** номли пикет.

– Ҳижрий 1444 йил 4 ражаб, милодий 2023 йил 26 январ пайшанба куни ўтказилган **«Ғарбий Қирғоқ аннекциясини тўла озод қилишгина тўхтатади»** номли пикет.

– Ҳижрий 1444 йил 5 ражаб, милодий 2023 йил 27 январ кунги **«Қўшиқ ва куйлар билан ҳаракат қилаётган қаршилиқ ҳаракати»** номли жума хутбаси.

– Ҳижрий 1444 йил 5 ражаб, милодий 2023 йил 27 январ кунги **«Фаластин қирғин билан ўйингоҳлар ўртасида»** номли жума хутбаси.

– Ақсо масжиди: Ҳижрий 1444 йил 5 ражаб, милодий 2023 йил 27 январ кунги **«Маъруфга буюриб, мункардан қайтариш ҳаёт манҳажидир»** номли Ақсо масжидидаги жума дарси.

– Ҳижрий 1444 йил 5 ражаб, милодий 2023 йил 27 январ кунги **«Кофирларнинг байрамлари: Ўзликдан воз кечиш ва динни мослаштириш»** номли масжиддаги дарс.

– Ҳижрий 1444 йил 6 ражаб, милодий 2023 йил 28 январ кунги **«Фаластин масаласида ва яҳудийлар билан бўладиган муносабатлардаги ечим Росулulloҳнинг йўлидир»** номли масжиддаги маъруза.

– Ҳижрий 1444 йил 18 ражаб, милодий 2023 йил 9 феврал пайшанба куни Халифалик қулатилишининг 102 йиллиги хотираси кампанияси доирасида **«Халифалик бу куч-қудрат ва инсониятнинг нажот йўлидир»** шиори остида Ҷазо секторида ўтказилган оммавий пикет. Унда Ҳизб ут-Таҳрир муслмонларга ва уларнинг қўшинларига муборак Фаластин заминини озод этишлари учун мурожаат йўллади.

– Ҳижрий 1444 йил 19 ражаб, милодий 2023 йил 10 феврал жума куни Халифаликни барпо этишга ёшлар ҳимматини қўзғаш учун Ҳизб ут-Таҳрир аъзоларининг Қилқилия шаҳрида қилган маърузаси.

– Ҳижрий 2023 йил 11 феврал шанба кўни Ҳизб ут-Таҳрир Ҳусон шаҳрида ўтказган **«Йирик давлатлар кураши ва қулаши... Замон ўзгариши.... Аллоҳ Субҳанаҳунинг Халифаликни барпо этиш орқали ўз динини ғолиб қилишга замин тайёрлаши»** номли оммавий дарс.

– Ҳижрий 1444 йил 8 ражаб, милодий 2023 йил 30 январ кўни **«Умматга фақат холис етакчилик етишмаяпти»** номли масжидда қилинган маъруза.

– Ҳижрий 1444 йил 8 ражаб, милодий 2023 йил 30 январ кўни **«Эр йигитларни етиштираётган тирик Уммат»** номли масжидда қилинган маъруза.

– Ҳижрий 1444 йил 8 ражаб, милодий 2023 йил 30 январ кўни **«Қўшинлардан нусрат талаб қилиш»** номли масжиддаги дарс.

– Ҳижрий 1444 йил 24 ражаб, милодий 2023 йил 15 феврал кўни **«Машаққатларга қарамай... Халифалик Пайғамбарлик меросидир»** номли масжиддаги дарс.

– Ҳижрий 1444 йил 23 ражаб, милодий 2023 йил 14 феврал кўни сўзланган **«1187 йилнинг 27 ражаб кўни энг азиз кун бўлган эди»** номли масжидда қилинган маъруза.

– Ҳижрий 1444 йил 23 ражаб, милодий 2023 йил 14 феврал кўни **«Халифалик Уммат нажоти йўлидир»** номли масжиддаги дарс.

• **Ҳизб ут-Таҳрир – Яман вилояти:**

**Нашралар:**

– Ҳижрий 1444 йил 3 ражаб, милодий 2023 йил 25 январ чоршанба кўни **«Эй Яман аҳли, ушбу ражаб ойи юртингизга Ислому кирган ойдир, бас, уни ҳаётингизга қайтариш учун ҳаракатга келинг»** номли матбуот баёноти.

– Ҳижрий 1444 йил 28 ражаб, милодий 2023 йил 19 феврал чоршанба кўни **«Халифалик қулатилиши хотирасида... Яман ва бошқа мусулмон юртлири фалокат остидадир, бас, Халифалик ағдарилиши хотираси уни қайта барпо этишга туртки бўлсин»** номли матбуот баёноти.

• **Ҳизб ут-Таҳрир – Туркия вилояти:**

**«Ижтимоий инқироз... муаммолар ва ечимлар»** номли кампания:

– Ҳизб ут-Таҳрир – Туркия вилояти мабдаи Ислому бўлган, кучли сезгига эга ва жамият муаммолари қаршисида

Ҳизб ут-Таҳрирининг Халифалик давлати ағдарилиши хотирасида ўтказган халқаро тадбирлари жавобгарликни зиммасига олган Ҳизб бўлгани эътиборидан «Ижтимоий инқироз... муаммолар ва ечимлар» номли кампания уюштирди. Жамиятдаги бу муаммоларни бизнинг болаларимиз ва ёшларимизни бузаётган, уларга адашган фикрлар билан таҳдид солаётган ҳамда оила даргоҳини парчалашга ҳаракат қилиб, жамиятни ҳалокат жарлигига етаклаётган капиталистик тузум келтириб чиқармоқда.



– Ушбу кампания доирасида, устоз Маҳмуд Кор раислигидаги Ҳизб ут-Таҳрир – Туркия вилояти матбуот бўлими ҳижрий 1444 йил 27 жумодулаввал, милодий 2023 йил 21 декабр чоршанба кuni Истанбул шаҳрида матбуот анжумани ўтказиб, мазкур кампания бошланганини эълон қилди. Анжуманда турли оммавий ахборот

Ҳизб ут-Таҳрирининг Халифалик давлати ағдарилиши хотирасида ўтказган халқаро тадбирлари агентликларидан журналистлар, ёзувчилар ва ноҳукумат ташкилотлар вакиллари қатнашди.

– Ҳижрий 1444 йил 27 жумодулаввал, милодий 2023 йил 21 декабр чоршанба кунин Анқара конференцияси очилиши бўлди.

– Ҳижрий 1444 йил 15 жумодуссоний, милодий 2023 йил 8 январ якшанба кунин Истанбул конференцияси ўтказилди.

– Ҳижрий 1444 йил 20 жумодуссоний, милодий 2023 йил 13 январ жума кунин, Адана конференцияси ўтказилди.

– Ҳижрий 1444 йил 22 жумодуссоний, милодий 2023 йил 15 январ якшанба кунин Бурса конференцияси ўтказилди.

– Ҳижрий 1444 йил 25 жумодуссоний, милодий 2023 йил 18 январ чоршанба кунин Ҳизб сиёсий партия ва ноҳукумат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот ходимлари, ўқитувчилар, тадбиркорлар, дин уламолари ва академиклар билан Анқара учрашувини ўтказди.

– Ҳижрий 1444 йил 27 жумодуссоний, милодий 2023 йил 20 январ жума кунин «Köklü değişim» канали сиёсий дастур тақдим этди. Унда «Ижтимоий инқироз... муаммолар ва ечимлар» номли кампания ёритилиб, Ҳизб ут-Таҳрирга қарши қилинган тўхматлар фош этилди.

- **Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти:**

– Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти Халифалик давлати қулатилганининг 102 йиллик хотирасида ҳижрий 1444 йилнинг ражаб ойида **«Орамизда Халифа ва Халифалик бўлса қандай бўлар эди?!»**, номли кампания бошлади. Кампания фаолиятлари қуйидагилардан иборат бўлди:

– 15 қисмдан иборат ва ҳар бири ўртача бир дақиқали видеороликлар. Уларда воқеликдаги муаммолар ҳамда агар Халифалик тузуми мавжуд бўлиб, халифа сайланган бўлса воқеликнинг қандай бўлиши мумкинлиги намойиш қилинди.

– Худди шундай «Агар ҳозир Халифалик ва халифа бўлганда, қандай бўлар эди?!» номи остида видеоконференция ўтказилди. Унда Австралиядан устоз Исмоил Ваҳвоҳ, Қувайдан Абдуллатиф Шаттий билан Усома Сувайний устозлар ҳамда Иорданиядан устоз Муҳаммад Малковий билан шайх Саид Ризвон, Суриядан устоз Аҳмад Абдулваҳҳоб, муборак Фаластин заминидан шайх Юсуф Мухораза билан устоз Низол Сиём, шунингдек, устоз Жамо Сакарийя, Устоз Фаввоз Заҳаб ва устоз Холид Шаб саволларга жавоб бердилар.

– Яна шундай ном остида шайх Абу Низор Шомий билан шайх доктор Муҳаммад Иброҳимлар маъруза қилдилар.

– Сайдо ва Триполи шаҳарлари кўчаларида одамлар билан оммавий фаол мулоқотлар ўтказилиб, шу орқали уларга ражаб билан боғлиқ саволлар берилди ҳамда диққатларини Халифалик қулатилиши хотирасига қаратилиб, ҳозирда зўравон подшоҳлик замонининг охирларида яшаётганлари тўғрисида фикр берилди.

– Ливан шимолида **«Халифалик бу куч-қудрат ва инсониятнинг нажот йўлидир»** номли аёллар форуми ўтказилди. Форумда бугунги воқелик билан Халифалик воқелиги ўртаси солиштирилган видеоролик намойиш қилинди ҳамда бир нечта аёллар нутқ сўзлашди.

• **Ҳизб ут-Тахрир – Судан вилояти:**

– 2023 йил 22 январ куни Қазориф шаҳрида Ҳизбнинг Дайм Ҳамддаги офисида **«Гиёҳванд моддалар шундай хавфки, уни Халифаликдан бошқаси йўқ қилмайди»** номли даврий форум ўтказилди. Форумда муҳандис Башир Аҳмадбашир гиёҳванд моддалар моҳияти ва турларига тўхталиб, уларнинг инсоний, ахлоқий ва руҳий қадриятлардан бутунлай маҳрум очкўз капиталистик тузум остида қандай тарқалаётганини ёритиб ўтди. Устоз Балла Маҳмуд ҳам ўз нутқида бугунги малай давлатлар томонидан бу масалага қасддан эътиборсиз қаралаётгани билан Халифалик давлати соясида хавфсизлик ва тинчликка алоҳида эътиборда қаралиши ўртасини мисол сифатида таққослади. У киши Ислом давлати халифасининг одамларни ҳимоя қилиш ва хавфсизликларини таъминлашга шошилишини кучли мисоллар билан баён қилди.

– 2023 йил 22 январ куни Порт Суданда **«Мабдаий давлат тиклаш орқали инсониятнинг қутқарилиши»** номли йиғин ўтказилди. Унда устоз Шориқ Юсуф маъруза қилиб, ҳаниф динимизга қайтиш ва Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатида Исломни тўлиқ татбиқ этишнинг жуда зарурлигини, шундагина мабдага асосланган давлатни барпо этиш орқали бутун инсониятни қутқарган бўлишимизни», таъкидлади. Устоз Абдуҳ Исмоил 2023 йил 1 феврал куни «Масъуд» жомеида қилган **«Гиёҳванд моддалар қаттол таҳдиддир»** номли маърузасида Ғарбга хатар туғдираётган ёшлар қатламини нишонга олган хорижнинг талабига жавобан юқори органларнинг гиёҳванд моддаларни тарқатишга тил бириктираётгани ҳақида гапирди.

Бунга далил сифатида, ҳукумат ўша савдогарларни номма-ном билишини, аммо бирортасини ҳам қамоққа олмаётганини айтди! Шунингдек, Суданда гиёҳванд моддаларни сақлаш ва ёшларга тарқатиш билан шуғулланаётган ажнабий ташкилот-мафия борлигини ҳам таъкидлади. 2023 йил 25 январ куни катта жоме масжидида устоз Шориқ Юсуф **«Гиёҳванд моддалар қаттол таҳдиддир»** номли оммавий маъруза қилиб, бу иллатнинг шахсга ҳам, жамиятга ҳам хатарлигини ҳамда бу мустамлакачи кофирларнинг Ислом Умматига, хусусан ёшларга қарши очган уруши эканини маълум қилди.



– 2023 йил 24 январда Хартум ҳудудидаги Саҳофа 41 кварталининг оила комплексидида «Гиёҳванд моддаларнинг юрта тарқалиши, сабаблари ва ечимлари» номли сиёсий форум ўтказилди. Форумда доктор Муҳаммад Абдурахмон гиёҳванд моддалар ва уларнинг жамиятга нисбатан хавфи ҳақида сўз юритиб, бунинг туб ечимига Уммат, унинг хавфсизлиги, мафқураси

Ҳизб ут-Таҳрирнинг Халифалик давлати ағдарилиши хотирасида ўтказган халқаро тадбирлари ва қадриятларига тажовуз қилаётганларни тийиб қўядиган мабдаий давлатсиз эришиб бўлмаслигини батафсил фактлар билан баён қилди.



– 2023 йил 25 январда Дахинат ҳудудидаги «Калакла лаффа» бозорида **«Гиёҳванд моддалар шундай хавфки, уни Халифаликдан бошқаси йўқ қилмайди»** номли оммавий маъруза ўтказилиб, унда устоз Фотиҳ Абдуллоҳ нутқ сўзлади. Устоз ўз нутқида бундай деди: «Гиёҳванд моддалар оддий нарса эмас, балки мустамлакачи кофирларнинг Ислом Умматига қарши урушига айланди. Бу уруш Умматнинг энг муҳим ресурси бўлган инсоний ресурсни, хоссатан ёшлар тоифасини нишонга олган. Бу ресурсларни вайрон қилиш билан қишлоқ хўжалиги, минерал ва саноат ресурслари барбод этилади. Натижада, мустамлакачи томонидан юрт бойликлари талон-тарож қилиниши учун бутун мамлакат унга қўшқўллаб топширилади. Бу билан, шунингдек, ҳар хил турдаги гиёҳванд моддалар билан ёшлар ақли қарахт қилингандан сўнг, уларни Ислом қадриятларидан узоқлаштирилади. Оқибатда ота-онага оқ бўлиш, қотиллик, ўғрилик, талончилик ва номусга тажовуз қилиш каби жиноятлар содир этилади».

– 2023 йил 25 январда Умму Дўрмон ғарбида «Ливия бозори»даги Раҳмат масжиди олдида аср намозидан сўнг **«Гиёҳванд моддалар мамлакат учун таҳдиддир... бунинг сабаб ва ечимлари»** номли сиёсий маъруза тадбири ўтказилди. Тадбирда устоз Абдураҳим Абдуллоҳ нутқ сўзлаб, гиёҳванд моддалар моҳияти, турлари ва ундан келиб чиқадиган зарарлар ҳақида сўз юритиб, юртдаги ёшларни нишонга олган бундай хатардан жамиятни огоҳликка чақирди. 2023 йил 1 феврал



чоршанба куни Ихлос қишлоғи Бозорида «Гиёҳванд моддалар кенг миқёсда ҳалокат келтиради» номли сиёсий маъруза тадбири ўтказилиб, унда устоз Исҳоқ Муҳаммад кофир Ғарбнинг гиёҳвандликка тарғиб қилиш орқали олиб бораётган бундай йиртқич ҳужумидан ёшларни ҳалок қилиш кўзлангани ҳақида сўз юритди.

– 2023 йил 28 январь шанба куни Умму Дўрмон шимолидаги Умму Дўрмон масжидида пешин намозидан кейин «Гиёҳванд моддалар қарши курашиш лозим бўлган хатардир» номли оммавий маъруза ўтказилди. Унда устоз адвокат Аҳмад Бакр мамлакатда тарқалаётган гиёҳванд моддалар ҳажми ва метамфетамин ҳақида маълумот бериб, унинг ёшлар, университет талабалари, ҳатто мактаб ўқувчилари ўртасида тарқатилаётганидан огоҳликка чақирди.

– 2023 йил 29 январда Абяз шаҳридаги Бўстон районида оммавий сиёсий маъруза қилиниб, унда устоз Назир Муҳаммадхусайн қўйидагиларни таъкидлади: «Гиёҳванд моддалар масаласининг туб ечими ишларимизни ғамхўрлик билан бошқаришдан ожиз қолаётган ғайриисломий тузумни ағдариб, Халифалик давлатини барпо этишда мужассамдир. Чунки Халифалик Уммат ишларини ғамхўрлик билан бошқаради ва гиёҳванд моддаларни тарқатиш ва сотиш билан шуғулланаётган ҳар қандай кимсани жазолайди. Халифалик ҳатто мустамлакачи давлатлар бошлаган тўртинчи ёки бешинчи авлод уруши, деб аталаётган нарсага чек қўяди». Шунингдек, 2023 йил 1 февраль чоршанба куни катта масжидда **«Мамлакатда гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши... Бунинг сабаб ва ечимлари»** номли маъруза устоз Аҳмад томонидан «Карима» бозори масжидида тақдим қилинди. Шом намозидан сўнг эса **«Гиёҳванд моддалар ҳамда унинг шахс ва жамиятга таъсири»** номли маъруза устоз Назир Муҳаммад Хусайн томонидан тақдим этилди.

– 2023 йил 29 январда Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти ёшлари Калакла шарқидаги Мусъаб ибн Умайр талабалар корпусида хуфтон намозидан сўнг «Гиёҳванд моддалар урушдир, унга фақатгина Халифалик чек қўяди» номли сиёсий форум ўтказдилар. Унда доктор Муҳаммад Абдурахмон маъруза қилди.

– 2023 йил 31 январда Хартум шаҳри Нил дарёси шарқида **«Гиёҳванд моддалар уруш бўлиб, Ислоҳ билангина ғалаба қозонамиз»** номли оммавий сиёсий маъруза тадбири ўтказилди.

Тадбирда устоз Аҳмад Хотиб гиёҳванд моддалар таҳдиди, қандай қилиб у кофир Ғарбнинг урушига айлангани, бу тўртинчи ёки бешинчи авлод уруши, деб аталиб, бу урушдан ёшларнинг ақлларини вайрон этиш, жамият ва давлатни вайрон қилиш ҳамда давлатни суверенликдан маҳрум этиб, мустамлакачи кофир Ғарбга тобе давлатга айлантириш кўзлангани тўғрисида гапирди.

– Ҳижрий 1444 йил 15 ражаб, милодий 2023 йил 6 феврал душанба куни Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти делегацияси Судан уламолари ҳайъати бош котиби билан учрашди.

– Ҳижрий 1444 йил 16 ражаб, милодий 2023 йил 7 феврал сешанба куни Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти делегацияси психиатр ва гиёҳвандликни даволаш бўйича маслаҳатчи профессор Али Балдо билан учрашди.

– Ҳижрий 1444 йил 16 ражаб, милодий 2023 йил 7 феврал сешанба куни Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти делегацияси Исломий фикҳ кенгаши билан учрашди.

#### **Видеороликлар:**

– Ҳижрий 1444 йил 13 жумодулаввал, милодий 2023 йил 6 январда қилинган **«Халифалик соясида на солиқлар, на божхона тўловлари ва на божхоналар бўлади»** номли жума хутбаси.

– Ҳижрий 1444 йил 20 жумодулаввал, милодий 2023 йил 13 январда қилинган **«Халифалик таълимга эътибор қаратиб, унинг ғоясини белгилаб беради!»** номли жума хутбаси.

– Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти ҳижрий 1444 йил 29 жумодулаввал, милодий 2023 йил 1 январ якшанба куни гиёҳванд моддаларга қарши кураш кампаниясини бошлаш учун Судан ахборот агентлиги (SUNA)да матбуот конференцияси ўтказди.

– Ҳижрий 1444 йил 3 ражаб, милодий 2023 йил 25 январда Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти аёллар қаноти «Хотин қизлар билан боғлиқ доиравий битим қоидаларини кўриб чиқиш» тадбирини ўтказди.

– Ҳижрий 1444 йил 7 ражаб, милодий 2023 йил 29 январда **«Гиёҳванд моддалар уруш бўлиб, унга фақатгина Халифалик чек қўяди»** номли сиёсий форум ўтказилди.

#### **• Ҳизб ут-Таҳрир – Тунис вилояти:**

– 2023 йил 12 январ пайшанба куни Тунисда **«Ҳизб ут-Таҳрирнинг Тунисдаги беҳуда сиёсий йўналишга нисбатан позицияси»** номли матбуот форуми ўтказилди. Унда Судандаги ҳукмрон кучлар билан муҳолафат ўртасида ҳокимият учун

бўлаётган курашга нисбатан Ҳизб ут-Таҳрирнинг позицияси баён қилинди. Шунингдек, юртдаги ноаниқлик, стратегик бўшлиқ ҳолатида ҳамда кўз-қарашнинг пастлиги ва сиёсий программанинг йўқлиги вақтида айни курашнинг мустамлакачи кофир томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳам баён қилинди.

– **Йиллик Халифалик конференцияси**

Ҳижрий 1444 йил 5 шаъбон, милодий 2023 йил 25 феврал шанба куни эрталаб соат 10:30да пойтахт Туниснинг Сакра-Арёна муюлишидаги мажлислар биносида Ҳизб ут-Таҳрир – Тунис вилояти **«Замонавий давлатнинг ағдарилиши... Халифалик давлати билангина нажотга эришилади»** номли ўзининг йиллик конференциясини ўтказди. Бир гуруҳ муфаккир ва экспертлар иштирок этган ушбу йиғинда қуйидаги асосий тўрт мавзуда маъруза қилинди:

Биринчи мавзу: **Замонавий давлат ва демократиянинг барча даражада муваффақиятсизлиги.**

Иккинчи мавзу: **Халифалик давлати оламни капитализм ва демократиядан халос қилади.**

Учинчи мавзу: **Ҳизб ут-Таҳрир ва Халифалик.**

Тўртинчи мавзу: **Халифалик қандай барпо этилади ва унинг барпо бўлиш аломатлари.**

• **Ҳизб ут-Таҳрир – Покистон вилояти:**

– Мустамлакачи кофир томонидан Исломий Халифалик давлати қулатилганининг 102 йиллиги хотирасида Ҳизб ут-Таҳрир – Покистон вилояти ижтимоий алоқа сайтларида 1444 йил ражаб ойи давомида **«Халифаликни қайтаринг»** номли кампания ўтказди. Кампания шиорлари **«Ҳақиқий ўзгариш учун Демократияни рад этинг ва Халифаликни барпо қилинг»** шиорларидан иборат бўлди.

**Нашралар:**

– Ҳижрий 1444 йил 18 ражаб, милодий 2023 йил 9 февралда **«Халифалик қабилалар минтақасидаги хавфсизлик кризисини Дюранд линиясини йўқ қилиш орқали ҳал қилади, Пуштун қабилаларининг садоқатини эса исломий шариатни татбиқ этиш билан таъминлайди»** матбуот баёноти нашр қилинди.

– Ҳижрий 1444 йил 18 ражаб, милодий 2023 йил 9 февралда **«Ҳизб ут-Таҳрир Ислом мабдаиға асосланган сиёсий ҳизб бўлиб, Халифаликни барпо этиш учун қуролдан фойдаланишни ҳаром**

**деб билади, нусрат талаб қилишни фарз деб ҳисоблайди»** номли матбуот баёноти нашр қилинди.

• **Ҳизб ут-Таҳрир – Ироқ вилояти:**

**Нашралар:**

– Ҳижрий 1444 йил 19 ражаб, милодий 2023 йил 10 февралда қуйидаги оят сарлавҳаси остида матбуот баёноти нашр қилинди:

﴿يُرِيدُونَ أَنْ يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّا أَنْ يُنِيمَ نُورَهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

**«Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни, исломни) оғизлари билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламасалар-да, фақат Ўз нуруни тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди»** [Тавба 32]

• **Ҳизб ут-Таҳрир – Кения:**

– Ҳижрий 1444 йил 26 ражаб, милодий 2023 йил 17 февралда Ҳизб ут-Таҳрир – Кения Халифалик қулатилишининг 102 йиллиги хотирасида жума намозидан сўнг бутун юрт бўйлаб намойишлар ўтказди. Намойишлардан мақсад Умматнинг ҳижрий 1342 йил 28 ражаб, милодий 1924 йил 3 март куни Халифалик бекор қилингандан буюн ачинарли аҳволда яшаётганини эслатиш бўлди. Чунки ўша ҳодисадан бошлаб Сайкс-Пико лойиҳаси сабабли Умматнинг бирлиги парчаланиб, юртлари мустамлака остида қолиб келмоқда.

• **Ҳизб ут-Таҳрир – Иордания вилояти:**

– Ҳижрий 1444 йил 27 ражаб, милодий 2023 йил 18 феврал шанба куни матбуот баёноти нашр қилинди. Баёнот Иорданиядаги иқтисодий муаммонинг асосан сиёсий муаммолиги ва у Халифалик давлати тикланиши ва Исломдаги иқтисод низоми татбиқ қилиниши билангина ҳал бўлиши ҳақида бўлди.

• **Ҳизб ут-Таҳрир – Малайзия:**

– Ҳизб ут-Таҳрир – Малайзия Халифалик қулатилишининг 102 йиллиги хотирасида бутун ражаб ойи мобайнида қатор форумлар ўтказди. Форумларда Халифалик билан Малайзия ўртасидаги алоқа ҳамда Халифаликни қайта тиклаш фарзлиги ҳақида сўз юритилди.

– Биринчи форум: 2023 йил 22 январда устоз Абдулҳаким Усмон билан устоз Эйшон Иброҳим томонидан **«Исломнинг малайлар юртига кириб келиши: нимани билишингиз лозим?!»** номли нутқ сўзланди.

Ҳизб ут-Тахрирнинг Халифалик давлати ағдарилиши хотирасида ўтказган халқаро тадбирлари

– Иккинчи форум: 2023 йил 29 январда устоз Аббос Исмоил билан доктор Нурарслон Шоҳ томонидан «Халифалик билан Малайзия ўртасидаги тарихий алоқа» номли нутқ сўзланди.

– Учинчи форум: 2023 йил 5 февралда «Халифаликнинг ағдарилиши ҳамда Ғарб юришлари ва унинг Малайзия юртларига бостириб кириши» номли маърузани Доктор



Мухаммад Абу Ийн тақдим этди.

– Тўртинчи форум: 2023 йил 2 февралда доктор устоз Нурарслон Шоҳ билан устоз Ванҳишом Вансолиҳ томонидан «Халифалик барпо этилишини олдини олиш учун Ғарбнинг амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари» номли маъруза тақдим этилди.



## **Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлими**

Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими Ҳизб амири улуғ олим Ато ибн Халил Абу Рошта ҳафизаҳуллоҳнинг кўрсатмалари асосида Халифалик қулатилишининг 102 йиллиги хотирасида милодий 2023, ҳижрий 1444 йил ражаб ойи мобайнида интернет орқали «Халифалик қандай барпо этилади» номли кампания ўтказди.

### **• Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими аёллар қаноти:**

**«Ҳақиқий ўзгартириш фақат Халифаликка чақириш билан бўлади»** номли халқаро кампания.

– Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими аёллар қаноти ражаб ойи мобайнида «Ҳақиқий ўзгартириш фақат Халифаликка чақириш билан бўлади» номли халқаро кампания ўтказиб, уларда қандай қилиб Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги Халифаликнинг мусулмон юртлари халқларини уйғотиши ва уларни анархия ва ҳалокатдан қутқариши ёритилди. Унда, шунингдек, ўз юртлари ва бутун дунёда ҳақиқий ўзгаришни амалга ошириш учун мусулмон халқлар зиммасига тушган вазифалар баён этилди.

### **Матбуот баёнотлари:**

– Ҳижрий 1444 йил 1 ражаб, милодий 2023 йил 23 январдаги «Ҳақиқий ўзгариш фақат Халифаликка чақириш билан бўлади» номли матбуот баёноти.

– Ҳижрий 1444 йил 8 ражаб, милодий 2023 йил 30 январдаги «Муслима аёллар қачон ўз нолаларига жавоб берганларни топадилар?!» номли матбуот баёноти.

– Ҳижрий 1444 йил 17 ражаб, милодий 2023 йил 8 февралдаги «Қамоқ, изолятор... ҳамда бирор бир ёрдам берувчи йўқ!!» номли матбуот баёноти.

### **Мақолалар:**

– Ҳижрий 1444 йил 15 ражаб, милодий 2023 йил 6 февралдаги Зийнат Сомитнинг қуйидаги оят номи остидаги мақоласи

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ﴾

**«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир»**

– Ҳижрий 1444 йил 13 ражаб, милодий 2023 йил 4 февралдаги Заҳра Моликнинг «Онг ва фаросат Халифаликка даъват қилишни талаб қилмоқда» номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 2 ражаб, милодий 2023 йил 24 январдаги Саид Фазлнинг **«Биринчилардан бўлиб Халифаликка даъват қилишлари лозим бўлган муслмон уламоларнинг Халифаликни хунук қилиб кўрсатишлари бемаъниликдир»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 2 ражаб, милодий 2023 йил 24 январдаги Рано Мустафонинг **«Мақсад қилинган ўзгартириш»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 5 ражаб, милодий 2023 йил 27 январдаги Абу Мўътаз Биллаҳ Ашқарнинг **«Азҳар кеча ва бугун ўртасида»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 19 ражаб, милодий 2023 йил 10 февралдаги Абдулхолиқ Эбдун Алининг **«Кофир Ғарбга тобе ҳукмдорлар бор экан, Суданда ҳам, бошқа исломий юртларда ҳам азизликка эришиб бўлмайди»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 20 ражаб, милодий 2023 йил 11 февралдаги Саид Фазлнинг **«Режимнинг кетиши демократия ва капитализмнинг ағдарилишини англатади, уларни татбиқ қилаётган башараларни ўзгартиришни англатмайди!»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 25 ражаб, милодий 2023 йил 16 февралдаги Бароат Муносиранинг қўйидаги оят остидаги мақоласи:

﴿وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

**«Мўминларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»**

[Рум 47]

– Ҳижрий 1444 йил 18 ражаб, милодий 2023 йил 12 февралдаги доктор Сора Муҳаммаднинг **«Эй муслмонлар, Аллоҳга суюниб, бошбошдоқликка чек қўйинг, Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиб, Халифаликни барпо этинглар»** номли мақоласи.

**Хабар ва изоҳ:**

– Ҳижрий 1444 йил 17 ражаб, милодий 2023 йил 8 февралдаги Абдулазиз Муниснинг **«Рошид Халифалик ва бўлинишга чек қўйиш»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 16 ражаб, милодий 2023 йил 7 февралдаги Саид Фазлнинг **«Исломни татбиқ қилмаган одам, қандай қилиб уни оламга ёя олади?! Бир нарса ўзи йўқ бўлса, ундан ҳеч нарса келмайди»** номли мақоласи.



– Ҳижрий 1444 йил 16 ражаб, милодий 2023 йил 7 февралдаги Мухаммад Шерознинг **«Бангладеш янги мустамлакачиликнинг қуллигидан қутқарадиган Халифалик давлатига муҳтож»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 9 ражаб, милодий 2023 йил 31 январдаги Абдулхолиқ Эбдун Алининг **«Ҳизб ут-Таҳрир ташаббус соҳиби ҳамда Уммат кўз тикаётган ҳизбдир»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 8 ражаб, милодий 2023 йил 30 январдаги Минна Тоҳирнинг **«Ғарбнинг жирканч ирқчилиги ортмоқда, бунга Халифалик давлатидан бошқаси чек қўя олмайди»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 7 ражаб, милодий 2023 йил 29 январдаги Низор Жамолнинг **«Шарқул Авсат журнали Халифаликка заҳрини сочмоқда»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 5 ражаб, милодий 2023 йил 27 январдаги Абдулхолиқ Эбдун Алининг **«Ёлғиз Халифаликкига инсониятнинг асосий эҳтиёжларини таъминлайди»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 21 ражаб, милодий 2023 йил 12 февралдаги Ислом Абу Халилнинг **«Мусулмонлар фақат Ислом асосида бирлашадилар»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 21 ражаб, милодий 2023 йил 12 февралдаги Юнус Пескорчикнинг **«Мусулмон юртларидаги зилзила Аллоҳнинг қудратини ва ҳозирги ҳукмдорлар омадсизлигини ёдга солди»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 1 шаъбон, милодий 2023 йил 21 февралдаги Розия Абдуллоҳнинг **«Халифалик ағдарилиши хотирасида барча саъй-ҳаракатлар Халифаликни барпо қилиш орқали Исломий Уммат азизлигини қайтаришга қаратилмоғи даркор»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 27 ражаб, милодий 2023 йил 18 февралдаги Имрона Мухаммаднинг **«Табийй офатлар Халифалик йўқлигида тобора кўпаймоқда»** номли мақоласи.

– Ҳижрий 1444 йил 26 ражаб, милодий 2023 йил 17 февралдаги Усома Сувайнийнинг **«Зилзила фожиаси марказидан туриб тафаккур қилиш»** номли мақоласи.

#### **Видеоклиплар:**

– Бир гуруҳ даъват эгалари **«Халифалик қандай барпо этилади?»** номли программа тақдим этдилар. Программа қуйидаги асосий тўрт мавзунини ўз ичига олди:

Биринчи мавзу: **Ислолда сиёсат.**

Иккинчи мавзу: **Халифалик нима учун керак?!**

Учинчи мавзу: **Қийинчиликларга қарамай, Халифаликни барпо этиш имконияти.**

Тўртинчи мавзу: **Халифаликни барпо этишнинг тариқати.**

– Ҳижрий 1444 йил 1 ражаб, милодий 2023 йил 23 январдаги **«Халифалик қандай барпо этилади?»** номли кенг миқёсда олиб борилган кампания.

– Ҳижрий 1444 йил 4 ражаб, милодий 2023 йил 26 январдаги Халифалик қандай барпо этилади **«Ислолда сиёсат»** номли кампания.

– Ҳижрий 1444 йил 6 ражаб, милодий 2023 йил 28 январ **«Халифалик қандай барпо этилади?»** номли кампаниянинг муқаддимаси.

– Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими раиси муҳандис Салоҳиддин Азога (Абу Муҳаммад)нинг маърузаси.

– Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлимининг аёллар қаноти раисаси Насрин Навознинг маърузаси.

– Ҳижрий 1444 йил 13 ражаб, милодий 2023 йил 4 февралдаги Халифалик қандай барпо этилади **«Нима учун Халифалик ягона бошқарув тузумидир?!»** номли кампания.

– Ҳижрий 1444 йил 13 ражаб, милодий 2023 йил 4 февралдаги Уммат ишлари программасидаги **«Зиммани соқит қилувчи уюшма!»** номли даъват дастури.

– Ҳижрий 1444 йил 6 ражаб, милодий 2023 йил 28 январдаги Уммат ишлари **«Ислолда давлат шакли ва бошқарув низоми... Шубҳа ва раддиялар»** номли даъват дастури.

– Ҳижрий 1444 йил 7 ражаб, милодий 2023 йил 29 январдаги **«Рошид Халифалик Маҳдийни кутиб турмайди!»** номли даъват дастури.

– Ҳижрий 1444 йил 12 ражаб, милодий 2023 йил 3 февралдаги **«Машаққатлар ҳақиқатларни кўрсатиб қўяди, бас, ҳукмдорларингиз башарасини танинг!»** номли жума хутбаси.

– Ҳижрий 1444 йил 12 ражаб, милодий 2023 йил 3 февралдаги **«Маъруфга буюриб, мункардан қайтаринг, динингизни сақлаб қоласиз!»** номли жума хутбаси.

– Ҳижрий 1444 йил 9 ражаб, милодий 2023 йил 32 январ **«Нима учун баъзи исломийлар Халифалик қайтишини истамаяпти?!»**.

– Шундай қилиб, Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими ўзининг **«Халифалик қандай барпо этилади?»** номли кампаниясини ҳижрий 1444 йил 27 ражаб, милодий 2023 йил 18 феврал кунини оқшомда якуний конференция билан тамомлади. Конференцияни Ҳизб ут-Таҳрир амири очиб берди. Унинг нутқини Ал-Ваъйнинг мана шу сонидан бердик. Кейин бир қатор даъватни етказувчи устозлар (Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилоятидан Аҳмад Қасос, Ҳизб ут-Таҳрир – Иордания вилоятидан доктор Муҳаммад Малковий, Ҳизб ут-Таҳрир – муборак Фаластин заминидан шайх Юсуф Мухораза, Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими раиси муҳандис Салоҳиддин Азоза, Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти расмий нотиғи ёрдамчиси устоз Муҳаммад Жоме) Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Исломи Халифалик давлатини қайта барпо этишнинг шаръий тариқатини ёритиб берувчи мавзуларни ёритиб ўтдилар.

**Роя газетаси:**

– Роя газетаси: **«Ражаб ойи! У қандай ҳодисани эслатади? Қайси фожиани қоралайди? Қандай амални улуғлайди?»**. Ҳижрий 1444 йил 17 ражаб, милодий 2023 йил 8 феврал.

– Роя газетаси: **«Миср муфтилиги бемаъни фатволари билан Халифаликнинг фарзлигини инкор этиб, уни қайта барпо этишга ҳаракат қилаётганларга қарши курашяпти»**. Ҳижрий 1444 йил 17 ражаб, милодий 2023 йил 8 феврал.

– Роя газетаси: **«Халқаро кураш ва урушлар (Ғарбнинг ваҳшийлиги ҳамда Исломнинг раҳмати)»**. Ҳижрий 1444 йил 17 ражаб, милодий 2023 йил 8 феврал.

– Роя газетаси: **«Гиёҳванд моддалар уруш бўлиб, Ислом билангина ғалаба қозонамиз»**. Ҳижрий 1444 йил 17 ражаб, милодий 2023 йил 8 феврал.

– Роя газетаси: **«Даъватга нусрат бериш ва Халифалик давлатини барпо қилиш учун фаолият қилишдаги аёл кишининг роли»**. Ҳижрий 1444 йил 24 ражаб, милодий 2023 йил 15 феврал.

Сўнги дуойимиз оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

**ПАЙҒАМБАРЛИК МИНҲОЖИ АСОСИДАГИ ХАЛИФАЛИК  
РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ НИНГ БАШОРАТЛАРИ БЎЛИБ, БУГУН УНИНГ АЙНИ  
ВАҚТИДИР  
ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР ЭСА УНГА ДАЪВАТ ҚИЛАЁТГАН ЯГОНА  
ПАРТИЯДИР**

**Аҳмад Маҳмуд**

Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Нўъмон ибн Баширнинг  
Ҳузайфа ибн Ямондан ривоят қилган ҳадисини келтиради:

«تَكُونُ النَّبُوءُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِ  
النَّبُوءَ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصًا، فَيَكُونُ مَا  
شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ،  
ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِ النَّبُوءُ. ثُمَّ سَكَتَ»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом  
этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг  
пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ  
хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради.  
Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик  
бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи  
хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади  
ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда  
уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик  
бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».

Дарҳақиқат, Росули акрам ﷺ ушбу ҳадиси шарифда Ислои  
Уммати қиёматгача ўзининг мана шу рисоласи билан қолиши,  
Росуллоҳ ﷺ замонидан бошлаб, то қиёмат кунига қадар турли  
даврларни босиб ўтиши ҳақида хабар беряптилар. Яъни бошида  
Пайғамбарлик, сўнг Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик,  
сўнг золим подшоҳлик, сўнг золим-зўравон подшоҳлик, сўнг  
Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик даври бўлишини  
хабар бермоқдалар... Пайғамбарлик далилларидан ҳисобланган  
бу ҳадиснинг охири босқичидан ташқари барча босқичлари  
рўёбга чиқиб бўлди. Биз бугун ўша охири босқичига етиш  
арафасидаимиз. Айтиш мумкинки, биз Аллоҳнинг изни ила золим-  
зўравон бошқарувдан рошид Халифаликка ўтиш давридаимиз.  
Ваъда қилинган рошид Халифалик босқичига етишимизга оз  
қолди. Бизнинг Росуллоҳ ﷺ нинг ҳадисларига ишончимиз комил.

Чунки у воқеда босқичма-босқич ўз тасдиқини топмоқда. Воқеалар ривожини шуни аниқ кўрсатиб турибдики, ҳозирги ўзгаришлар бошқа йўналишда эмас, балки Росулulloҳ ﷺ хабар берганларидек, рошид Халифалик давлатини барпо бўлиши томон кетмоқда. Бунга мусулмонлар гувоҳлик берганидек, Ислом душманлари ҳам жамланган ҳолда гувоҳлик бермоқдалар. Бунинг бир қанча аломатлари бор бўлиб, қуйида уларни келтириб ўтамиз:

**Биринчи:** Ер юзида мабдаий ҳизб, яъни Ҳизб ут-Таҳрир олиб бораётган жиддий даъват мавжуд. Ҳизб ташкил топган кунидан бошлаб рошид Халифаликни барпо этиш вазифасини ўз зиммасига олган. (Ушбу Ҳизб мусулмонларнинг Халифалиги қулаганидан ўттиз йил ўтиб ташкил топган ва қарийб етмиш йилдан бери ушбу вазифани бажариб келмоқда. Мусулмонлар ҳаётида Халифалик йўқ бўлганидан бери ўтган йилларнинг умумий сони бир асрдир). Бу Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги ҳадисига мос келади, дея умид қилиб қоламиз. У зот бундай марҳамат қилганлар:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِائَةِ سَنَةٍ مَنْ يُجِدُّ لَهَا دِينَهَا»

**«Аллоҳ Таоло бу Уммат учун ҳар юз йил бошида динини янгилайдиган кишини чиқариб беради».** (Абу Довуд ривояти). Ҳизб ут-Таҳрир узоқ сабрлар ортидан ўзи бел боғлаган ишда сабот билан туришини исботлай олди. Зеро, у ўз фикрларни маҳкам тутишда сабр қилди. Шунингдек, ўз вазифаси ва мақсадидан буриш учун қилинган босимларга, ёрдамчиларнинг озлигига, озорларга ва тескари ташвиқотларга сабр қилди... Ҳизб Умматнинг бир қисми бўлгани учун шуни айтиш мумкинки, Уммат худди Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифалик давридаги каби соф Ислом билан бошқариш қобилиятига эга Умматга айланди.

**Иккинчи:** Ҳизб ут-Таҳрир ўз фикр ва мақсади билан Уммат ичига кириб боришга муваффақ бўлди. Бугунги кунда Ҳизбни мусулмонлар билан бирлаштираётган нарса режимларни ўзгартириш истагидир. Мусулмонлар буни ҳукмдорларга қарши қўзғолонлари орқали ифодадилар. Зеро, қўзғолонларнинг барчасида «Халқ режимни ўзгартиришни истайди» шиори энг кўзга кўринган шиорга айланди. Бу эса Ҳизбни Уммат орасидаги фаолиятлари ўз самарасини берганлигидан хотиржам қилмоқда. Чунки Ҳизбнинг фикрати Уммат фикратига ва унинг мақсади Умматнинг мақсадига айланиб бўлди. Шунингдек, Уммат

Пайғамбарлик минҳожи асосида рошид Халифаликни барпо этиш учун ўзгартиришга интиладиган бўлиб қолди.

**Учинчи:** Ғарбнинг ўзи ҳам Уммат Исломиё Халифаликни барпо қилмоқчи эканлигига ишонч ҳосил қилди. Буни ғарблик раҳбарлар ва муфаккирларнинг Халифаликнинг қайта барпо бўлишидан огоҳлантиришлари ҳамда Халифаликдан хавфсираётганлигини кўрсатишаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Булар юқори мартабали сиёсатчилар ва дунё етакчилари (Буш, Путин, Рамсфелд, Саркози, Блэр ва бошқалар) томонидан айтилган ўнлаб баёнотлардир. Масалан, Россия ташқи ишлар вазири ҳамда ўлиб кетган Сурия ташқи ишлар вазири Валид Муаллим бир неча йил олдин «Шомдаги қўзғолончиларнинг Халифаликни барпо этиш сари кетаётганликлари»га оид баёнот беришган. Биз қуйида фақатгина икки давлат раҳбарининг ҳамда америкалик фахрий сиёсатчининг берган баёнотини келтириш билан кифояланамиз:

Россия президенти Путин 2002 йил декабр ойида бундай баёнот берган эди: «Халқаро терроризм Россиянинг бир қисмини бўлиб олиб, у ерда Исломиё Халифаликни барпо этиш мақсадида Россияга қарши уруш эълон қилди»... Ислом ва Исломиё Халифалик лойиҳасининг ашаддий душманларидан бири Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр эса 2005 йил 16 июл ишчилар партиясининг умумий йиғилишида бундай деган эди: «Биз (Исроил) давлатини қўпориб ташлашга, Ғарбни исломиё юртлардан чиқариб юборишга ва исломиё умматнинг барчаси учун Халифалик давлатини барпо этиш орқали исломиё шариат билан ҳукм юритадиган исломиё давлатни барпо қилишга интилаётган ҳаракат билан тўқнашмоқдамиз». Республикачилар партиясидан сенатор Патрик Бьюкенен бундай баёнот берди: «Исломнинг ҳаёт тузуми сифатида қайтиши фақат вақт масаласидир... Ҳақиқат шуки, Америка ўз армияси ва арсеналлари билан ушбу кўҳна ҳазоратга қарши кураша олмайди. Чунки Исломнинг собитқадамлиги ва бардоши чинакам таассурот қолдирган. Дарҳақиқат, Ислом икки асрлик кетма-кет урушларда бардош бериб, ҳатто коммунизмга қарши ҳайратланарли даражада осонлик билан қарши курашган... Бугун эса у дунёдаги энг катта куч бўлмиш Америкага қарши уришмоқда».

Америка Халифаликнинг барпо этилишига тўсқинлик қилиш учун Ғарб давлатлари билан биргаликда Афғонистон ва Ироқни босиб олди. Турли мусулмон халқларнинг ягона Исломиё Халифалик давлатида бирлашишларига йўл қўймаслик учун

миллатчилик, мазҳабпарастлик ва этник низоларни қўзғатиш устида ишлади. Шунингдек, ИШИДнинг ўзини халифалик давлати, дея иддао қилиб содир этаётган жиноятларидан фойдаланиб, Халифалик давлати ғоясини бузиб кўрсатиш учун ҳаракат қилди. Бу ўринда Американинг Совет Иттифоқи қулаганидан кейин сиёсий Исломни ўзининг биринчи рақамли душмани, деб очиқ эълон қилганини айтишнинг ўзи кифоя. У Халифалик давлатининг қайта барпо бўлиши ва халқаро кураш майдонига қайтишидан қўрқаётгани учунгина бу ишларни амалга оширди.

Бу ва бошқа воқеа-ҳодисалар ишлар бошқа тарафга эмас, балки Росулulloҳ ﷺ айтганларидек, фақат рошид Халифалик давлатини барпо этиш сари кетаётганидан далолат қилади. Бу эса Ҳизб ут-Таҳрирнинг шу пайтгача ўз даъватида муваффақият қозонганидан дарак беради. Ҳизб худди кечаги кунда Аллоҳ Ўз Росули ﷺ га нусратини тўла қилганидек, бугун ҳам унга нусрат бериш орқали ўз ёрдамини тўла қилишини кутиб турибди. Албатта Аллоҳ бунга қодирдир.

**– Ҳозирда, Ислом Умматини унинг аянчли ҳаётидан, мусулмон бўлмаганларни эса кофир ва ғарбнинг бузуқ капиталистик мафкураси бўйинтуруғидан чиқаришда ягона умид ҳисобланаётган Ҳизб ут-Таҳрир қандай ҳизб?!**

Ҳизб Уммат бошдан кечираётган инқироз ғарб мафкурасининг кириб келиши ва унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларининг тарқалиши натижасида жуда мураккаб тус олганини, бу эса Умматни ўзлиги ва шахсиятини йўқотишига олиб келганини, ирода ва ҳокимиятда ғарбга бўйсунушига мажбур қилганини ҳамда Исломдан узоқ ҳолда бошқарилишини осонлаштирганини англаб етди... Ҳизб ғарбнинг қандай қилиб мусулмон юртларини бир қанча давлатларга бўлиб, уларнинг ҳар бири учун Уммат ақидасига зид бўлган илмоний конституциялар тузиб берганини ҳам англаб етди... Шунингдек, Ҳизб, ғарбнинг мусулмонлар устига қандай қилиб бузуқ ҳукмдорларни тайинлаганини ҳамда улар орқали Уммат бойликларини талон-тарож қилиш, уларнинг таъсиридан қутулмоқчи бўлган ҳар қандай холис ҳаракатни бостириш ва олдини олиш учун бу ҳукмдорларни қўриқчи қилиб қўйганини, натижада улар кофирлар қўлидаги заҳарли ханжарга айланганини ҳам англаб етди. Бундан ташқари, ғарб ўзининг заҳарли мафкураси орқали Уммат мафкурасига таъсир ўтказиш ҳамда Умматни ўзининг соф асл мафкурасига қайтишига йўл қўймаслик

учун қандай қилиб фикрий малайлар армиясини яратганини ҳам тушуниб етди. Ҳа, Ҳизб яна шунини ҳам тушуниб етдики, Ғарб динни ибодат ва ахлоққа чеклашга асосланган ўз мафкурасининг манфаати йўлида мусулмонларни тўғри тушунчадан чалғитишга қаратилган диний таълим программасини қабул қилдиришга ҳам муваффақ бўлиб, шариат талабаларини Ғарб тушунчаси асосида ўзлаштирган уламоларни етиштириб чиқарди.

Ҳизб мусулмонлар яшаётган турмуш тарзи тўлалигича Ғарб турмуш тарзига яқинлашиб қолганини, Ғарбнинг мусулмон юртларида миллатчилик, ватанпарварлик ва илмонийлик билан сингдирилган партияларни пайдо қилганини кўрди... Шунингдек, Ғарб мафкурасига содиқ ҳамда қиёмат куни ҳеч қандай фойда келтирмайдиган мансаб, унвон ва манфаатлар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам Умматга қарши курашишга тайёр армия зобитларидан иборат куч-қудрат аҳлини ҳукмдорлар қўлига топширганини ҳам кўрди... Ҳизб бугунги сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ахборот ва фикрий воқеликнинг пухта ўйланган ҳолда, Ғарбга чамбарчас боғлаб қўйилганини кўргач, ўзининг фаолияти қуйидагича бўлиши кераклигини тушунди. Яъни Умматни ўз динига тўғри йўл билан қайтаришга қаратилган фаолият Аллоҳ Таолонинг

﴿فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

**«Бас, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди, Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир»** [Бақара 256]

деган ояти каримасига ёндашган ҳолда, Умматни тоғут Ғарбдан юз ўгиришга даъват қилишдан ҳамда уни мазкур боғлиқликлардан озод қилишга фаолият қилишдан иборат бўлиши керак. Шунинг учун унинг исми Ҳизб ут-Тахрир (озодлик партиyasi) деб номланиб, ўз жисмига монанд бўлди. Ҳизб Ғарб мафкурасидан умуман таъсирланмаган соф исломий сақофатни табанний қилди. Зеро, Ғарб мафкураси тузоғига тушиб қолишдан фақатгина бир нечта исломий муфаккирлар қутулиб қолди. Жамоат ва ҳизбларга келсак, улардан ҳеч бири қутулолмади. Ҳизб ўз сақофатини шундай асосга қурдики, Ислом ақидасини ҳаёт ғоялари қуриладиган ва ечимлар балқиб чиқадиган асосга айлантди. Бундай ёндашув Ислом мафкурасининг Ғарб мафкураси билан яқинлашишига ҳамда Ислом ҳазорати билан Ғарб ҳазоратининг ўзаро таъсирланишига ўрин қолдирмайди. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам бир-бирига қарама-



қаршиликка асосланган... Ҳизбнинг бу ёндашуви Ғарбнинг мусулмонлар устидан ҳукмронлик қилиш ҳамда фикрий ва сиёсий мустамлака қилиш жараёнини осонлаштириш учун «Ислом Ғарб мафкурасига тўғри келади», деган даъво билан олиб бораётган фирибгарлик уринишларини тўхтатди. Шу нуқтаи назардан, Ҳизб демократия, умумий эркинликлар ҳамда суверенитет-хўжайинлик ва ҳокимият тушунчаларини муҳокама қилиб, илмоний мафкура, илмоний тузум ва илмоний конституцияни бутун тафсилоти билан пучга чиқарди... Токи, мусулмонлар ўз динларини билганларидек, уларнинг устидан мажбуран ўрнатилган куйдан ҳам хабардор бўлсинлар. Токи, Ғарбнинг ҳаёт ҳақидаги фикр ва тушунчалари мусулмонлар ҳаёти, фикрлари ва қалбларидан суғуриб ташлансин. Демак, Ҳизб сақофатининг характери ўзгартириш характери бўлиб, бирор нарсада воқелик билан келишмайди.

Ҳизб ут-Таҳрир асосланган ва ўз фаолиятининг руҳига айлантирган сақофатни Ҳизбнинг ўз олдига қўйган мақсади белгилайди. Яъни Ҳизб ўз фаолиятида илм ва амал жиҳатидан лозим бўладиган шаръий аҳком ва фикрларни табанний қилди. Ҳизб буларни ижтиҳод йўли билан табанний қилган бўлиб, уларнинг аксарини Ҳизб асосчиси мужтаҳид олим, қози Тақийюддин Набаҳоний (роҳимаҳуллоҳ) истинбот қилган. Шунинг учун Ҳизбнинг сақофати Халифалик давлатини барпо қилишга қаратилган кенг қамровли мустаҳкам сақофат бўлди. Балки бу ерда тилга олинадиган энг муҳим нарса Ҳизбнинг ваъда қилинган Халифалик давлати дастури лойиҳасини тайёрлаганлиги бўлса керак. Ҳизбнинг сақофати ўз аъзолари учун одамларга етакчилик қилишда зарур бўладиган даъват сақофати ҳамда давлатни шу сақофатдан зиё олган ҳолда ҳаракатлантирадиган давлат сақофати бўлди. Демак, Ҳизб чуқур тафаккур йўли билан шаклланган ягона жамоатдир. Ушбу чуқур тафаккур йўли Ҳизбни Уммат муаммосини тиниқ тушунишга, уйғониш ва ўзгартириш ҳақиқатини англашга, Пайғамбаримиз ﷺнинг сийратини ташриий ва амалий жиҳатдан тушуниб етишга ҳамда юртларимиздаги ҳукмрон режимлар моҳиятини, жамият воқелигини, давлат маъносини ва ҳокимият воқелигини билишга олиб келди.

Ҳизб Росулulloҳ ﷺнинг Мадинада Ислом давлатини барпо этиш учун Маккада тутган тариқатларини табанний қилиб, қадамма-қадам шу тариқатга эргашди. Росулulloҳ ﷺ амалга оширган ва улар орқали исломий давлатни барпо қилган (масалан,

**марказлашган сақофат, жамойй сақофат, фикрий ва сиёсий кураш** каби) ишларни қилди. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ босиб ўтган босқичларни босиб ўтди. Уларнинг биринчиси (**сақофат бериш босқичи**). Бу босқичда Ҳизб ақллари ва нафслари мафкура билан тўйдирилган мўминларни етиштириб чиқарди. Токи, улар кейинчалик ёлғончига чиқариш, қийноққа солиш, қувғин остига олиш, ташвиқот қилиш ва ўлдириш кабиларга сабр қилган ҳолда ҳаракат қилсинлар. Кейингиси **тафоул (таъсир ўтказиш)** босқичи. Бу босқич хато фикр ва нотўғри тушунчаларга қарши ошкора кураш олиб бориладиган босқич бўлиб, Ҳизб унда ўзи қабул қилган тушунча ва ғоялар Уммат томонидан қабул қилинишини мақсад қилади. Маълумки, Росулulloҳ ﷺ бу босқичда ўз фаолиятларига куч-қудрат ва ҳимоя аҳлидан нусрат талаб қилишни ҳам қўшганлар. Аллоҳ Таоло ул зотга узоқ қийинчилик ва сабрдан кейин нусрат аҳлини муҳайё қилиб берди. Ва ниҳоят Пайғамбар ﷺ га Аллоҳ Таоло буюрганидек, нусрат-ёрдам берган куч-қудрат аҳли учун бу дунёда на насиба ва на обрў-эътибор келтирмайдиган, балки холис Аллоҳ учун бўлган соф-тоза нусрат келди. Росулulloҳ ﷺ куч-қудрат аҳлига нусрат берганликлари эвазига фақат жаннатни ваъда қилганлар. Учинчиси, **ҳоқимиятни қўлга олиш** босқичи эса, нусрат аҳлининг ҳоқимиятни қўлга олиб, Ҳизбга топширишдан иборат ўзларининг шаръий бурчларини адо этиши билан боғлиқ босқичдир. Токи, Ҳизб рошид Халифаликни барпо этиш орқали Аллоҳнинг одил бошқарувини барпо этсин... Куч-қудрат аҳлининг вазифаси ҳарбий бўлиб, даъватга ёрдам бериш ва уни ҳимоя қилишдан иборат. Даъват аҳлининг вазифаси эса сиёсий бўлиб, бу нарса бошқарув ва Халифалик давлатини барпо этиш орқали Уммат ишларини Ислом билан бошқаришда кўринади)...

Ҳизб, шунингдек, ўзининг аъзолари келажакда Халифалик давлатининг арбоблари бўлиши учун уларни шу вазифани бажаришга тайёрлаш тариқатини табанний қилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ҳизбнинг ҳар бир аъзосини Ҳизбга қўшилишга ундаган нарса унинг Аллоҳга бўлган чуқур иймони ҳамда ундаги Исломнинг айрим жузъиётлари билан машғул бўлиш ёки унинг айримларини қоим қилишга эмас, балки тўлалигича барпо этишга бўлган интилишдир... Дарҳақиқат, Ҳизб аъзоларининг даъватни ошкора олиб бориб, даъватда худди Росулulloҳ ﷺ очиқ ва ҳужумкор руҳда юрганларидек юришлари уларни Росулulloҳ ﷺ ва

у кишининг саҳобалари Маккада йўлиққан азоб-уқубатларга дучор қилди. Ҳизб аъзоларининг бу азоб-уқубатларга сабр қилишга ундаган нарса, авваламбор, Аллоҳга бўлган холис иймонлари ва жамойй фаолият натижасида пайдо бўлган иймоний муҳитдир. Демак, кимда-ким бу даъватнинг қийинчиликларини ҳамда ундаги умид ва вақтнинг узунлигини англаб етса, ундан одатда омма орасида учрамайдиган чуқур нафас олиб, ҳаракат қилиш талаб қилинаётганини тушунади. Одамлар Ҳизб фикрларини умумий шаклда олиш билан кифояланадилар. Ҳизбга эса Росулulloҳ ﷺнинг ҳамда Маккада ул зот билан бирга бўлган биринчи саҳобаларнинг йўлидан юришга рози бўлганларгина аъзо бўлади. Зеро, ушбу биринчи саҳобаларни бирлаштирган нарса насл-насаб ҳам, ирқ ҳам, ижтимоий мартаба ҳам бўлмаган.

Шундай қилиб, ушбу мўмин гуруҳ оқибат қандай бўлишидан қатъий назар, фақатгина Аллоҳга итоат қилишни ҳамда ҳадисда келганидек, қабилалардан ажралиб қолган бўлишни танлади. Бу қабилалардан ажралиб қолган кишилар Халифалик давлатини барпо этиш ва бу ишнинг машаққатларига сабр қилишдан иборат Аллоҳ Таолонинг амрини бажариш йўлида бир тану бир жон бўлдилар. Ҳизбнинг ибрат олиш масаласидаги йўли мана шундай бўлди. Бошқа жамоат ва гуруҳларда буни умуман кўрмаймиз. Шу боис, биз тўлиқ ишонч билан шунга айта оламизки, Уммат орасида ўзининг узун даъвати давомида Аллоҳни ёрдами билан бу ишни мукамал барпо этишга ўзини тайёрлаган Ҳизб бор. Уммат Ҳизб ва унинг фаолиятининг нақадар муҳим эканини англамоғи даркор. Уммат фарзандлари орасидаги куч-қудрат ва нусрат аҳли Ҳизбнинг даъватига нусрат-ёрдам бериши ва Ҳизб уларни излаганидек улар Ҳизбни излашлари керак. Чунки Халифаликни барпо этиш учун фаолият қилиш барчага фарз бўлиб, барча мусулмонлар у билан шуғулланишлари лозим. Куч-қудрат аҳлидан бўлган ҳар қандай шахс унга ёрдам беришга шошилмаса, гуноҳкор бўлади.

Ҳизб ут-Таҳрир Халифаликда гавдаланган Ислому тузумини барпо этишга даъват қилар экан, у одамларни Қуръон ва Суннат билан ҳукм юритишга, мусулмон юртларини битта давлат, яъни Халифалик давлатида яна қайта бирлаштиришга ҳамда ораларида ҳеч қандай фарқ бўлмайдиган мусулмон биродарликка чақирмоқда. Ҳизб одамларни ўз устларидан кофирларнинг ҳукмрон бўлишларига йўл бермасликка, жиҳодни тириштиришга, юрт ва қалбларни фатҳ этишга, одамларни Аллоҳнинг динига тўп-

тўп қилиб киритишга ҳамда миллатчилик, ирқчилик ва мазҳабпарастлик каби Исломда парчалашга буюрилган ва Росулulloҳ ﷺ оёқлари остига улоқтирган жоҳилият даъволарини рад этишга чақирмоқда. Шу билан бирга, яхлит исломий уммат тушунчасини тирилтиришга, ўзгартиришни амалга ошириш учун ягона сиёсий етакчиликни пайдо қилишга, Умматнинг исломий ўзлигини қайтаришга, кофирларнинг думини қирқиб, уларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини воқелигимиздан чиқариб ташлашга чақирмоқда.

Ҳизб ут-Таҳрир мана шундай тушунчага эга бўлиб, Росулulloҳ ﷺнинг ўзгартиришдаги сийратига қаттиқ амал қилади. Шу боис, унинг фаолияти Умматни жонлантириш ва динни янгилашдан иборат бўлди. Қилаётган даъватини ахлоққа, фазилатли амалларга, бидъатларга қарши курашишга, жанг қилишга ва камбағалларга ёрдам беришга қаратмади. Аксинча, унинг даъвати кенг қамровли бўлиб, тўла Исломга чақирибдан иборат бўлди. Дарҳақиқат, Ҳизб мабдаий гуруҳ бўлиб, унинг лойиҳаси глобалдир. Унинг бу лойиҳаси Халифалик орқали мусулмонларнинг бирлигини қайта тикловчи глобал давлатни барпо этишга қаратилган. Шунга кўра, Аллоҳ Таолодан Росулulloҳ ﷺнинг Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифалик ҳақидаги башоратларини бизнинг замонамизда ва бизнинг даъватимиз орқали рўёбга чиқаришини сўраб қоламиз.

Ёлғиз Исломгина ҳақдир, ёлғиз Халифаликкина ечимга эгадир ва ёлғиз Ҳизб ут-Таҳриргина Халифаликни барпо қилишга ҳаракат қилмоқда. Ҳизб ҳокимиятга етиб бормас экан ҳамда Аллоҳ буюрган бошқарув инсониятга етакчилик қилмас экан, инсоният бошига тушаётган бугунги фожиалар тасаввур қилиб бўлмас даражага етади. Одамлар ҳамон Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларининг фожиаларини унутганлари йўқ. Агар бугун ўша фожиалар такрорланса, аввалгилардан ҳам даҳшатли бўлади. Чунки ҳозирда қуроллар ривожланиб, янада қирғинбарот ҳолатга келган... Америка, Европа ва Россия каби Ғарб давлатлари ҳамда уларга эргашши кутилаётган Хитой ва Ҳиндистон давлатлари бири-бирига дўзах эшикларини очишга киришдилар. Шоядки, Аллоҳ Таоло уларни биздан қайтариб, мусулмонлардан чалғитса ҳамда уларни бир-бирлари билан ҳалок этиб, Ўзининг нусрат ваъдасини биз учун рўёбга чиқариб берса.

Дарҳақиқат, Ҳизб ва унинг аъзолари Аллоҳнинг ваъдасига жуда ҳам яқин бўлган умидли даврда яшашмоқда. Аллоҳнинг ваъдаси шу даражада яқинлашиб қолдики, Ҳизб ва унинг аъзолари унинг аломатлари борган сари кўриниб бораётганини, ҳатто қўл чўзса етадиган масофа қолганини, Аллоҳ белгилаб қўйган вақт кириб келганини ҳис қилмоқдалар. Шунинг учун биз Аллоҳнинг ушбу даъватга нусрат беришидан – айниқса, шу пайтга қадар уни ёрдамсиз ташлаб қўймаган экан – хотиржаммиз. Аллоҳ Таоло бутун дунёдаги вазиятни Исломиё Халифалик давлатига муҳтож қилиб қўйгани етарли эмасми?

### **Эй мусулмонлар!**

Ўз динингизнинг дунёни бошқаришга ҳақли эканига ишончингиз кучли ва букилмас бўлсин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَحُكْمَ الْجَهْلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

**«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!»** [Моида 50]

Аллоҳнинг нусрат ҳақидаги ваъдасига бўлган иймонингиз Росулulloҳнинг Бухорий ривоят қилган ҳадисидаги қасамидан келиб чиқсин:

﴿وَاللَّهِ لَيُبَيِّنَنَّ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّىٰ يَسِيرَ الرَّاكِبُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَىٰ حَضْرَمَوْتَ لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ أَوْ الذِّئْبَ عَلَىٰ غَنَمِهِ﴾

«Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошиляпсизлар».

### **Эй мусулмонлар!**

Албатта Халифалик лойиҳаси буюк сиёсий лойиҳа бўлиб, у Ҳизб ут-Таҳрирнинг лойиҳасидир. Ҳизб у орқали сиёсат, бошқарув низоми, халқаро алоқалар, уруш ва тинчлик, ишларни идора қилиш, фуқаро турмуш тарзи каби ҳаётнинг барча соҳаларида бутун ер юзини ўзгартиришга тайёрланмоқда... Зеро, Халифалик орқали яқинда олам ўзгариб, Ислום аҳкомлари яна ҳаётга қайтади. □

## РАМАЗОН ТАҚВО ВА УЙҒОНИШ ОЙИДИР

Шаъбон Муаллим

### Ҳизб ут-Таҳрирнинг Кениядаги матбуот вакили

Аллоҳ Исломи Умматга саноқсиз баракот инъом этган бўлиб, уларнинг энг асосийси муборак рамазон ойидир. Ушбу ой мобайнида бутун олам Аллоҳнинг раҳмати ва баракотига бурканади, мусулмонлар барча фикрларини ва жисмоний энергияларини моддий жиҳатга эмас, руҳий жиҳатга қаратишга ҳаракат қиладилар. Лекин асосий диққатни раҳматга қаратиш ва фидокорлик бугунги кунда камдан-кам учрамоқда. Бу бутун ҳаётимизни эгаллаб олган ва бизни жисмоний истакларга таслим бўлишга мажбур қилган ҳамда руҳий маҳрумликка фарқ қилган материализм тўлқини оқибатидир. Афсуски, ҳозирги постмодерн жамиятда биз қилмишларимизнинг оқибати бор деган ҳақиқатдан, шунингдек, мавжуд эркинликлардан фойдаланаётган эканмиз, бир вақтнинг ўзида бошқалар олдида ҳам жавобгарлик мавжуд, деган ҳақиқатдан кўз юмадиган бўлиб қолдик.

Мусулмонлар, Аллоҳ Субҳанаҳу

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ﴾

**«Сизлар одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз: маъруфга буюрасиз, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз»** [Оли Имрон 110]

деганидек, ҳақиқатда инсонлар учун чиқарилган энг яхши умматдирлар. Рамазон ойи мобайнида тутилган рўза жамиятга мансублик, бирлик ва Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло олдида тенглик даражасини олиб келади. Рўза бутун жамиятни қамраб олади, бинобарин, мусулмонлар руҳиятини мустаҳкамлайди ва битта фарзни, бир вақтда ва бир хил тариқада адо этишлари билан ўзаро алоқаларини кучайтиради. Ҳа, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло рўзани фақат тақвога эришиш мақсади билан боғлади. Бу ҳақда Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло бундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ

تَتَّقُونَ﴾

**«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутуш фарз қилинди»** [Бақара 183]

Бироқ бугун ҳаётимизни бошқараётган тузум бутунлай тақводан холи! Афсуски, ушбу тақво ойида кўпчилик мусулмонлар бекорчи гаплар билан вақтларини беҳуда ўтказиб, шундай буюк имкониятни қўлдан бой беряптилар. Чунки илмоний либералистик оммавий ахборот воситалари хонадонларимизга нолойиқ ва зарарли фильмларни олиб кириш билан бизни тақводан маҳрум қилмоқда. Муслималарнинг вақтлари ошхоналарга чекланиб қолиб, ифторга ҳозирлик кўриш билан ўтказилмоқда! Ҳатто Рамазон кетидан Рамазон ўтпти-ю, аммо одамлар ундан Роббиларига хато ва камчиликларини тузатган ҳолда йўлиқиш учун фойдаланмаяптилар!

Устимиздаги «мусулмон етакчилар» рўзага емоқ ва ичмоқдан тийилиш, деб баҳо беришяпти-ю, бироқ ўз юртларида ўзлари қирғин содир этишдан тийилишмаяпти! Улар рўзани ифторликларга чеклаб қўйиб, тақво билан жамият ўртасини боғлашмаяпти! Чунки амал қилмоғимиз лозим бўлган одоблардан бири, бу – ҳаётнинг барча соҳасида тақво қилишдир. Қачон жамият муносабатларида тақво топилса, бутун дунёни раҳмат қамраб олади. Чунки ҳар бир инсоннинг изтироби, қолақлиги ва бахтсизликлари тақвога амал қилмаслик оқибатидир. Зеро, Ислом абадий дин бўлиб, қиёматгача ўзининг таълимотлари билан мангу қолади. Диннинг таълимотларига мувофиқ яшаётган кишилар ҳеч қачон тақво йўлидан чиқмайдилар. Дин уларнинг асосий муршиди бўлиб қолаверади.

﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَصْلِحُوا ذَاتَ بَيْنِكُمْ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

**«Бас, Аллоҳдан қўрқингиз-тақво қилингиз ва ўз ораларингизни ўнгангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳ ва Росулига итоат қилингиз!»** [Анфол 1]

Агар жамиятда тақво ҳукм сурса, жамият тақво устига қурилса, жамиятдаги муносабатлар тақвога асосланса ва жамият тақво либосига бурканса..., ана шунда мустаҳкам ва ўз эркига эга жамиятга айланган бўлади. Аммо одамлар амал қилишлари керак бўлган жамият тақвоси нима ўзи?

Рамазон, бу – одамлар учун ҳидоят ва Қуръон ойдидир

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ﴾

**«Рамазон ойдирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратгучи)нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган»** [Бақара 185]

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Қуръони Карим қандай нозил бўлган бўлса ўшандай ҳолда оламнинг ҳар ерида ёдланган-сақланган ҳолда турибди ва бу солиҳлар учун бир ҳидоятдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ бутун оламга раҳмат бўлиб юборилганларидек, Қуръони Карим ҳам бутун инсониятни ҳидоятга бошловчи Китоб сифатида нозил бўлди. Бу Китобда инсоният турмушининг ҳар бир қирраси ёритиб берилди. У ҳар бир кунимиз учун далилдир. Қуръон ўзгартирилишдан мустаҳкам сақлангани каби, унинг шариат ва кўрсатмалари ҳам минтақалари ва қабилаларидан қатъий назар бутун башариятга мос келади. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

**«(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик»** [Анбиё 107]

Саҳобаларнинг Қуръон нозил бўлган чоғдаги ҳаётларига қарасак, шунга гувоҳ бўламизки, улар вақтларини фақат Қуръонни ёдлаш билан ўтказмадилар, балки ўз тафаккур тариқати ва хатти-ҳаракатлари йўналишини ўзгартирдилар, вақт ўтиши билан жамиятни бутунича ўзгартiriш орқали атрофларидаги воқеликни ҳам ўзгартирдилар.

Кейин халифалар замонида мусулмонлар ҳар бир ҳукмнинг Қуръон ва Суннатдан олинганига ишонч ҳосил қилиш билан адолат, фаровонлик ва куч-қудратга эга бўлдилар. Шунинг учун ҳам Халифалик соясида келишмовчиликлар одамларнинг хоҳиш-истаклари билан эмас, Қуръон ва Суннат билан ҳал қилинар ва ҳукм чиқарилар эди. Бунинг акси ўлароқ, бугунги кунда биз ишларимиз устидан БМТнинг хоҳиш-истаклари бўйича ҳукм чиқаряпмиз, орамизни илмоний судьялар ажрим қилмоқда. Қонунларимиз Қуръон ва Суннатдан эмас, балки конгресс ва парламент каби қонун тузувчи ҳайъатлар томонидан ишлаб чиқилипти! Халифалик замонида эса, мусулмонлар иқтисод низоми сифатида капитализмга таянмаганлар. Балки 1300 йил мобайнида Исломдаги иқтисод низомига амал қилганлар. Ички ва ташқи сиёсат ҳам Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло нозил қилган аҳкомларга мувофиқ олиб борилган. Шунинг учун барча мусулмон



юртлари демократиядаги каби алоҳида миллий давлат ҳисобланмай, барчасига битта давлат сифатида қаралган.

Аслида, Рамазон ҳаммага яхшилик олиб келиши керак. Аммо Умматнинг вазияти, айниқса, мусулмон юртларидаги аҳволи аянчли. Мьянма, Сурия, Фаластин, Яман каби юртларимиздаги мусулмонлар узоқ вақтдан бери ҳамон репрессияда қолмоқдалар. Табиийки, бу аламлар Қуръонни ҳаётларининг барча соҳасида татбиқ этмаслик оқибатида келиб чиқмоқда. Бутун Ислом Умматининг шундай қайғуга тўла бир лаҳзасида Рамазон бизга адолат ва тинчликни таъминлашга ҳаракат қилишда ҳамда эътиқоди ва келиб чиқишидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг қадр-қимматини сақлашга интилишда муштарак мажбуриятларимизни эслатмоқда.

Мусулмонларнинг олдинги аждодлари кофирлар устидан ғалаба қозониш учун Рамазон неъматидан фойдаланганлар. Росули акрам ﷺнинг етакчилигида мусулмонлар Бадр жангида нусратга эришдилар, ҳолбуки, Ислом давлати қўшини кичик, тайёргарлиги оз, қурол-аслаҳалари оддий, қаршиларидаги душман эса уч баробар кўп, кучли ва моҳир эди. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ بِبَدْرٍ وَأَنْتُمْ أَذِلَّةٌ فَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

**«Ахир, Аллоҳ Бадр жангида кучсиз бўлсангиз-да, сизларни ғолиб қилди-ку. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз! Шунда шояд (унинг неъматларига) шукр қилгайсиз»** [Оли Имрон 123]

Набий ﷺнинг давлати Маккани фатҳ этди ва ниҳоят Макка Ислом ҳокимиятига бўйсунди. Бу билан раҳбарларнинг бировларга туғён қилишларига яқун ясалди ҳамда Ислом давлатининг майдонлари кенгайиб, бутун оламга чўзилишига йўл очди. Макка фатҳи ортидан Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло бундай дейди:

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ﴿١﴾ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ﴿٢﴾﴾

**«(Эй Муҳаммад), қачон Аллоҳнинг нусрати ва фатҳи келса ва одамлар тўп-тўп бўлиб, Аллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрсангиз, (дарҳол Роббингизга ҳамд айтинг)»** [Наср 1-2]

Халифалик даврида ҳам мусулмонлар Рамазон ойида кучли душманларга йўлиқиб, катта ғалабаларни қўлга киритдилар. Улар Шомдан босқинчи салибчиларни – гарчи баъзи минтақаларда бир

асрдан зиёд вақт ўрнашиб олишганига қарамай – қувиб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Айн Жолутда ваҳший мўғулларни – гарчи улар илгари муслмонларнинг аянчли вайронагарчилигига сабаб бўлишганига қарамай – мағлубиятга учратдилар. Шу боис, бу ой Халифалик давлатини барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун ҳаракат қилишга туртки бўлмоғи даркор.

Дарҳақиқат биз бугунги кунда динга шахсий масала деб қарайдиган либерал илмоний жамиятда яшаймиз. Шунинг учун рамазон бизга Ислом ҳаётни барча қиррасини ўз ичига олган дин эканини англамоғи даркор. Қолаверса, биздан Исломни ҳаётнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва барча соҳасида тўлиқ татбиқ қилиш талаб қилинади.

Ислом Уммати шуни тушунмоғи лозимки, то Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги Халифаликдан иборат фарзларнинг тожи қоим қилиниб, дунёнинг биринчи давлати қайтарилмагунча бугунги кундаги азоб-уқубатлар асло тугамайди.

Аллоҳим, бизга рўзадан кўзланган мақсадга, яъни Ўзинг зикр қилган тақвога етишимиз учун куч бер. Зеро, тақво муслмонга Аллоҳнинг амрини адо этишни юкловчи энг олий мартабадир. □

| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ   | قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾<br>«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------------|
| <b>Рим папаси гомосексуализм ва гуноҳ ҳақидаги баёнотларига аниқлик киритди</b>   |  |                                   |
| <p>Рим папаси Франциск ўз блогида гомосексуализм «жиноят эмас»лигини яна бир бор тасдиқлади. У ўз баёнотини «гомосексуализмни жиноятга чиқариш яхши ҳам, адолатли ҳам эмаслигини таъкидлаш мақсадида» гапирганини билдирди. Франциск испан тилида бундай ёзади: «Мен буни гуноҳ деганимда, шунчаки католик ахлоқий таълимотларини назарда тутган эдим. Чунки унда никоҳдан ташқари ҳар қандай жинсий алоқа гуноҳдир». У охириги иборани таъкидлар экан, пасторлик хизматида ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашишига ишора қилди. Ҳатто бу таълимотлар ҳам «хатоларни камайтириши ёки йўқ қилиши мумкин бўлган» вазиятларни ҳисобга олишини таъкидлади. Маълумки, Франциск бу ҳақда илк бор 24 январ куни «Associated Press» нашрига берган интервьюсида гапирган эди. Ўшанда гомосексуализмни жинойий жавобгарликка тортадиган қонунлар «адолатсиз» эканлигини билдириб, «Гей бўлиш жиноят эмас», деганди. Рим папасининг гомосексуализмни декриминаллаштириш (жиноятдан чиқариб ташлаш)га чақирган сўзлари ЛГБТ тарафдорлари томонидан ушбу жамиятга нисбатан таъқиб ва зўравонликни тугатишга ёрдам берадиган муҳим қадам сифатида баҳоланди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Модомики, Рим папасининг ўзи гомосексуализмга рухсат бериш ёки тақиқлашда «шароитларни ҳисобга олаётган» ва «босимларга асосланаётган» экан, демак, улар учун ҳалол нарсани ҳаромга, ҳаром нарсани ҳалолга айлантиришдан осон иш йўқ. Уларнинг эътиқодига кўра, Масиҳнинг ўлдирилишида яҳудийларни оқлаш осон эмас эди. Аммо черков буни ҳам амалда оқлади!</p> |  |                                   |
| <b>Саудия (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш эвазига АҚШдан кафолат талаб қилмоқда</b>  |  |                                   |
| <p>Нью-Йорк Таймс газетасидаги бир мақолада айтилишича, Саудия босқинчи (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш эвазига бир қанча шартлар қўйган. Бу шартлар ядровий энергетика лойиҳасини қуришда ўзининг қўллаб-қувватланишини, АҚШ президенти Жо Байдендан хавфсизлик кафолатларини олишни, Қўшма Штатлардан қурол сотиб олиши тўғрисидаги битимлардан чекловларни камайтиришни ўз ичига</p>  |  |                                   |

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ  | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»<br>«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва қамситмайди» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|--|--|-----------------------------|
| <p>олади. Газетанинг таъкидлашича, агар Саудия билан (Исроил) ўртасида ўзаро муносабатларни нормаллаштириш бўйича келишувга эришилса, бу Яқин Шарқ минтақасида энг катта силжиш ва у ердаги кучларнинг уйғунлашуви бўлади. «The Wall Street Journal» ўз манбасига таяниб, бу борадаги ҳар қандай келишув Яқин Шарқдаги сиёсий саҳнани ўзгартириб юборишини айтди. Бундан фарқли ўлароқ, (Исроил) расмийлари Саудиянинг музокаралар доирасида энди Фаластин масаласида жиддий ён беришга интилмаётганини айтишди. Газета эса бундай қўшимча қилади: Америка ва (Исроил)дан иборат икки нафар делегация ўтган йил охирида Риёзга боришган ҳамда улар саудияликларнинг Фаластин масаласини ўта муҳим деб ҳисобламасликлари ҳақида гапиришган.</p> <p>Газетада айтилишича, Саудия (Исроил) билан дипломатик муносабатлар ўрнатса, ички хавф-хатарга ҳам юз тутати. Масалан, 2022 йилги сўровларга кўра, атиги 5 фоиз фуқаро муносабатларни нормаллаштиришни қўллаб-қувватлаган. Газетанинг хулоса қилишича, икки давлат ўртасида расмий алоқалар бўлмаса ҳам, Риёз ва Тель-Авив сўнги пайтларда иқтисодий, хавфсизлик ва дипломатик алоқаларни чуқурлаштирган. У яна шуни таъкидлайдики, кўплаб (исроилликлар) Саудияга кириш визасини олишга муваффақ бўлган. Шунингдек, ўтган октябр ойида Саудияда бўлиб ўтган иқтисодий конференцияда (исроиллик) йирик ишбилармонлар нутқ сўзлаган.</p> |  |                             |
| <p><b>Рим папаси руҳонийларнинг турмуш қуришига рухсат бериш масаласини кўриб чиқмоқда... Аммо бу билан жинсий зўравонлик муаммосини камайтириш мумкинми?</b></p> <p>Оммавий ахборот воситаларига кўра, Рим папаси католик черкови руҳонийларига турмуш қуришга рухсат бериш масаласини кўриб чиқмоқда. Бу болалар ва аёлларнинг руҳонийлар томонидан жинсий зўравонликка учраши билан боғлиқ можаролар ортидан бўлиб ўтмоқда. (Франция охириги 70 йил ичида руҳонийлар томонидан амалга оширилган жинсий зўравонлик ва тегажоғлик қурбонлари сонини 216 мингдан ортиқ деб ҳисоблаган). Бу Ғарбда насроний руҳонийларига қўйилган қонунларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисида кенг мунозараларга сабаб бўлди. Британиянинг «The Times» газетасига кўра, Рим папасининг Рим</p>  |  |                             |

| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ   | قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾<br>«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------------|
| <p>черкови қоидаларини очиши никоҳ тақиқларини «вақтинчалик» деб таърифлаганидан кейин содир бўлган... Папа «Рухонийнинг турмуш қуриши ва черков хизмати ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ»лигини таъкидлаб, Рим католик черковида турмуш қурмаслик «вақтинчалик рецепт» эканини қўшимча қилган.</p>  |  |                                   |
| <p>Папанинг сўзларига кўра, «Турмуш қурмаслик руҳонийнинг тайинланиши каби абадий эмас. Чунки биринчи тартиб-интизом, иккинчи абадийдир». 2019 йилда Рим папаси турмуш қурмасликни черковга совға деб таърифлаган. Кейинги йили у Амазондаги руҳонийларнинг кескин етишмаслигини қоплаш учун турмуш қурган етук эркакларни муқаддаслаш ҳақидаги чақириқларни рад этди. Бир неча кун олдин голландиялик бир журналистнинг китобида фаш қилинишича, собиқ Рим папаси Иоанн Павел иккинчи 1978 йилда олий понтифик бўлиб сайланишидан олдин Польшадаги католик черковида болаларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳолатларини яширган.</p> |  |                                   |
| <p><b>Ал-Ваъй:</b> ўқувчи, қайси динда бўлишидан қатъий назар, бир тасаввур қилиб кўрсин, қандай қилиб черков руҳонийларга (ўнлаб йиллар давом этадиган) вақтинчалик қонунни чиқаради-ю, кейин инсон табиатига мос келмайди, деган босим остида уни бекор қилади?!... Бир тасаввур қилсин-а, черков бир қонунга итоат этишга мажбурлаб, кейин уни бекор қилар экан, аслида бу билан ўзини ўзи бекор қилмоқда ҳамда дини черков томонидан бузилганини ва ўзининг ҳали ҳам бузишда давом этаётганини исботламоқда.</p>  |  |                                   |
| <p><b>Саудия «кўнгилочар марказ» фаолияти тўғрисида ташриф буюрувчилар сони ошаётганини билдирди</b></p>  |  |                                   |
| <p>Саудия расмийлари «кўнгилочар марказ» фаолияти 2019 йилдан бери 120 миллион кишини жалб қилганини маълум қилди. Саудиянинг Сабақ газетаси «кўнгилочар марказ» директорлар кенгаши раиси Туркий Оли Шайхнинг сўзларидан қуйидагича иқтибос келтирди: «Кўпчиликни уйда қолишига ҳамда оммавий тадбирлар, тантаналар ва учрашувларни бекор қилишга мажбур қилган коронавирус пандемиясига қарамай», мана шундай улкан рақамга эришилган. Газетанинг таъкидлашича, комиссия сайёҳларни жалб қилиш мақсадида мамлакатда кўплаб</p>  |  |                                   |

| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ   | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»<br>«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва қамситмайди» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------------|
| <p>тадбирларни ташкил қилиш учун хусусий сектор билан ҳамкорлик қилган. Бир қанча шаҳарларда «дунё мамлакатлари юлдузлари» иштирокида кўнгилочар тадбирлар ўтказилган. Саудиядаги «кўнгилочар марказ» бош бошқармаси 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг веб-сайтида айтилишича, ушбу марказ кўнгилочар секторни ташкил этиш ва ривожлантириш, жамиятнинг барча қатламлари учун имкониятлар яратиш ва ҳаётни бойитиш мақсадида «Saudi Vision 2030» дастури асосида ишламоқда. Охирги беш йил ичида ҳукумат мамлакатдаги кўнгилочар соҳада фаолият юритувчи 2500дан ортиқ компанияларга 2000дан ортиқ кўнгилочар тадбирлар ўтказишига лицензия берган. Франс-Пресс ахборот агентлиги хабарига кўра, Саудия чет эллик сайёҳлар учун мамлакат дарвозаларини ланг очиб қўйиб, спиртли ичимликларга рухсат бераётган Дубай ва Баҳрайн мамлакатлари билан сайёҳлик рақобатини бошлаб юборган...</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу хабардан кўриниб турибдики, Саудия ҳукмдорлари мункар иш билан фахрланиб, буни ютуқ деб билишяпти... Мана, Ибн Салмоннинг энг пок-муқаддас ерни қандай таҳқирлаётганини, мункар амалларни менсимай, ҳурматли уламоларга босим қилаётганини кўриб қўйинг. Бу охир замон аломатларидан бўлиб, бу аломатларни ўзгартириш ва харобалари узра Аллоҳнинг ҳокимиятини барпо этиш вақти келди.</p> |  |                                   |
| <p><b>Саудияда ўн нафар судьянинг «давлатга хиёнат»да айбланиб ҳибсга олинишига оид шов-шувли тафсилотлар</b></p>   |  |                                   |
| <p>Вашингтон Пост газетаси Саудия ҳукумати жиноий ишлар бўйича ихтисослашган суднинг ўн нафар судьясини «давлатга хиёнат»да айблагани ҳақидаги шов-шувли тафсилотларни ошкор қилди. Бу суд мамлакатда 2008 йилда ташкил этилган эди. У терроризм билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш, диссидентларни жазолаш ва валиаҳд шахзоданинг душманларига қарши тозалаш ишларини олиб боришга хизмат қилмоқда. Охирги суд ишида, бу ўн нафар судья (улардан олти нафари жиноят ишлари бўйича ихтисослашган суднинг собиқ юқори лавозимли судьялари, қолган тўрт нафари эса қироллик олий судининг собиқ судьяларидир) давлатга хиёнатда айбланмоқда. Маълумки, бу статья билан айбланганлар Саудияда ўлим жазоси билан жазоланади. Уларнинг жинояти шундаки, улар қамоқ жазосини беришда шафқатсиз</p>  |  |                                   |

| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ   | قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾<br>«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------------|
| <p>бўлмаганлар. Газетага кўра, уларнинг суд иши ҳақидаги бу хабар «DAWN» (араб дунёси учун ҳозирги демократия) номли ташкилот томонидан сиздирилган. Маълумки, ташкилотга 2018 йил 2 октябрда Стамбулдаги Риёз консуллигида саудиялик қотиллар гуруҳи томонидан ўлдирилган Жамол Қошиқчи асос солган.</p>   |  |                                   |
| <p>Вашингтон Пост «бу судьяларнинг қўллари бутунлай тоза бўлмаган»ини таъкидлайди. «DAWN»га кўра, бу судьялар ҳибсга олингандан сўнг ўзлари раислик қилган ишларда жуда «марҳаматли» бўлганликларини тан олишга мажбур қилинган. Бу судьялар ҳибсга олингач, валиаҳд уларнинг ўрнига ўзига содиқ одамларни тайинлаган. Натижада, сиёсий фаоллар ва ижтимоий тармоқ шарҳловчиларига берилган аввалги суд ҳукмлари қайта кўриб чиқилиб, жазо муддати сезиларли даражада оширилди. Газета шундай хулоса қилади: «Валиаҳд шаҳзода замонавийлик ҳақида жозибадор гапларни гапирса-да лекин ўзи ваҳшийлик билан ҳукм юритмоқда».</p>  |  |                                   |
| <p><b>Ал-Ваъй:</b> Ибн Салмон охиратдан олдин бу дунёда Аллоҳнинг ғазабига гирифтор бўлиши вақти келган зўравон ҳукмдорлар намунасидир. У ўзининг очиқ-ошкор қилмишлари орқали Аллоҳнинг динига ва мусулмонларга қарши курашар экан, зўравонликда бошқа ҳукмдорлардан ўтиб кетди.</p>   |  |                                   |
| <p align="center"><b>Қувайтнинг Жарида газетаси: Моҳир Асад Саудияга келиб, мамлакатнинг «нормаллаштириш» учун қўйган шартларини тинглади</b></p>   |  |                                   |
| <p>Қувайтда чиқадиган «Ал-Жарида» газетасида қуйидаги хабар нашр қилинди: «Бундан бир неча ой аввал Сурия разведкаси раиси Ҳассом Лавқо Риёзга сафар қилиб, Саудия разведкаси раҳбари Холид Ҳумайдон билан учрашган эди. Ўтган ҳафта эса Саудия Асад оиласидан бўлган бир юқори мартабали мулозимнинг сафарига гувоҳ бўлди. Баъзи маълумотлар унинг Сурия президенти укаси Моҳир Асад эканини кўрсатмоқда». Газетада яна шундай таъкидланадики, маълумотларга кўра, Моҳирнинг сафари асосан хавфсизлик характериға эга бўлган. Шунингдек, чегараларни назорат қилиш масаласи билан бир қаторда, Дамашқнинг гиёҳванд моддалар контрабандаси ва ишлаб чиқарилишиға қарши кураши зарурати билан ҳам боғлиқ бўлган. Хусусан, бу</p> |  |                                   |

| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ  | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»<br>«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|--|--|-----------------------------------|
| <p>масалаларнинг барчаси Сурия армиясининг Моҳир етакчилигидаги «Тўртинчи бўлинма»си ваколатига киради. Маълумки, бу бўлинма бутун мамлакатни, хусусан чегара ўтиш жойлари ва асосий ҳудудларни назорат қилади.</p> <p>Газетанинг қўшимча қилишича, ушбу ташриф ва ундаги шартларга риоя қилиш сиёсий муносабатларга йўл очади. Умумий ва кенгроқ нуқтаи назардан қаралганда, Саудия-Эрон келишуви ортидан ҳамда бу келишувнинг асирлар алмашинуви битими орқали Ямандаги вазиятга таъсир кўрсата бошлаганидан кейин, албатта Сурия ва Ливан воқелигида ҳам акс этиши тайин эди. Чунки Сурия билан Ливан иккиси ўзларига юкланган сиёсий таклифлар нуқтаи назаридан бир-бирига ўхшаб кетади. Бу таклифлар Ливанга нисбатан Қувайт ташаббуси бўладими ёки Саудиянинг Сурия режимига қўйган шартлари бўладими фарқи йўқ.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Минтақа масалалари бугунги кунда мана шундай қўзғатилмоқда. Бунга нисбатан на қаршилиқ ҳаракати, на мудофаа, на дин ва на қайғурувчилар бор. Аксинча, бу ерда фақат манфаат, нуфуз ва хўжайинларга малайлик мавжуд, холос. Аммо одамлар ва уларнинг масалаларига келсак, улар дин савдосидаги сариқ чақадиқлар. Зеро, Саудия ва Эрон сиёсатнинг дини бўлмайди, деб билади.</p> |  |                                   |
| <p><b>Financial Times: БМТ маблағлари Сурия режимини қандай жонлантирди?</b></p>   |  |                                   |
| <p>Британиянинг «Financial Times» газетасидаги бир мақолада ўтган ой Сурия шимолида содир бўлган даҳшатли зилзиладан сўнг БМТнинг аянчли «муваффақиятсизлиги» ёритилди. Мақола БМТнинг Дамашқ режими билан чамбарчас боғлиқ муносабатларини ҳамда режимнинг инсонпарварлик ёрдамидан ўз манфаати йўлида қандай фойдаланганини очиб беради. Сурия разведкаси раҳбарининг қизи БМТнинг фавқулодда вазиятларга қарши кураш марказининг Дамашқдаги офисига тайинланиши бунинг ёрқин далиллари билан биридир. (Ёрдам бўйича экспертларнинг сўзларига кўра, 2016 йилда сиздирилган ҳужжатлар БМТ аввал ҳам юқори мартабали режим амалдорларининг қариндошларини иш билан таъминлаганини кўрсатган). Газета зилзиладан сўнг Суриянинг муҳолафат назорати</p>  |  |                                   |



| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ   | قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾<br>«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------|
| <p>остидаги қашшоқ ҳудудларга халқаро ёрдамларнинг секин етиб бораётгани ҳақида ёзади. Газетанинг таъкидлашича, БМТ ўз ходимларининг Дамашқда жойлашган ва асосан Самир Фавзга тегишли эканлиги айтилаётган «Four Seasons» меҳмонхонасида туришлари учун миллионлаб доллар (2014 йилдан бери 81,6 миллион доллар) тўлаб келган. Ҳолбуки, АҚШ давлати бу кимсага нисбатан 2019 йилда Асад билан молиявий муносабатлари туфайли санкция эълон қилган эди. Газета Асад режимининг халқаро ёрдам агентликларини ноқулай-қиммат расмий курсдан фойдаланишга мажбурлаш орқали инсонпарварлик ёрдами учун ажратилган миллионлаб долларларни ўзлаштирганига диққатни қаратган.</p>  |  |                             |
| <p>Чунки бу нарса Суриядаги Марказий банкнинг хорижий захираларини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Газетанинг таъкидлашича, ёрдам гуруҳлари йиллар давомида зарар кўрган ҳудудларга кириш имкониятини йўқотишдан ва инсонпарварлик ёрдамлари тўхтаб қолишидан қўрқиб, режим талаблари ва босимларига риоя қилган. Газета суриялик манбалар, ёрдам ходимлари ва экспертларнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «БМТнинг Суриядаги асосий ҳамкори бўлган Сурия Араб Қизил Ярим Ой жамияти каби органлар ва ёрдам гуруҳларидан режимга алоқадор идоралар билан ҳамкорлик қилиш талаб қилинмоқда». Аммо бу жамиятнинг саъй-ҳаракатлари Суриядаги барча ёрдам дастурлари каби, турли вазирликлар ва разведка бўлимлари иштирокидаги ҳукумат қўмитаси томонидан маъқулланиши керак. Давлат хавфсизлик аппаратининг қўшимча рухсатномаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу эса ёрдам саъй-ҳаракатларини йўналтиришда режимнинг роли катта эканини кўрсатади».</p> |  |                             |
| <p>Газетанинг таъкидлашича, 12 йиллик уруш давомида БМТ каби ташкилотлар орқали миллиардлаб долларлик ёрдам тарқатилган бўлиб, режимнинг ёрдам секторини назорат қилиши «фош бўлган сир»дир. Газета ҳисоботни Яқин Шарқ институтининг штатсиз ходимаси Эмма Билзнинг қуйидаги сўзлари билан якунлайди: «Мен Дамашқнинг зилзила етказган зарардан фойдаланиб, баҳсли ҳудудлардаги уйларни бузиши ва ўзи муҳолиф деб билган шахсларнинг ерларини мусодара қилишидан хавотирдаман».</p>  |  |                             |

| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ   | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»<br>«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------------|
| <p><b>Ал-Ваъй:</b> Сурия режими АҚШ томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва юқорида айтилган нарсалар ушбу қўллаб-қувватловнинг бир жиҳати, деган сўз билан бутун мавзунини қисқача ифодалаш мумкин. Биз шуни айтаемизки, Сурияда халқаро ҳамжамият орқали ҳеч қандай ечим бўлмайди. Балки ечим маркази Шом бўлган рошид Халифаликни барпо этиш билан Аллоҳ учун холис хизмат қиладиган мусулмон сурияликлар орқали бўлади. Аллоҳдан умидимиз катта. □</p> |  |                                   |

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

АЛЛОҲ НОЗИЛ ҚИЛГАН ШАРИАТ БИЛАН ҲУКМ ЮРИТИШ: ИБОДАТ  
ҲАМДА ХАЛИФА ҚИЛИШ

﴿إِنِ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ﴾

**«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот  
сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга  
буюргандир»**

Мусулмонларнинг ҳаёти Аллоҳга ибодат қилиш, унга қуллик қилиш билан чекланмоғи даркор. Зеро, мусулмон киши ўзини Аллоҳ Таоло яратиб, унга қулоқ ва кўз неъматини берганига, уни Ўзига ибодат қилишдан ва одамларни У зотга ибодат қилишга чақирибдан бошқа мақсадда яратмаганига, шариат томонидан ишониб топширилган нарсаларни адо қиладиган Ислом давлати мавжуд бўлмаса, бу ибодат тўлиқ амалга ошмаслигига, давлатдан бошқаси буларни татбиқ қилиши жоиз эмаслигига, давлат мавжуд бўлса татбиқ қилиниб, мавжуд бўлмаса бекорга кетишига қатъий иймон билан ишонади. Зеро, Ислом дини худди ибодат, ахлоқ ва муомалалар дини бўлгани каби, бошқарув, қонун ва жиҳод дини ҳамдир... Буни биз Аллоҳ Таолонинг оятларидан биламиз. Лекин бу нарса мусулмонлар, айниқса уламолар учун тўртки бўлмаяпти. Яъни Ислом давлати йўқлиги сабабли Аллоҳнинг аҳкомлари ҳаётда йўқ бўлган пайтда, тўлиқ ҳолда Исломни қоим қилиш учун ушбу давлатни барпо этиш вожиботини бажаришларига тўртки бўлмаяпти. Аллоҳнинг қўйидаги оятлари Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишга буюриб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа нарсалар билан ҳукм юритган кимсаларни залолатда, деб сифатлаган. Агар мусулмонлар буни англаб етмасалар, Аллоҳ Таолонинг маломатига дучор бўладилар. Чунки бу нарса мусулмонларнинг зиммасига тушган бўлиб, қиёмат куни албатта бундан сўраладилар.

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنِ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ﴾

**«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир»** [Юсуф 40]

Ушбу оят ҳукм-ҳокимлик ибодатнинг бир бўлаги эканини айтиб, уни фақат Аллоҳ Азза ва Жаллага чекламоқда. Бас, шундай экан, ҳеч ким Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолодан бошқасидан ҳукм олиши жоиз эмас. Шунинг учун ҳам бунинг ортдан Аллоҳ

﴿أَمَرَ آلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ﴾

**(У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир),** демоқда. Яъни ҳукм-ҳокимлик бир ибодат бўлиб, у фақат ва фақат Аллоҳга қаратилмоғи лозим.

– Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِي مَا اخْتَلَفُوا فِيهِ﴾

**«Уларга қўшиб одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлсин, деб Ҳақ Китобни нозил қилди»** [Бақара 213]

Ушбу оятда Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло барча пайғамбарларнинг одамларни Аллоҳга ибодат қилдириш, жумладан ўзларининг ҳам ибодат қилиш вазифаси, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар ила ҳукм юритиш билан бўлишини баён қилмоқда. Хусусан, Ислом дини глобал оламшумул қонунчилик дини бўлиб, унинг ҳукми то қиёмат кунига қадар давом этади.

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرْنَاكَ اللَّهُ﴾

**«Албатта, Биз сизга ушбу Ҳақ Китобни (Қуръонни) одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик»** [Нисо 105]

Ислом билан ҳукм юритиш, дегани бу – низо ва келишмовчилик масалаларида уларнинг ўртасида ҳукм юритишдир. Масалан: хун, номус, моллар ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлар ҳамда барча аҳкомлар масалаларида. Бу шариатда тан олинган ижтиҳод тариқати асосида амалга оширилади.

– Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَنْ يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

**«Аллоҳ ва Росулига ўрталарида ҳукм юритиш учун чорланган вақтларида, мўминларнинг сўзи «эшитдик ва итоат қилдик», (демоқдир). Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир»** [Нур 51]

Яъни мўминлар ўз ўрталарида Ислом билан ҳукм юритишга чақирилган ва улар ҳеч малолланмай, тўлиқ таслим бўлган ҳолда «эшитдик ва итоат қилдик», демоқлари шартдир. Чунки Аллоҳ нажот топмоқни шунга чеклади.

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴿٥١﴾

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا نُزِّلَ إِلَيْكَ وَمَا أَنزَلَ مِن قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَن يَتَحَاكَمُوا إِلَى الظُّلُمَاتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَن يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَن يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿٥٢﴾

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُم تَعَالَوْا إِلَى مَا أَنزَلَ اللَّهُ وَإِلَى الرَّسُولِ رَأَيْتَ الْمُتَنَفِقِينَ يَصُدُّونَ عَنكَ صُدُودًا ﴿٥٣﴾ فَكَيْفَ إِذَا أَصَبْتَهُم مُّصِيبَةٌ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ ثُمَّ جَاءُوكَ يَحْلِفُونَ بِاللَّهِ إِن أَرَدْنَا إِلَّا

﴿إِحْسَانًا وَتَوْفِيقًا﴾

**«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни муслмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатдан Аллоҳга ва охираат кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир. (Эй Муҳаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истади. Қачон уларга «Аллоҳ нозил қилган Китобга ва пайғамбар ўғитларига келинглар», дейилса, у мунофиқларнинг сиздан қаттиқ юз ўгирганларини кўрасиз. Энди ўзларининг қилмишлари сабабли уларга бирон мусибат етса, шундан кейин сизнинг ҳузурингизга келишиб: «Биз фақат яхшиликни ва орани ўнглашни истаган эдик, холос», деб қасам ичишлари қандоқ бўлди?»**

[Нисо 59-62]

Бу оятдаги **أولي الأمر** дан мурод одамлар устидаги амирлар, ҳукмдорлар ва уламолардир. Чунки итоат қилишга буюрилган ишларда уларга бўйсуниб, итоат қилинмагунча диний ишлари тўғри-қоим бўлмайди.

Аллоҳ Таоло мунофиқларнинг ҳолидан ҳайратда қолмоқда. Чунки улар иймон келтирганларини даъво қила туриб, тоғутдан ҳукм сўрамоқчи бўлишяпти. Зеро, бошқа ердан ҳукм олиш Аллоҳнинг шариатидан бошқа нарса билан ҳукм юритиш бўлиб, бу нарса иймонга мос келадими?! Иймон Аллоҳнинг шариатига итоатда бўлишни ва ҳар бир ишда уни ҳоқим қилишни тақозо этади. Ўзини мўмин эканини даъво қила туриб, тоғутнинг ҳукмини танлаган кимса ёлғончидир. Зеро, шайтон инсонни мана шундай йўлдан оздиради. (Саъдий тафсири).

– Карамни кенг Аллоҳ бундай деди:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

**«Йўқ, Роббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳақам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича зинҳор мўмин бўлолмайдилар»**[Нисо 65] Ушбу оят тафсири тўғрисида Ибн Касир бундай дейди: «Аллоҳ Таоло Ўзининг муқаддас улуғ Зоти номи билан қасам ичиб айтмоқдаки, то ҳамма ишларда Росулulloҳ ﷺ ни ҳақам қилмагунча ҳеч ким мўмин бўлмайди. Чунки ул зот нимани ҳукм қилсалар, унга зоҳирдаю ботинда бўйсунмоқ лозим». (Тафсири ибн Касир китоби). Ибн Қоййим бундай дейди: «Аллоҳ Ўзининг муқаддас Зоти номи билан қасам ичиб ва қасамда қайтариқни таъкид қилиб айтмоқдаки, одамлар ўз ораларида то усул ва фуруъда, шариат аҳкомлари ва усул аҳкомларида Росулulloҳни ҳақам қилмагунларича қалбларидаги нарса иймон саналмайди. Одамлардан кўнгил торлиги ва норозилик кетмагунча, қалблари ул зотнинг ҳукмларидан тўлиқ таскин топиб, ҳақиқатда қабул қилмагунларича бу ҳақам қилишнинг ўзи билан иймон ўз исботини топмайди. Шунингдек, ул зотнинг ҳукми розилик билан ва тортишишдан, муҳолифликдан ва эътироздан мусаффо ҳолда қабул қилинмагунча ҳам бу ҳақам қилишнинг ўзи билан иймон ўз исботини топмайди. (البيان في أقسام القرآن) 270-саҳифа).

– Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирдирлар»** [Моида 44]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَٰسِقُونَ﴾

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар фосиқдирлар»** [Моида 47]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимдирлар»** [Моида 45]

Аллоҳ нозил қилмаган нарсалар билан ҳукм юритиш кофирларнинг қилмиши бўлиб, Аллоҳнинг ҳукмидан юз ўгиришлари ҳолатига қараб, Қуръон уларни кофирлар, золимлар ва фосиқлар, деб атади ва буларнинг барчаси маломат қилинган сифатлардир. Муслмонларга нисбатан эса бу сифатлар умумий турда боғлиқ бўлиб, Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилмаслик уларни Исломдан чиқариб қўймайди. Фақат кимки эътиқоддан келиб чиқиб, ҳукм қилмаса Исломдан чиққан ҳисобланади.

Энди, қуйида зикр қилинган оятлар шуни баён қилмоқдаки, Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритиш халифа қилиш бўлиб, Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритган киши халифадир:

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَٰئِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً ۗ قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَآءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ ۗ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Эсланг, (эй Мухаммад), Роббингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман», деганида улар айтдилар: «У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан»**

[Бақара 30]

﴿يٰۤاٰدٰمُ اِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِى الْاَرْضِ فَاحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوٰى فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيْلِ اللّٰهِ ۗ اِنَّ الَّذِيْنَ يَضِلُوْنَ عَنِ سَبِيْلِ اللّٰهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيْدٌۢ بِمَا نَسُوْا يَوْمَ الْحِسَابِ﴾

**«Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас сен инсонлар орасида ҳақ билан ҳукм қил ва (нафс) хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини (яъни қиёматни) унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир»** [Сод 26]

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

**«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавф-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқлардир»** [Нур 55]

﴿عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُهْلِكَ عُدُوَّكُمْ وَيَسْتَخْلِفَكُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

**«Шояд Роббингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўрса»** [Аъроф 129]

﴿وَأذْكُرُوا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَاءَ مِن بَعْدِ قَوْمِ نُوحٍ﴾

**«(Аллоҳ) сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилиб қўйганини ва куч-қувватингизни зиёда қилиб яратганини эслангиз!»** [Аъроф 69]

﴿وَأذْكُرُوا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَاءَ مِن بَعْدِ عَادٍ وَبَوَّأَكُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

**«Сизларни Од (қавми)дан кейин халифа қилиб қўйганини ва сизларга ернинг текисликларида (ёзлик) қасрлар қуриб олишингиз, тоғлик жойларида (қишлик) бошпаналар йўниб (тиклаб) олишингиз учун маскан берганини эслангиз!»**[Аъроф 74]

﴿أَمَّن يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَاءَ الْأَرْضِ﴾

**«Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушкулини осон қиладиган ҳамда сизларни ернинг халифа-эгалари қиладиган зотми?!»** [Намл 62]



﴿وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَائِفَ فِي الْأَرْضِ وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِّيُبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

**«У сизларни ерда халифалар қилиб қўйган ва Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган зотдир. Албатта, Роббингиз тезда жазолагувчидир ва албатта У мағфиратли, меҳрибондир»**

[Анъом 165]

﴿هُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَائِفَ فِي الْأَرْضِ فَمَنْ كَفَرَ فَعَلَيْهِ كُفْرُهُ وَلَا يَزِيدُ الْكَافِرِينَ كُفْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ إِلَّا مَقْتًا وَلَا يَزِيدُ الْكَافِرِينَ كُفْرُهُمْ إِلَّا خَسَارًا﴾

**«У сизларни ер юзида халифа қилиб қўйган зотдир. Бас ким кофир бўлса, унинг куфри фақат ўзининг зиёнига бўлур. Кофир бўлган кимсаларга куфрлари Роббиси ҳузурда фақат ғазабнигина зиёда қилур. Кофир бўлган кимсаларга куфрлари фақат исёнкорликнигина зиёда қилур»**

[Фотир 39] □

**МУСУЛМОНЛАР ҲАЁТИ ХАЛИФАЛИККА МАҲКАМ БОҒЛАНГАН**

Биз Қуръони Каримни тиловат қилсак ва Расулуллоҳ ﷺнинг Ҳадисларини ўқиб, сийратлари билан танишсак, шунингдек, саҳобаларнинг ул зот билан биргаликдаги ҳаётини ва ул зотдан кейинги ҳаётини ҳамда саҳобалардан кейинги вақтдан то бундан юз йил аввалги давргача бўлган муслмонлар ҳаётини ўргансак, Ислом давлати Исломнинг ажралмас бир қисми бўлганига гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, муслмонлар ҳаётининг аксар тафсилотларида Ислом давлати намоён бўлган. Шунингдек, динларининг мукамаллиги ва дин неъматларининг тамомига етиши ҳам ушбу давлат билан боғлиқ эди. Агар Расулуллоҳ ﷺнинг бевосита Ислом давлатига алоқадор ҳадиси шарифларига мурожаат қиладиган бўлсак, масалан: халифалар, иш эгалари, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқариш, ҳукми Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан олиш, тоғутдан ҳукм олишнинг ҳаромлиги ҳамда жиҳод, работ, фатҳ, жизя каби давлат билан боғлиқ ҳолатларга мурожаат қилсак, уларнинг жуда кўплигини, санаб адоғига етолмаслигимизни биламиз. Бироқ, бугунги кунда муслмонлар ҳаётида бу нарсаларни топа олмаймиз, фақат зеҳниятларида топишимиз мумкин. Бу ҳол бизни айрим ҳадисларни ва уларнинг давлатга алоқадорлигини муслмонларга эслатишга ундади. Муслмон киши бу турдаги Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифларни ўқиган пайтда, уларни ғофиллар каби ўтказиб юбормай, астойдил ўрганиши ва ўзига қанчалар тааллуқли эканини билиши лозим:

Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилинадики, Набий صلى الله عليه وسلم бундай дуо қилар эдилар:

«رَبِّ اَعْنِي وَلَا تُعِنِّ عَلَيَّ، وَاَنْصُرْنِي وَلَا تَنْصُرْ عَلَيَّ، وَاْمْكُرْ لِي وَلَا تَمْكُرْ عَلَيَّ، وَاَهْدِنِي وَبَسِّرْ هُدَايَ اِلَيْ، وَاَنْصُرْنِي عَلَيَّ مِنْ بَعِي عَلَيَّ»

**«Эй Роббим, менга ёрдам бер, зиёнимга ёрдам берма, менга**

нусрат бер, мағлуб қилма, фойдамга макр қил, зиёнимга макр қилма, мени ҳидоят қил ва менга ҳидоятда юришни осон эт ва менга зулм қилганлар устидан Ўзинг нусрат бер». (Имом Термизий ривояти).

Росулуллоҳ ﷺ марҳамат қилдилар:

«أَيُّهَا النَّاسُ، لَا تَتَمَنَّوْا لِقَاءَ الْعَدُوِّ، وَسَلُّوْا اللّٰهَ الْعَاقِبَةَ، فَإِذَا لَقَيْتُمُوهُمْ فَاصْرِبُوا، وَاعْلَمُوا أَنَّ الْجَنَّةَ تَحْتَ ظِلَالِ السُّبُوفِ»

«Эй инсонлар, душманга йўлиқишни орзу қилманглар, Аллоҳдан офият сўранглар. Мабодо, душманга йўлиқсангиз, сабр қилинглр ва билинглarki, жаннат қиличлар сояси остидадир». (Имом Бухорий ривояти).

Сарвари олам ﷺ яна бундай дуо қилганлар:

«اللَّهُمَّ مُنْزِلَ الْكِتَابِ، وَمُجْرِي السَّحَابِ، وَهَارِمَ الْأَخْرَابِ، أَهْزِمْهُمْ وَأَنْصُرْنَا عَلَيْهِمْ»

«Эй Китоб нозил қилган, булутларни йўналтириб турган, аҳзоб (мушриклар гуруҳлари)ни мағлуб этган Аллоҳим, уларни мағлуб қилиб, бизларни уларнинг устидан ғолиб қил». (Имом Бухорий ривояти). Булар Росулуллоҳ ﷺ қилган дуолардир. Бас, муслмонлардан ҳам шундай дуо қилиш талаб қилинади. Аллоҳдан нусрат сўралаётган, сабр ва сабот сўраб илтижо қилинаётган ушбу ҳадисларнинг барчаси Исломиё давлат етакчилиги остидаги жиҳодда душманларга қарши туриш билан боғлиқ бўлган ҳадислардир.

Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه мени ўзига яқин тутар эди. Унга Абдурахмон ибн Авф – бизнинг ҳам ўғилларимиз бор (Умар ибн Хаттоб бизнинг ўғилларимизга ҳам яқин бўлса эди), деди. Шунда Умар رضي الله عنه: Уни ўзингиз яхши биласиз деди (бу сўзи билан уни Росулуллоҳ ﷺ га яқинлиги ёки илми, билими ва зийраклигига ишора қилди). Сўнг Ибн Аббосдан (саҳобалар унинг илмини кўриб қўйишсин учун) : (إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ) ояти ҳақида нима биласиз? – деб сўради. У эса: Бу Росулуллоҳ ﷺ нинг вафоти яқинлашганининг аломатидир, Аллоҳ ул зотга шуни билдирмоқда, дея жавоб берди. Умар: мен ҳам бу оят тўғрисида худди шу сиз айтган нарсани биламан, деди».

(Имом Бухорий ривояти). Демак, Росулulloҳ ﷺнинг вафот топишлари диннинг камолоти тўлиқ амалга ошганидан ҳамда нусрат, фатҳ ва бу дин кенг ёйилиб, ҳатто барча инсонларга етиб бориши билан Ислom динига нисбатан Аллоҳ Таолонинг қўллаб-қувватлови тўлиқ рўёбга чиққанидан дарак беряпти. Бу нарсага Росулulloҳ ﷺнинг ҳаётларини нусрат билан чамбарчас боғлаб, мана шу суранинг ўзи гувоҳлик беряпти.

Хаббоб ибн Арат Росулulloҳ ﷺга шикоят қилингани тўғрисидаги Ҳадисни ривоят қилади. Ўшанда ул зот бундай дейдилар:

«وَاللّٰهُ لَيَتَمَنَّ اللهُ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّىٰ يَسِيرَ الرَّكَّابُ مَا بَيْنَ صَنْعَاءَ وَإِلَىٰ حَضْرَمَوْتِ، مَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ تَعَالَىٰ وَالذَّنْبَ عَلَىٰ غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»

«Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошяпсизлар». (Имом Бухорий ривояти). Бу ерда Аллоҳнинг ҳақ дини ғолиб бўлиши, Аллоҳ Ўз ишини Ислom давлатини барпо этиш ва нусрат бериш билан камолига етказиши, ер юзининг чор атрофида хавфсизлик ўрнатилиб, ҳеч ким бирор кимсадан қўрқмай яшаши айтиляпти. Ҳадисда, шунингдек, муслмонларни сабр-тоқат қилишга, нусратни шошилтирмаслик ёки уни кечиктирмасликка даъват қилинган. Зеро, Ислom давлати барпо бўлиши билан албатта нусрат келади. Оқибат тақводорларникидир.

Абдуллоҳ ибн Амр رضي الله عنه ривоят қилади: Биз Росулulloҳ ﷺнинг олдиларида ёзиб ўтирган эдик. Росулulloҳ ﷺдан «қайси шаҳар биринчи Фатҳ бўлади, Константинополми ёки Рим?», деб сўраб қолишди. Шунда Росулulloҳ ﷺ

«مَدِينَةُ هِرَقْلٍ تَفْتَحُ أَوَّلًا»

«Иракли шаҳри яъни Константинопол биринчи фатҳ қилинади», дея марҳамат қилдилар. (Имом Аҳмад ривояти). Ушбу ривоятда фатҳлар боғланган Ислom давлати ҳақида

мусулмонлар учун хушxabар бор. Константинополь билан Рим ўша пайтда насронийларнинг пойтахти бўлган экан, демак, бу ҳадис Ислом давлатининг ҳукмрон бўлиши, майдони кенгайиб, глобал ҳукмронликни қўлга киритиши ҳақида башорат қилмоқда.

Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَيُوشِكَنَّ أَنْ يَنْزَلَ فِيكُمْ ابْنُ مَرْيَمَ حَكَمًا عَدْلًا، فَيَكْسِرَ الصَّلِيبَ، وَيَقْتُلَ الْخَنَازِيرَ، وَيَبْضِعَ الْحَرْبَةَ، وَيَقْبِضَ الْمَالَ حَتَّى لَا يَقْبَلَهُ أَحَدٌ، حَتَّى تَكُونَ السَّجْدَةُ الْوَاحِدَةَ خَيْرًا مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا»

«Жоним кўлида бўлган зотга қасамки, орангизга Ибн Марям одил ҳоким бўлиб тушиб, хочни синдиради, тўнғизни ўлдиради, жизя жорий қилади, мол-дунё оқиб келиб, ҳатто уни оладиган одам топилмай қолади. У кунда биргина қилинган сажда дунё ва ундаги барча нарсадан афзал бўлиб қолади». Абу Ҳурайранинг яна бир ривоятида

«كَيْفَ أَنْتُمْ إِذَا نَزَلَ ابْنُ مَرْيَمَ فِيكُمْ وَإِمَامُكُمْ مِنْكُمْ»

«Орангизга Ибн Марям тушган ва раҳбарингиз ўзларингиздан бўлган ҳолатда, ҳолатингиз қандай (ҳам яхши) бўлади», дейилган. (Имом Муслим ривояти). Ушбу Ҳадисда Ислом Уммати учун бир турли ғолиблик бўлиши ва ўшанда Ислом учун қарор берадиган ва жизя жорий этадиган инсон тушиши, у кунда мусулмонлар учун ораларидан бири киши имом-халифа бўлиши айтилмоқда. Ҳофиз «Фатҳ»да бир ровийдан нақл қилиб, бундай дейди: «وَإِمَامُكُمْ» «وَإِمَامُكُمْ»дан мурод Инжил билан эмас, Қуръон билан ҳукм юритади, деганни англатади.

Адий ибн Ҳотим رضي الله عنه Набий ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«فَإِنِّي لَا أَخَافُ عَلَيْكُمْ الْفَاقَةَ؛ فَإِنَّ اللَّهَ نَاصِرُكُمْ وَمُعْطِيكُمْ حَتَّى تَسِيرَ الطَّعِينَةُ فِيمَا بَيْنَ يَتْرَبِ وَالْحَيْرَةِ، أَوْ أَكْثَرَ، مَا يُخَافُ عَلَيَّ مَطِيَّتُهَا السَّرِقُ»

«Мен сизларга қашшоқлик этади, деб қўрқмайман. Зеро,

Аллоҳ сизларга нусрат бериб, (барча неъматлари) билан сийлайди. Ҳатто тахтиравондаги аёл Ясриб ва Ҳийра ўртасида ёки ундан ҳам узун йўлларда уловининг ўғирланишидан қўрқмаган ҳолда қатнайдиған бўлади». (Имом Термизий ривояти). Ушбу Ҳадисда нусрат ва бойликни фақат Аллоҳдан умид қилиниши ва тинчлик-хавфсизликка фақат Ислом давлати кенгайиб, ҳукмрон бўлиши билан эришилиши, ҳатто тахтиравондаги аёл ҳеч нарсадан қўрқмай-хавфсиз юриши хабар қилинмоқда.

Абу Ҳурайра رضي الله عنه Набий ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّى يُقَاتِلَ الْمُسْلِمُونَ الْيَهُودَ، فَيَقْتُلُهُمُ الْمُسْلِمُونَ حَتَّى يَخْتَبِئَ الْيَهُودِيُّ مِنْ وَرَاءِ الْحَجَرِ وَالشَّجَرِ، فَيَقُولُ الْحَجَرُ أَوْ الشَّجَرُ: يَا مُسْلِمُ يَا عَبْدَ اللَّهِ هَذَا يَهُودِيٌّ خَلْفِي، فَتَعَالَ فَاقْتُلْهُ، إِلَّا الْغَرْقَدَ فَإِنَّهُ مِنْ شَجَرِ الْيَهُودِ»

«То мусулмонлар яҳудийларга қарши жанг қилиб, уларни ўлдирмагунча, то ортида яҳудий яшириниб олган тош ҳам – эй мусулмон, мана, ортимда яҳудий турибди, кел уни ўлдир, деб айтмагунча қиёмат қоим бўлмайди... Фақат ғарқад дарахтигина ундай демайди, чунки у яҳудийлар дарахтидир». (Имом Бухорий ривояти). Ушбу ҳадисда мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасида жуда катта жанг бўлиши, Аллоҳ бизни барча турдаги табиат билан қўллаши ҳамда ушбу Умматнинг Аллоҳ қўллаб-қувватлайдиған ва яҳудий давлати устидан ғолиб қиладиған бир давлати бўлиши айтилмоқда.

Абу Дардо رضي الله عنهдан ривоят қилинадики, Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилдилар:

«بَيْنَمَا أَنَا نَائِمٌ، إِذْ رَأَيْتُ عَمُودَ الْكِتَابِ احْتِمِلَ مِنْ تَحْتِ رَأْسِي، فَظَنَنْتُ أَنَّهُ مَذْهُوبٌ بِهِ، فَاتَّبَعْتُهُ بَصْرِي، فَعِمِدَ بِهِ إِلَى الشَّامِ، أَلَا وَإِنَّ الْإِيمَانَ حِينَ تَفْعُ الْفِتْنُ بِالشَّامِ»

«Мен тушимда, бошимнинг (ёстиғимнинг) остидан Китобнинг ўзаги (дин ва иймон) олинганини кўрдим. У олиб кетилади, деб ўйлаб, ортидан кўзим билан кузатган эдим, шунда у Шом узра тиклаб қўйилди. Огоҳ бўлинг, фитналар қўзғалган пайтда, иймон Шомда бўлади». (Имом Аҳмад

саҳиҳ санад билан ривоят қилган). Бу ҳадисда Исломнинг буюклигига ва Ислом давлатининг барпо бўлишига далил бор. Шунингдек, Шом юртининг афзаллиги, унинг аҳлининг яхшилиги ва Ислом бошқаруви ўша ерга кўчиши айтилмоқда.

Умму Ҳиром бинт Милҳон رضي الله عنها ривоят қилади: «**Росулulloҳ** ﷺ менинг уйимда ухлардилар. Кейин уйғониб, кулдилар. Нимага кулдингиз, ё Росулulloҳ? деб сўрадим. Умматимдан бир тоифа инсонлар менга Аллоҳнинг йўлидаги ғозийлар бўлиб кўрсатилди. Улар худди подшоҳлардек бу денгиз узра кемаларга миниб кетишарди, дедилар. Мен – ё Росулulloҳ, Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин, дедим. Росулulloҳ мени дуо қилдилар. Кейин бошларини қўйиб яна уйқуга кетдилар, сўнг уйғониб, кулдилар. Нимага кулдингиз, ё Росулulloҳ? – деб сўрадим. Аввалги айтганларидек «Умматимдан бир тоифа инсонлар менга Аллоҳнинг йўлидаги ғозийлар бўлиб кўрсатилди», дедилар. Мен – ё Росулulloҳ, Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин, дедим. Росулulloҳ «Сиз аввалгилардансиз», дедилар». (Муттафақун алайҳи). Бу ҳадис Умматнинг жиҳодни давом эттириши ва денгизда кемаларга миниб, ғазот қилиши ҳақида айтилган бўлиб, ҳақиқатда Росулulloҳнинг Умму Салимга айтган бу гапи амалга ошди. Бу эса ул зотнинг пайғамбарлиги ва ростгўйликларининг яна бир исботидир. Бу ишларнинг барчасини ҳарбий кемалар ҳозирлаб, қўшинларни ҳаракатга келтириб, денгизларда жиҳод олиб борадиган Ислом давлати амалга оширади.

Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِذَا هَلَكَ كِسْرَى فَلَا كِسْرَى بَعْدَهُ، وَإِذَا هَلَكَ قَيْصَرٌ فَلَا قَيْصَرَ بَعْدَهُ، وَالَّذِي نَفْسِي

بِيَدِهِ لَتَنْفَقَنَّ كُنُوزُهُمَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Агар Кисро ҳалок бўлса, ундан кейин бошқа бир Кисро чиқмайди. Агар Қайсар ҳалок бўлса, ундан кейин бошқа бир Қайсар чиқмайди. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, сизлар албатта бу иккисининг бойликларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайсизлар». (Муттафақун алайҳи). Ушбу Ҳадис

икки империя, яъни Форс ва Рум устидан Исломнинг ғалаба қозонишини башорат қилмоқда. Бу эса Ислом давлатисиз амалга ошмайди.

Абдуллоҳ ибн Умар айтадики, бизга Росулulloҳ ﷺ чиқиб, бундай дедилар:

«يَا مَعْشَرَ الْمُهَاجِرِينَ، حَمْسٌ إِذَا ابْتَلَيْتُمْ بِهِنَّ وَأَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ تُدْرِكُوهُنَّ: لَمْ تَطْهَرِ الْفَاحِشَةُ فِي قَوْمٍ قَطُّ حَتَّى يُعْلَنُوا بِهَا إِلَّا فَشَا فِيهِمُ الطَّاعُونَ وَالْأَوْجَاعُ الَّتِي لَمْ تَكُنْ مَصَّتْ فِي أَسْلَافِهِمُ الَّذِينَ مَضَوْا، وَلَمْ يَنْقُصُوا الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ إِلَّا أُحْدُوا بِالسِّتِينَ وَشَدَّهَ الْمُتُونَةَ وَجَوَّرَ السُّلْطَانَ عَلَيْهِمُ، وَلَمْ يَمْعُوا زَكَاةَ أَمْوَالِهِمْ إِلَّا مُبِعُوا الْقَطْرَ مِنَ السَّمَاءِ وَلَوْلَا الْبِهَائِمُ لَمْ يَمْطُرُوا، وَلَمْ يَنْقُصُوا عَهْدَ اللَّهِ وَعَهْدَ رَسُولِهِ إِلَّا سَلَطَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ عَدُوًّا مِنْ غَيْرِهِمْ فَأَخْدُوا بَعْضَ مَا فِي أَيْدِيهِمْ، وَمَا لَمْ تَحْكَمْ أَنْفُسَهُمْ بِكِتَابِ اللَّهِ وَيَتَخَيَّرُوا مِمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَّا جَعَلَ اللَّهُ بِأَسْمِهِمْ بَيْنَهُمْ»

«Эй муҳожирлар жамоаси мен сизларга бешта нарса етишидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман. Қайсики қавм фақш ишлари билан ошкора шуғуллансалар, уларнинг орасида ўлат касаллиги ҳамда аждодларида учрамаган касалликлар ёйилади. Қайсики қавм тарози ва ўлчовдан уриб қолса, улар қаҳатчилик ва тақчилликка ҳамда ҳокимлар зулмига дучор бўлишади. Агар молларидан закот бермасалар, осмондан ёмғир ёғиш камаяди, ҳайвонлар бўлмаганда, ёмғир мутлақо ёғмай қўяр эди. Агар Аллоҳ ва Росулига берган аҳд-паймонларини бузсалар, уларнинг устидан душманларини ҳукмрон қилиб қўяди. Шунда ўша душманлар уларнинг қўлидаги бойликларини тортиб олади. Агар имом-раҳбарлари Аллоҳнинг китоби билан ҳукм юритмасалар ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлари орасидан ўзларига фойдаси борини танласалар, Аллоҳ уларни ўзаро жанглар билан хор қилади». (Ибн Можа ва Ҳоким саҳиҳ санад билан ривоят қилганлар). Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон раҳбарларига Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилиш вожиб экани очиқ-ойдин баён этилган. Шунингдек, Аллоҳнинг шариати билан ҳукмронлик қилмаган жамият ўзаро муаммолар билан хорликка юз тутиши ҳам айтиб ўтилган. □



## ТАШАККУРНОМА

Ал-Ваъй журнали ҳижрий 1444, милодий 2023 йилги ўзининг махсус сонини нашр қилар экан, даъватга оид жонли мақолалар ёзиб, илтимосимизни қабул қилган муаллифларимизга чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз. Дарҳақиқат, кўплаб муаллифларимиз ёзган мақолалар жуда илғор ва юқори савияда бўлди. Албатта бу Уммат олдида ҳамиша ҳақиқатни айтадиган журнал бўлишимиз учун Аллоҳ Таолонинг бизга берган фазли ва тавфиқидир. Биз Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлимига ҳам ҳар доим ўз одатига кўра ҳеч мукофот ёки ташаккур умид қилмаган ҳолда биз билан биргаликда саъй-ҳаракат қилиб келгани учун миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, журналнинг тўғри ишлашини ва ҳар доим биринчи ўриндаги етакчи журнал бўлиб қолишини таъминлаган кўрсатмалари учун ҳурматли амиримизга ҳам алоҳида ташаккур изҳор этамиз. Ал-Ваъй журналини даъватни ёйувчи йигитларимиз учун қимматли маълумотномага айлантирган Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога беҳад ҳамду сано айтамыз.

Журнал талабига биноан мақола ёзган, лекин уларнинг ўз мақолаларини махсус сонда нашр қилиш тўғрисидаги илтимослари бажарилмай қолган муаллифлардан бунинг учун узр сўраймиз. Дарҳақиқат, мақолалар кўп бўлгани учун уларни ушбу махсус сонга сиғдиришни имкони бўлмади. Лекин бу мақолалар инша Аллоҳ кейинги сонларда нашр қилинади. Бу ишга ҳисса қўшганларнинг барчасига ажри азимлар ато этишини сўраб қоламиз. Айни пайтда, йигитлардан йил давомида мақола ёзишни тўхтатмасликларини, айниқса, Умматнинг устида кетма-кет юз бераётган, улар ҳақидаги ҳақиқат ёритилиши керак бўлган воқеалар тўғрисида кўпроқ ёзишларини илтимос қиламиз.

Сўнги дуойимиз оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

## ҚАРИЛИК ИСЛОМ ВА ҒАРБ ЎРТАСИДА

Ғарб ҳазорати инсоннинг қадрини оёқости қилиб, уни оддий ишлайдиган машинага айлантириб қўйди. Агар машина эскириб, кўп бузиладиган бўлиб қолса, ундан қутулиш керак бўлиб қолади. Чунки фойда келтирмайдиган эски машина ортиқча харажатдир. Ғарб айти шу йўсинда фикрлаб, қарилардан қутулишнинг «эвтаназия» (меҳрли ўлдириш) деб номланган шайтоний йўлини ўйлаб топди. Эвтаназия усули кўпроқ сурункали касал ва кекса одамлар учун қўлланади. Ғарбликлар бу жиноятни оқлаш учун «Инсон ўз қисматини белгилашда эркин», «инсон ўз танасидан ўзи хоҳлаганича фойдаланишга ҳақли» деган баҳоналарга, шунингдек, иқтисодий омилга таянишади. Уларнинг фикрича, баъзи касаллар ва кекса одамлардан қутулиш моддий харажатларни тежаб қолиш имконини беради. Шунинг учун жамиятни зараркунандалардан тозалаш керак!... Бу Ғарб ҳазоратининг инсонга бўлган кўз қарашидир. Унинг учун одам шунчаки машина, агар у бузилиб қолса ва жамиятнинг уни тузатишга қурби етмаса, ундан қутулиш керак. Эвтаназия бу мамлакатларда ҳамон ўз тарафдорларини орттирмоқда. У Америка ва Ғарб давлатларида кенг тарқалиб, баъзи мамлакатларда бундай услуб билан ўлдиришга рухсат берган қонунларни қабул қилиш даражасига етди. Голландия, Белгия, Португалия ва Канада каби мамлакатларда уни содир этган шифокорлар ва бошқа одамлар жиноий жавобгарликка тортилмайди. Ҳатто баъзи мамлакатларда шифокорлар бундай услуб билан ўз жонига қасд қилишни осонлаштирадиган жиҳозларни ихтиро қилишган. Бу мамлакатларда унга тарғиб қилиш учун телевизион дастурлар тайёрланган, уни қўллаб-қувватлайдиган ва унга чақирадиган китоблар ёзилган.

Бу масалада Исломнинг кўз-қараши қандай?

Аввало, ҳаёт ва ўлим яратганнинг қўлида. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيٰوةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا﴾

**«(Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир»** [Мул 2]

Мусулмон одам ўз жонини сақлаши керак ва унга ўз жонига қасд қилиш ҳаром қилинган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا ﴿٢٠٨﴾ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ عُدْوَانًا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصَلِّيهِ

نَارًا ۚ وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا ﴿٢٠٩﴾

**«Ҳамда бир-бирларингизни ўлдирмангиз! Албатта Аллоҳ сизларга меҳрибон бўлган зотдир. Ким ҳаддан ошиб, зўравонлик билан шундай ишларни қилса, биз уни дўзахга киритажакмиз. Бу Аллоҳ учун осон бўлган ишдир»** [Нисо 29-30]

Аллоҳ Таоло кимнингдир жонини ҳеч кимга, шифокорга ҳам, яқин қариндошга ҳам мулк қилиб бермаган, аксинча, кимнингдир қўли остида ота-онаси кексалик ёшига етса, уларга яхшилик қилишга буюрган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَصَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَيَالِئُولِي دِينٍ إِحْسَنًا أَمَا يَبْلَغُنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا آفٍ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣٤﴾ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ أَرْحَمُهُمَا كَمَا رَبَّيْتَانِي صَغِيرًا﴾

**«Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут – хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларияга дуо қил)!»** [Исро 23-34]

Бу оятдаги **عِنْدَكَ** сенинг қўл остингда» деган сўзнинг маъноси «шифоҳона (қариялар уйи)да эмас, сенинг уйингда» деган маънони билдиради.

﴿فَلَا تَقُلْ لَهُمَا آفٍ﴾

**(Уларга қараб «уф» тортма),** деган сўзнинг маъноси ота-онага «уф» тортишдан қайтаришни англатади. Баъзи салафлар: «Агар ота-онага «уф» тортишдан ҳам пастроқ иш бўлганида, Аллоҳ Таоло уни ҳам ҳаром қилган бўлар эди», деб айтганлар.

Қуръон Каримда ота-онанинг кексайиб қолганидан кейинги давр «Арзалул умр» (энг тубан умр) деб аталади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمِنْكُمْ مَّن يَتُوقِيَّ وَمِنْكُمْ مَّن يَرُدُّ إِلَيَّ أَرْذَلِ الْعُمَرِ لِكَيْلَا يَغْلَمَ مِنْ بَعْدِ عِلْمٍ شَيْئًا﴾

**«Сизлардан (гўдаклик, ёшлик йилларидаёқ) вафот топадиган кишилар ҳам бўлур, яна сизлардан (кўп нарса-билимларни ўрганиб) билганидан сўнг ҳеч нарсани билмай қолиши учун энг тубан умрга (яъни қариб мункиллаб қолишга) қайтариладиган кишилар ҳам бўлур»** [Ҳаж 5]

Ибн Аббос айтади: «Арзалул умр инсон ҳаётининг энг ёмон даври. Чунки инсон унда ёш бола каби бўлиб, ҳар бир нарсада бошқасига муҳтож бўлиб қолади». Умрнинг бу даврида хотираси ўткир одам унутувчи, кучли одам кучсиз ва бошқасига муҳтож бўлиб қолади. Ислом қарияларни ҳурмат қилишга буюради. Росуллulloҳ ﷺ айтадилар:

﴿مَا أَكْرَمَ شَابًّا شَيْخًا لِّسِنَتِهِ إِلَّا قَيْضَ اللَّهِ لَهُ مِنْ يُكْرِمُهُ عِنْدَ سِنَتِهِ﴾

**«Кимдир ёшлик кезида кексайиб қолган қарияни ҳурмат қилса, Аллоҳ у кексайганида уни ҳурмат қилувчини тайёрлаб қўяди».** Термизий ривояти. Яна айтадилар:

﴿لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْرِفْ شَرَفَ كَبِيرِنَا﴾

**«Кичик ёшдагиларга раҳм-шафқат қилмаган, катта ёшдагиларни ҳурмат қилмаган киши биздан эмас».** Термизий ва Аҳмад ривояти. Баззор ривоят қилади: «Бир киши онасини кўтариб олиб каъбани тавоф қилаётган эди. Кейин, унга қараб турган Росуллulloҳ ﷺ га: Эй Росуллulloҳ, онамнинг ҳаққини адо этдимми, деб сўради. Росуллulloҳ ﷺ: **Йўқ, бир нафас чиқаришчалик ҳам (адо этмадинг), дедилар.** □

АҚШ вице-президенти Камала Харрис 2023 йил 19 февралда Қўшма Штатлар Россиянинг Украинада инсониятга қарши жиноят содир этганини «расман тасдиқлаганини» маълум қилди.

**2023 йил 16 мартда Украина бўйича мустақил халқаро тергов комиссияси чиқарган ҳисоботда Россия томонидан Украинада инсон ҳуқуқлари ва гуманитар халқаро ҳуқуқлар бўйича халқаро қонун бир неча бор бузилгани айтилади.** Ҳисоботда таъкидланишича, Россия содир этган «ҳарбий жиноятлар» тинч аҳолига ва энергия билан боғлиқ инфратузилмага ҳужум қилиш, қасддан одам ўлдириш, ноқонуний қамоққа олиш, қийноққа солиш, зўрлаш ва жинсий зўравонликнинг бошқа турлари, шунингдек, ёш болаларни ноқонуний кўчириш ва депортация қилиш каби ишларни ўз ичига олади. Бошқа томондан, одатдагидек, ўз ҳисоботларини адолатли қилиб кўрсатиш учун ушбу комиссия Украина кучлари томонидан содир этилган бир қанча майда жиноятларни ҳам қайд этган.

2023 йил 17 мартда Халқаро жиноят суди Россия президенти Владимир Путинни Украинада содир этган жиноятлари учун Ҳибсга олишга ордер берди. Нотада шундай келади: «У (Владимир Путин) Украинанинг босиб олинган ҳудудлари аҳолисини (ёш болаларни) Россия федерациясига ноқонуний депортация қилиш ва кўчириш жиноятлари учун жавобгардир». Нотада, шунингдек, жаноб Путинни юқорида қайд этилган жиноятлар учун шахсан жавобгар деб ҳисоблашга асосли сабаблар борлиги қўшимча қилинган.

Халқаро жиноят суди қарорига жавобан Россия ташқи ишлар вазирлиги жума куни бу ҳаракатни «аҳамиятсиз» ва «қонуний жиҳатдан асоссиз» деб баҳолади. Вазирлик матбуот котиби Мария Захарова Телеграмда «Халқаро жиноий суд қарорлари мамлакатимиз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас» деди. «Россия Халқаро жиноят судининг Рим статусига аъзо эмас ва бу бўйича ҳеч қандай мажбуриятни олмаган», деб қўшимча қилди. У ўз сўзига «Москва Халқаро жиноят суди билан ҳамкорлик қилмайди», деб изоҳ берди.

Украина томонига келсак, президент аппарати раҳбари Андрей Ермак ордер берилишини «бу фақат бошланиши», деб атади.

**Ал-Ваъй:** Биз бир-бирига боғлиқ бўлган ушбу хабарларни муслмонлар улардан шунчаки хабардор бўлишлари учун келтирмадик. Уларни келтиришдан мақсад, Америка бошчилигидаги Ҳарб давлатларининг дунё халқлари ва давлатларига нисбатан иккиюзламачилигини фош этишдир... Бу ерда Россия содир этганлиқда айбланаётган барча жиноятлар, у томонидан Сурияда ҳам содир этилмаганмиди?! Россия Сурияда бундай жиноятларни содир этган пайтда Америка ва унинг қўғирчоғи бўлган БМТ, Европа ва унинг қўғирчоғи бўлган Халқаро жиноят суди нега уни айбламади?!... Бу Ҳарбнинг иккиюзламачилигидир. Бу бутун дунёни тубсизликка ботирган Ҳарб ҳазоратининг қулашидир. Бугун бутун дунё ундан халос бўлишга муҳтож. Чунки бу ҳазорат фақат қирғин ва фожиаларни, шунингдек, инсонийликдан ва маънавий қадриятлардан холи бўлган халқаро низоларни келтириб чиқармоқда. Бугун дунё уни капитализм зулматидан Ислом нури ва ҳидоятига олиб чиқадиган тўғри мабдага жуда муҳтож... Ислом Аллоҳнинг ҳақ динидир ва Пайғамбарлик минҳожидир асосидаги Халифалик ечимдир.

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ ۗ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир (яъни, Уни Ўзи хоҳлаган ишни қилишдан ҳеч ким манъ қила олмайди). Лекин одамларнинг кўплари (буну) билмайдилар»** [Юсуф 21] □